

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ Н.А.Муслимов

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ  
ФАНЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА  
ИННОВАЦИЯЛАРИ  
модули бўйича**

## **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчилар:**

Б.Бойметов

ТДПУ тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси  
кафедраси профессори, п.ф.н.

С.Булатов

ТДПУ тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси  
кафедраси профессори, п.ф.д.

Т.Рихсибоев

ТДПУ Чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси  
кафедраси профессори в/б, п.ф.н.

**Тошкент -2015**

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ .....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	11
1-мавзу. Тасвирий санъат фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари .....	11
2-мавзу. Тасвирий санъат ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. ....	29
3-мавзу. Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари ва қонуниятлари .....	56
4-мавзу. Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши. ....	79
5-мавзу. Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишда инновациялар узвийлик ва узлуксизлик. ....	108
6- мавзу. Тасвирий санъат фанларига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялари. ....	125
7-мавзу. Илмий ва фундаментал фан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш. ....	136
ГЛОССАРИЙ .....	172

# ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## I. КИРИШ

### 1.1. Модулнинг мақсади ва вазифалари

**Фанни ўқитишдан мақсад** – Таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини кўтариш зарур бўлиб қолди.

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим олувчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равишда қидирувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана олувчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш лозим бўлади.

**“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари” модулининг вазифалари:**

- замонавий фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;
- мутахассислигининг илмий муаммоларини ечишда мустақил қарорлар қабул қила олиши, ҳамда ундан касбий фаолиятида фойдалана билиши;
- фазовий, образли-сиймоли, мантиқий тасаввур ва тафаккурни ривожлантириши;
- мустақиллик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва бошқа хислатларга эга бўлиши;
- илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ва ҳисоботлар тузишни;
- касбий масалаларни ечишда автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган моделлаш методларини эгаллаши;
- илмий асосларда илмий жамоани бошқара олиши;
- ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методларини эгаллаши лозим.

### 1.2. Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

**“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари” модулини ўзлаштириш жараёнида тингловчилар:**

- “Тасвирий санъат фанларини ўқитишнинг методологик асослари”,
- “Тасвирий санъат фанларини ўқитишнинг методологик тамойиллари ва

хусусиятлари”, “Тасвирий санъат фанларининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқалари, тадқиқот методлари ва уни ташкил этиш”, “Тасвирий санъат фанларини ўқитиш методикасининг ҳозирги аҳволи, уни такомиллаштириш йўллари”, “Тасвирий санъат фанлари бўйича ўқитиш воситалари ва умумий вазибалари”, «Тасвирий санъат дарсларида талаба ва ўқувчиларнинг тасвирий фаолияти ва дасутрлаштирилган таълим”, “тизимли ва мулоқотли ёндашув каби етакчи тамойиллар асосида ўқитишнинг интерактив методлари ва педагогик технологиялари ҳақида”ги **тушунчаларни**;

- “Машғулот турлари (лекция, амалий машғулотлар ва бошқалар) ни ўтказиш ва назорат қилишнинг фаол шакллари”, “ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим оловчиларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини тўла ошириш методларини”, “талабалар билимини, кўникма ва малакасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини”, “ўқитиш сифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлигига таъсир этувчи факторларни”, “педагогик мулоқот асосларини”, “илмий тадқиқот ишининг асосий тушунчалари ва методларини” кабиларга оид **билимларни**;

- “Тасвирий санъат фанларини ўқитишда ўқув ва билим олиш фаолиятини оширишни ташкил этиш”, “Тасвирий санъат фанларини ўқитишда талаба ва ўқувчиларнинг билими ва мустақил таълимини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминоти”, “ўқув-методик тарбия жараёнини лойиҳалаш ва амалга ошириш”, “Тасвирий санъат топшириқлар, тарқатма карточкалар ва моделлар, кўргазмали электрон слайдлар каби ўқитиш воситалари (ўқув-методик матеариллар)ни ишлаб чиқиш”, “янги педагогик технологиялар, уларни муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда қўллаш” кабиларга доир **кўникма-малакаларни** муваффақиятли ўзлаштира олишлари ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ қилишлари зарур.

### **1.3. Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари”, “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ташкил этишнинг қонунчилик нормалари”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, “Инновацион таълим технологиялари”, “Махсус фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар” ҳамда “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” каби ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### 1.4. Модулнинг малака ошириш курсларидаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик касбий компетентликни ошириш, педагогик маҳоратга эга бўлиш, педагогик тажрибаларини бойитиш, касбий фаолиятга ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш, касбий такомилга етишиш, ўз-ўзини фаоллаштириш ва ўзида педагогик техникани ривожлантириш орқали таълимнинг сифат ва самарадорлигини юқори босқичга кўтаришга имкон берувчи кўникма, малакаларига эга бўлади.

### 1.5. Модулнинг ҳажми ва мазмуни

Модулни ўқитиш учун 40 соат ҳажмда ўқув юкланмаси ажратилган бўлиб, унинг 16 соати маъруза, 24 соати амалий машғулотлар ва 4 соати мустақил таълим учун мўлжалланган.

**Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши бўйича “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари” модулининг тақвимий-мавзулар**

#### РЕЖАСИ

№	Ўқув модуллари	Ҳаммаси	Жами ўқув юкланмаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Тасвирий санъат фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари.	2	2	2			
2.	Тасвирий санъат ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари.	2	2	2			
3.	Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари, ғоялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари.	2	2	2			
4.	Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши.	4	2	2			2
5.	Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишда инновациялар узвийлик ва узлуксизлик.	4	2	2			2
6.	Тасвирий санъат фанларига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялари.	2	2	2			
7.	Илмий ва фундаментал фан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш.	2	2	2			
8.	Методология ва замонавий ёндашувларни танқидий таҳлил қилиш ва синтезлаш.	4	4		4		
9.	Тасвирий санъат фанлари интеграцияси натижасида шакланган соҳалар ва илмий-тадқиқот методлар.	4	4		4		
10.	Тасвирий санъат фанларининг ютуқлари ва инновациялари.	4	4		4		
<b>Жами</b>		<b>30</b>	<b>26</b>	<b>14</b>	<b>12</b>		<b>4</b>

## II. АСОСИЙ ҚИСМ

### 2.1. Назарий машғулотлар мазмуни

**1-мавзу.** Тасвирий санъат фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари. Тасвирий санъат фанларининг мақсад ва вазифалари, ўқитишда педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда хусусий методикалар.

**2-мавзу.** Тасвирий санъат ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Қадимги дунё Тасвирий санъат тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари. Машҳур тасвирий санъат усталари ҳаёти ва ижодини ўрганиш.

**3-мавзу.** Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари, ғоялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари. Тасвирий санъат назарияси, тасвирий санъат фанларини ўқитишда унинг қонуниятларидан фойдаланиш. Тасвирий санъат тур ва жанрлари. Уста рассомлар ва педагогларнинг тасвирий санъат соҳасига қўшган ҳиссалари.

**4-мавзу.** Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон рассомлари ижодида эришилган муваффақиятлар. Мустақиллик даврида тасвирий санъатни ривожланиши учун Республика ҳукумати томонидан амалга оширилган ижобий ишлар. Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ташкил этилиши.

**5-мавзу.** Тасвирий санъат фанларини ўқитишда инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш ва педагогик фаолиятда қўллаш. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда ОТМлари профессор-ўқитувчиларидан ҳар бир ўқув машғулотини ҳозирги замон фан ва ютуқларидан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш, ташкил этиш ва ўтказишни тақазо қилади.

**6-мавзу.** Тасвирий санъат фанларига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялари. Тасвирий санъат фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари.

**7-мавзу.** Илмий ва фундаментал фан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш. Тасвирий санъатдан илмий тадқиқот ишларини олиб бориш. Илмий тадқиқот ишларини олиб бориш.

Таълим ва тарбия масалаларини бир бири билан гармоник равишда бирга қўшиб олиб бориш зарур. Улардаги дарсларида тарбиявий ишларнинг мувофақияти кўп жихатдан ўқувчининг сийсий, ғоявий, маънавий етуклигига, унинг мустақил давлатимизни мафкурасини тушуна билишга боғлиқ. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда аваллом бор уларни ўзаро интеграциялаш асосида ҳамда бошқа турдош фанлар (тасвирий ва амалий санъат, математика, геометрия, аналитик геометрия кабилар) билан интегратив ёндошган ҳолда олиб борилади.

**8-мавзу.** Методология ва замонавий ёндашувларни танқидий таҳлил қилиш ва синтезлаш.

**9-мавзу.** Тасвирий санъат фанлари интеграцияси натижасида шаклланган соҳалар ва илмий-тадқиқот методлари. Тасвирий санъат ўқитиш методикасига оид илмий ишларни ташкил этиш.

**10-мавзу.** Тасвирий санъат фанларининг ютуқлари ва инновациялари. Тасвирий санъат фанларини ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари.

## **II. Амалий машғулотлар мазмуни**

Амалий машғулотлар жараёнида тингловчилар мустақил мавзулар асосида “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модулидан маъруза машғулотларида ўзлаштирган назарий билимларини намоён этиш билан бирга тавсия этилган адабиётлар, Интернет материаллари ёрдамида ОТМ ва педагог фаолияти, шунингдек, тингловчилар касбий компетентлиги сифатини баҳолашга доир тегишли кўникма, малакаларни ўзлаштиради. Тингловчиларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиққан ҳолда амалий машғулотлар давра суҳбати, баҳс-мунозара, беллашув, тақдимот, мини тадқиқот, ишчанлик ўйинлари, викторина каби шаклларда илғор педагогик технологияларга асосланган ҳолда ташкил этилади.

### **2.1. Назорат саволлари:**

1. Қаламтасвир ишлаш методик босқичларини тушунтириб беринг.
2. Узоқ муддатли қаламтасвир ишлаш билан қаламчизгининг фарқи нимада?
3. Ўқув академик қаламтасвир ишлашнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.
4. Ўқув ва ижодий қаламтасвир ишлашнинг бир-биридан фарқи нимада?
5. Қаламчизги ва қорамалар нима?
6. Шаклнинг конструктив асоси деганда нимани тушунасиз?
7. Қиррали буюмларнинг конструктив асоси деганда нималарни тушунасиз? Мисоллар келтиринг.
8. Шахсий соя билан тушувчи соянинг фарқи нимада?
9. Ёруғ, соя, яримсоя, ялтироқлик рефлекслар ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?
10. Оддий ва мураккаб шакллар деганда нимани тушунасиз?
11. Шакл қуришда ёрдамчи чизиқларнинг ахамияти тўғрисида гапириб, мисоллар келтиринг.
12. Ўқ чизиғи нима?
13. Турли шаклларнинг перспектив қисқариши тўғрисида маълумот бериб, мисоллар келтиринг.
14. Буюм нисбатлари деганда нималарни тушунасиз?
15. Уфқ чизиғи нима?

16. Сурат текислиги нима?
17. Картина текислиги деганда нимани тушунаси?
18. Туташ нуқтасига мисол келтиринг.
19. Айлана перспективаси нима? Мисоллар келтиринг (уфқ чизигидан пастда, юқорида, уфқ чизиги баландлигида).
20. Буом текислигини тушунтириб беринг.
21. Уфқ текислиги деганда нималарни тушунаси?
22. Чизикли ва ҳаво перспективаси қонуниятларини айтиб беринг.
23. Катта шакл нима?
24. Қалам, кўмир, сангина билан ишлаш техникалари тўғрисида гапириб беринг.

## **2.2. Мустақил таълим**

Мустақил таълим “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модулини ўқитишнинг муҳим таркибий қисми саналади. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад тингловчиларда модул негизида муайян мавзулар бўйича ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, бойитиш билан бирга айрим мавзуларни мустақил ўрганиш, уларни ўрганишга ижодий ёндашиш кўникма, малакаларини ривожлантиришдир. Тингловчилар мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида тавсия этилган мавзулар бўйича тақдимот, схема, жадвал, диаграмма, кейс, буклет, плакат, ҳисобот, кроссворд, сканворд, ребус, анаграмма, альбом, мақола, реферат, тарқатма материал ва б. ижодий ишланмаларни тайёрлашлари мумкин. Ишланмаларга ижодий ёндашув, ўзига хослик, ғоявийлик, изчиллик, тугал ечим, эстетик талабларга мослик каби талаблар қўйилади.

## **2.3. Мустақил таълим мавзулари**

1. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларининг тараққиётига таъсир этувчи омиллар.
2. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш методларининг такомиллашиб бориш истиқболлари.
3. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишнинг хорижий давлатлардаги аҳволи ва ютуқлари (Интернетдан кидириб топилади.)
4. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларининг ўқитишда илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш.

## **2.4. Ўқитиш воситалари**

- жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар: электрон доска-Hitachi, ЛСД-монитор, электрон кўрсаткич (указка), кадоскоп, флипчарт, доска, бўр, маркерлар, магнитлар, А2, А3, А4 қоғозлари;
- видео-аудио ускуналар: видеопроектор, видео ва аудиомагнитофон, микрофон, колонкалар;



- компьютер ва мультимедиали воситалар: Интернет тизими, компьютер, Dell типдаги проектор, DVD-дискковод, Web-камера.

### Ш. Ўқув-методик адабиётлар ва электрон таълим ресурсларининг рўйхати

#### 3.1. Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
5. Давлат олий ўқув юртининг намунавий Устави (1999 йил) / Олий таълим. Меъёрий хужжатлар тўплами. – Тошкент: Адолат, 2001.
6. Ўзбекистон Республикасида олий таълимнинг меъёрий хужжатлари. – Тошкент: Адолат, 2001.
7. Каримов И.А. «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиёти пойдевори» Т. Ўзбекистон. 1997.
8. Ўрта махсус, касб-хунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат Таснифлагичи,-Тошкент, 2004.
9. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. –Тошкент: Фан, 2004. -127 б.
10. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. (Методик қўлланма). Т.: ТДПУ, 2006. 52 б.
11. Муслимов Н.А. Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси. Монография. Фан. Тошкент.: 2009. 120 бет.
12. Ройтман И.А. Методика преподавания черчения. –М : 2000 г.
13. Фёдоренков ва Кимаев «Auto CAD 2002», М., 2001г.;
14. Б.Бичард ва бошқалар «Внутренний мир AutoCAD», инглизчадан таржима, Киев: Диа СОФТ, 2000, 1,2,3,4-боблар.
15. Л.Хейфец «Инженерная компьютерная графика», М. Диалог МИФИ, 2002 г.
16. Л.Хейфец «Инженерная компьютерная графика», СПб, БХБ: Петербург, 2005г

### **3.2. Қўшимча адабиётлар рўйхати**

1. Ходжабаев А.Р., Икромов А.И. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарларининг бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарлик маҳоратини шакллантириш.-Т.: 2004, 10,3 б.т

2. Ходжабоев А.Р., Хусанов И.А. Касбий таълимнинг методологик асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: 2006. -180 б.

3. Ходжабоев А.Р. Касбий таълимнинг методологик асослари. Ўқув қўлланма. –Тошкент, 2007. 190 б.

4. Алиева Н.С. Активизация процесса усвоения знаний учащимися учебнўх заведений ССПО. –Ташкент: ФАН, 2004. 108 с.

5. Шарипов Ш. ва б. Касбий таълим педагогикаси. –Т.: ТДПУ, 2005. 58 б.

6. Рўзиёв Э.И. Чизмачилик ўқитиш методикаси. – У., 2001.

### **3.3. Таълимнинг электрон ресурслари**

1.<http://www.istedod.uz>

2.<http://www.pedagog.uz>

3. <http://www.ziyonet.uz>

4. <http://www.tdpu.uz>

5.<http://www.Abduqodirov.pbnet.ru>

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### 1-мавзу. Тасвирий санъат фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари Режа

1. Олий педагогик таълимда тасвирий санъат ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини шакллантириш.
2. Борликни идрок этиш.

**Таянч иборалар:** Тасвирий санъат, композиция, конструкция, тон, чизиқли куриш, ранг муносабатлари, портрет, жанр, услуб, классика, ренессанс, антик давр, ҳайкалтарошлик, картина қаламтасвир, формат, олий таълим, рассомлик санъати.

Бўлажак рассом – педагогни ўқитиш ва тарбиялаш тизими аниқ ва илмий асосда бўлиши керак. Бу йўналишда дастлабки таълим ва тарбия умумтаълим мактаблари доирасида амалга оширилади. Мактаб - деганда, энг аввал таълим ва тарбиянинг аниқ тизимиини, бу тизимга ҳамда дарс ўтиш методларига ўқувчиларнинг ихтиёрий равишда буйсунишини, илмий асосланган билимларни ўзлаштиришда жиддийлик, аниқлик ва бадий ижоднинг амалиётда синалган тажрибаларини ўрганишни назарда тутамиз.

Ўтмишда ижод этиб ўтган буюк тасвирий санъаттарихда биздан аввал ўтган ижодкорлар тасвирий санъатдаги фаолиятида эришган тажрибалари бадий мактабларда ўрганиладиган асосий предмет ҳисобланади. Бу санъатни ўрганиб олишни хоҳловчи, бу санъат даргоҳига энди кириб келаётган рассом энг аввал илгари ижод қилган рассомлар асарларини ўрганиб чиқиши ва олган билимлари ҳамда кўникмалари асосида ўз шахсий ижодий қобилиятини ривожлантириши керак.

Ёш рассомларга таълим беришда ўқитувчи томонидан илгариги тажрибалар ўрганила бориб, предметнинг шакли ва мазмунини тўғри ифода этиш учун ёрдам берувчи янгиликлар киритиб борилади. Бироқ, мактаб ўқув маскани сифатида, ўқувчилар олдига фақатгина, янгилик излаш, фақатгина ижодий масалаларни ҳал этиш вазифаларини қўймайди, балки ўқув

муассасасининг асосий масаласи ўқув тизими талабларини ҳал этиш бўлиб қолади.

Ҳар қандай ўқув предметининг ривожланиши ҳеч нарса бўлмаган жойдан бошланмайди. XVII асрнинг академик сурат яратишнинг назарий қоидалари уйғониш даври рассомларининг талқинларидаёқ ифода этила бошланган. XVIII асрда юзага келган суратга академик ўқитиш назарияси маълум ўзгартиришлар киритилиб, энди бадий амалиёт янги шароитларида амалга оширилди. XIX асрда академик сурат назариёти ва амалиётида ўқув масалаларини комплекс ҳал этиш бўйича фаол изланишлар бошланди.

Бадий мактаб академик йўналишида ўқувчиларни фақатгина билим ва кўникмалар билангина қуроллантириш эмас, балки ижодий фаолиятга ҳам иштирок эттириш кўзда тутилади.

Баъзи бир бошловчи рассомлар қонун, қоидаларга амал қилмайдилар ва мактаб ўзининг анъанавий кўрсатмалари билан уларнинг индивидуаллиги ривожланишига ҳалақит беради, деб ўйлаб дарҳол мураккаб ижодий масалаларни ҳал этишга уринадилар. Мактаб ўқув муассасаси сифатида ўзининг дарс ўтиш илмий усуллари билан ижодий қобилиятлар ривожланишига ҳеч қачон ҳалақит қилмаган, аксинча, у ёш рассомлар ривожланиши, таълим олиши ва шаклланишига ёрдам берган. Тасвирий санъатнинг ҳамма турлари учун асосий асос бўлган расмларни чизишни ўрганиб олишда мактаб айниқса, зарур ҳисобланади. Шунинг учун ҳеч ким мактабни ўз усуллари билан ўзбошимчалик қилиб, рассомлар студиясига айлантиришга ҳаққи йўқ. Мактабга қарши бўлганлар- одатда ёш, бошловчи рассомлар орасида баъзан шундай исътедод эгалари учрайдики, мактаб уларни ривожланишига ҳалақит беради, ҳавоскор рассомлар кўрғазмаларида жуда ҳам мазмунли асарлар учрайди, уларга рассомлар мактабда ўқимай ҳам эришганлар, дейдилар. Бундай танқидларга жавоб қайтариб Х.Е.Репин шундай ёзган: «Мен ўзим ҳам янги усулда кўплаб янгиликларни кўриб турибман, лекин мактаб бўлиши керак – ахир дилетантликни (ҳаваскорликни) мактаб принципи қилиш мумкин эмас-ку».

Таълим психология ва педагогикаси ижодий қобилиятлар ва ижодий фаоллик ривожланиши таълим жараёнида катта натижалар бериши мумкин деб, ҳисоблайди. Демак, таълим жараёни, таълим фаолияти мактабнинг диққат марказида бўлиши керак.

«Эркин ижод» усули тарафдорлари, содда болалик расмлари шуниси билан ажойибки у дунёни ўзига қабул қилишини ифода этади, тасвирий санъатда эса бола ўзининг ижодий ташаббусини қизғин намоён этади деб ҳисоблайдилар. Расм чизар экан, бола ижодий яратувчиликдан завқланади ва биз буни унда бутун ҳаётига сақлаб қолишимиз керак. Умумтаълим мактаблари рассомларни тарбияламайди, деб айтадилар «эркин тарбия» тарафдорлари ва болаларни реалистик санъатнинг ҳамма қонун ва қоидаларига ўқитиш керак эмас.

Бола расми ҳақиқийлик тусини олар экан у гуёки ўз таъсирчанлигини йўқотади. Лекин шундай савол туғилади: фақат тасвирий фаолиятидагина бола ўз соддалигини намоён этадимиз? Сўз талаффузида, хореографияда, мусикада намоён этмайдими?

Мактабнинг ижодий қобилиятлар ривожланишида бадиий таълимни зарурлигини ҳимоя қилиб бизга ўзимизнинг ғоявий – сиёсий тушунчаларимизнива ҳимоя қилишга бадиий маданиятимизга бўлаётган хужумларни қайтаришга тўғри келади. Расм чизишга академик таълимни реалистик санъат асоси сифатида мактаб зарурлигини таъкидлар эканмиз, санъат қонун – қоидалари рассомнинг ижодий имкониятларини қисиб кўядими, йўқми бу ҳақда бахслар билан чекланибгина, қолмасдан, реалистик санъат дарсини олиб бориш усулларини тўлароқ очиб бериш керак.

Бошловчи рассом тасвири кўришдан олдин ҳар бир босқичда аввалига қоғозга туширмақчи бўлган тасвирининг ҳаётий тасвирини яратиш олади: предмет шакли, ўзига хослик хусусиятлари ҳақида тасаввури ҳали аниқ бўлмаганида, у умумий схемали шакл билан чекланади, шундан кейин, педагог тушунтирган нарса ҳақида кузатиш олиб бориш ва қайта тушуниб олган сари у кўринаётган натурани ҳақиқий ва эмоционал – мазмунли ифода

этилишига яқинлашиб боради. Бошловчи рассом чизар экан, бурун шаклини дарҳол тўғри кўрсатиб бера олмайди, чунки у преспектива ҳодисаларини (бурун шаклининг фазодаги ҳолатини) ҳисобга олмайди, ёруғликнинг шаклда жойлашиши қонуниятларини кўра билмайди.

Педагог Д.Н.Кардовский таклиф этган «кесиш» усулларида фойдаланиб, бурун тўртта текисликлар билан - олдинги, пастки ва икки ён томон текисликлари билан чэгараланган призмадан ташкил топишини тушунтира бошлаганида эса талаба учун энди буруннинг - призма преспектив кўринишини ҳам тўғри тасвирлаш қийинчилик туғдирмайди, кейин эса бурун шаклининг реалистик тасвирига аста - секин яқинлашиб асосий текисликлар бўйича ҳам ёруғликни тўғри тақсимлайди.

Баъзи педагоглар суратни кўриш бундай йўлини қўлламайдилар, унда схематизм ва ақл билан қарашни сабаб қилиб кўрсатадилар. Жиддий академик мактабга қарши чиқиб, мураккаб шаклни содалаштириш схемаларига, қоидаларига қарши чиқиб, улар «босқичлардан ўтиб бориш» - «кесиб, кесиб бориш» тизими бўйича ишланса - шунга мос фикрлар ҳам мустаҳкамланиб боради деб, таъкидлайдилар. Аслида эса академик расм чизишда ҳеч қандай стандартлилик ва автоматизм кузатилади. Дунёни тушуниш, ҳаёт тажрибаси ва шунга ўхшаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган маълум ижодий индивидуаллик мавжуд ва суратда бадиий образни амалга ошириш даражаси ҳамда чуқурлиги ўқувчининг ўз имкониятлари ва фаоллигига боғлиқ бўлади.

Ҳамма ўқувчилар академик сурат чизишнинг бир хил қонун ва қоидаларини ўрганишларига қарамай, ҳар бир сурат чизувчи натурани ўз билганича қабул қилади ва шунинг учун тасвирда тўла бир хиллик бўлиши мумкин эмас. Рассом шу билан бирга натурадан нусха олувчи сифатида эмас, балки уни қайта қурувчи сифатида иштирок этади. Бунга яна шуни ҳам кўшиш мумкинки, у янги ўқув масаласини ҳал этишга киришар экан, ўзи учун кўплаб янгиликлар яратади, демак, ўзини ижодий намоён этади. Реалистик суратни яратиш жуда мураккаб ижодий жараён ҳисобланади ва

энг аввал бу жараён объектнинг хаёлий образини моддий яратиш билан боғлиқ бўлади, яъни ҳақиқий уч ўлчамли предметни тасвирий икки ўлчамли қоғоз варағи текислигига кўчириш билан боғлиқдир. Кўриб турган образни тасвирийга ўтказиш жараёни ижодий фикрлашсиз мумкин эмас: бунда сураткаш такқослашга, солиштиришга, умумлаштириш, мулоҳаза қилишига мажбурдир. Ўзининг кўп асрлик мавжудлик даврида бадийий рассомчилик мактаби ёш рассомлар ижодий қобилиятини ривожлантириш соҳасида улкан педагогик тажриба тўплаган. Бу ўтмишдаги рассом-педагогларнинг тажрибалари диққат билан ўрганиш ва умумлаштиришни талаб этади, уларнинг асосида биз сурат чизиш академик машғулотларида ижодий қобилиятини ривожлантириш янги илмий асосланган усуллари ишлаб чиқишга киришишимиз мумкин бўлади. Ўтмишдаги рассомлар ютуқлари, тажрибаларини эътиборга олмаслик, мактабни йўқ бўлишига, санъатнинг "нодон"лашишига олиб келади. назарий ва амалиётнинг табиий равишда бирлиги ёш рассомнинг фаол ривожланишига, унинг ижодий қобилияти ўсиб боришига ёрдам беради. Сураткашнинг илмий билимлари қанчалик кўп бўлса, унинг ҳақиқийликка баҳо бериши шунчалик мукамал, техник маҳоратининг даражаси шунчалик бой, унинг ижодий фаолияти маҳсулоти шунчалик ифодали ва ёрқин бўлади. Рассомчилик мактабида илмийлик тамойили ижодий қобилиятлар ривожланиши фаол омили сифатида энг аввал илмий билимлар тизимини ўзлаштириб олишдан иборат бўлади, бу эса бошловчи сураткашга табиат ва ҳодисалар реал ҳақиқий шаклини кўриш қонуниятини тўғри тушунишга ёрдам беради, шу билан реалистик санъат усуллари ҳам эгаллашга ёрдам беради. Буни Қадимий Юнонистон уйғониш даври ва Европа академияларида XVII-XIX асрларда ҳам рассом-педагоглар яхши тушунишган. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришларича, Синион суратчилик мактаби эшигига шундай деб ёзиб қўйилган экан: “Бу ерга геометрияни билмайдиган инсонлар қўйилмайдилар”. Инглиз бадийий академиясининг буюк рассоми ва педагоги Джошуа Рейнольдс шундай деган: “Бизнинг санъатимиз - фақатгина бу худо берган истеъдод эмас, лекин

у механик ҳунар ҳам эмас, унинг асоси аниқ фанларга таянади”\*. Биз илгари айтиб ўтганимиздек, мактаб шароитида сураткаш фаолияти аниқ масалани ечишда ўтади, улар унда эстетик талаблар уйғотади, шу билан бирга табиий куч билан қониқиш изловчи талаб уйғотади. Қўйилган масаланинг ечими, агар илгари ҳам бир неча бор ҳал этилган, ўқувчига яхши маълум билимлар доирасидан чиқмаса, осон ва оддийгина келиб чиқади. Бундай ҳолатларда масала оддий ҳал этилади. Шундан кейин анъанавий тажриба етарли бўлмаган давр келади, янги йўллар излаш, фикрлар ўзгарувчанлиги, фаҳм-фаросат керак бўлади. Нима келиб чиққани ва яна нималар қилиш мумкинлигини доимо текшириб бориш даври келади. масалан, гипсли бош суратини чизишдан тирик бошнинг суратини чизишга ўтишда талаба инсон бошининг шаклий тузилиш қонуниятларини билиб олиб ва қараш нуқтасига боғлиқ равишда конструктив кўриниш схемасининг ўзгаришини била туриб (перспектив кўринишни), тасвири кўриш биринчи босқичларида ўз масаласини осонгина ҳал қила олади. Аммо кейинчалик, тирик бошнинг индивидуал хусусиятларини етказиб беришда мавжуд билим ва кўникмалар етарли бўлмай қолади ва у ўз фаҳм -фаросатига мурожаат этади. Бундай ҳолатда етишмайдиган билимларни натурани диққат билан кузатиш ва илгари эгаллаган илмий билимларидан ижодий фойдаланиш йўли билан олиш мумкин. Ўқувчида ижодий фаҳм-фаросатни турли йўллар билан ривожлантириш мумкин.

П.П.Чистяков академик кўринишдаги натурадан сурат чизишда тана ўзининг ҳамма қисмларида тўғри ифода этилганлиги»ни диққат билан кузатиш керак деб, маслаҳат беради, ҳеч қаерда хаёл суриб ўтириш керак эмас, бир-биридан бир озгина фарқ қилувчи ҳар бир мускулнинг тузилишининг ўзига хослик хусусиятларини тўғри илғаб олиш учун эса - бунда интуитив сезгирлик зарур бўлади. Бундай ҳолларда сезги тўғри йўл кўрсатади, хатони билади ва унга ишора қлади, жойини кўрсатади, қаерни тузатиш лозимлигини айтади.



Қадимги академик мактаб намоёндалари шундай васият қилганлар: натурадан сурат чизар экансан, кўзингга кўринган ҳамма нарсани тўғридан-тўғри кўчириб тушираверма, балки нима учун шундайлигини ўйла, бошқача эмаслиги ҳақида мулоҳаза қил.

Уйғониш даври рассомлари “Кўл билан эмас, балки бош билан чизамиз” - деб айтганлар. Улар бу фикрга тажрибага таяниш, билиш ва тасвирлаш табиатини интуитив тушуниш асосида келганлар. Бугунги кунда психология фани инсоннинг фикрлаш фаолияти табиатини очиб бермоқда. Бошловчи рассом одам боши шакли тузилишининг хусусиятларини тушуниб олишига ёрдам бериб, академик мактаб методикаси бир қатор тартиб билан мураккаблашиб борувчи ўқув масалаларини кўзда тутган методикани таклиф этади: мумтоз намунадаги гипсдан ясалган бошлар суратини (Диадумен, Антий, Венера, Апполон, Гаттимелат, Колеон) ва ниҳоят турли характерли тирик бошнинг суратини чизишга ўтишни кўзда туттади (кекса, ёш одамни, эркак аёлни). Ҳар гал ўқув топшириқларини бажаришида бошловчи сураткаш янгиликни билиб олади, бошқача ўрганади, одамлар юзига профессионал назар билан қарайди, портретни тасвирлаш санъатида янги кўникмаларни эгаллайди, бошқача айтганда турли мақсадлар фаол ижодий фаолиятга кириб келади. ўқув суратини чизишда биринчи асосий методик кўрсатмани педагог бериши керак. Кейинчалик сураткашнинг ижодий фаоллиги кучайиб, унда ўз кўрсатмалари пайдо бўлади, ундан келиб чиққан ҳолда у иш юритади. Улар ўз-ўзидан қўйилган масалани ечиши ва эстетик талаблари чуқурлашиб борган сари юзага келади. масалан, бешинчи курс талабалари “яланғоч одам танасини мураккаб ҳаракатда, фазовий фонда чизишда” академик суратни фақатгина ҳамма қонун ва қоидалар билангина эмас, балки етарлича мазмунли ифодада беришлари керак, бунга эса фақатгина фаол ижодий фаолият билангина эришиш мумкин. Биргина ўқув кўрсатма бу ерда камлик қилади. Мувафақиятга эришиш учун эса яна “қобилиятлари бутун тизимини фаоллаштириш”, “маълум фаолият учун зарур ҳамма хислатларининг ўзаро

боғлиқлигини мустаҳкамлаш ва айнан ана шу фаолиятда улардан фойдаланиш маҳоратини шакллантириш” ҳам керак бўлади. Бунга эса талабалар тажрибали педагог ёрдамида эришишлари мумкин, педагог эса бунинг учун умумий кўрсатмалардан индивидуал кўрсатмаларга ўтиши керак ва ҳар бир талаба қобилиятини ҳисобга олиши керак. Ижодий фаолиятни фаоллаштириш учун ҳар бир ўқувчидан тушуниб олиб чизишни, натурани оддийгина кўчириб қўймасликни талаб этиш керак: манзарали кўриниш бўйича, анатомия, соялар назарияси соҳасидаги ўз илмий билимларидан ижодий фойдаланиш талаб этилади. Ҳар бир ўқув расми маълум масалани ечишни мақсад қилиб олади, бу эса ўзининг бир мақсадни кўзлашига қарамадан, бир неча ечимларга эга бўлади мактабда ўқувчи педагог ёрдамида ана шу ечим йўллари билиб олади.

Расм чизишга ўргатиш мактабда турли хил ишларни бажариш жараёнида ҳақиқий материаллардан фойдаланиб олиб борилади. Бунда - узок пухта ўрганиш, тез хомаки расм ва лавҳалар чизиб олиш ҳамда хотира билан расм чизиш, тасавури ва хаёлий расм чизиш жараёнлари амалга оширилади.

Натурани ижодий тасаввур этишда педагог ўқувчиларга натурадаги асосий мазмунни кўриб олишга, уларни ҳис этишга, объектни образли қабул қилишга ёрдам бериши керак.

Тасвирни кўришда идрок этиш икки психологик вазиятни ҳисобга олиш керак: предметни кўриш ва тасвирни тушуниш. Энг асосийси шундан иборатки, бу идрок этишларни бошқариш керак, уларни ўзгартириш ва йўналтириш керак.

Мақсад – бу расм устида ишлаш жараёнида эришилиши керак бўлган аниқ натижадир. Масалан, талаба бош суратини чизар экан, у ўз олдида бошнинг конструктив тузилиши шаклининг хусусиятлари ва қонуниятларини тушунишни мақсад қилиб қўяди. У А.Дюрернинг қуйма – конструктив бош шакли схемасини асос қилиб олади. Олдинига ҳеч нарса чиқмайди, шаклининг асосини ифода этувчи ёрдамчи чизиқлар, конструктив схемадан фойдалана олмайди, улар шаклни тасвирлашга ёрдам бермайди, балки аксинча, ҳалақит

килади. Бироқ ифодасини ишга солиб, педагог ёрдамида у аста – секин текисликда шаклни кўриш усулини ўзлаштира боради, шакл ҳақидаги субъектив тасаввурлари нотўғрилигини тушунади ва бош шаклини қуриш қонуниятлари ҳақидаги объектив тасаввурларга келади, бу эса ижодий жараён ҳисобланади.

Кўпчилик ҳолларда «эркин тарбия» тарафдорларида расм чизишдан якуний мақсад ишнинг якуний натижаси сифатида белгиланмайди, чунки уларнинг «ўқув жараёнида» аввалги тажрибаларни ижодий ўрганиб чиқиш бўлмайди, расм устида ишлаш аниқ методик кетма – кетлик йўқ, шаклни кўриш объектив қонуниятларини таҳлил қилинмайди. Улар ишонадиларки, ижодий расмда энг аввал рассомнинг ҳақиқатга субъектив муносабати ифода этилиши керак: агарда рассом объектив қонуниятларни тушинишга ҳаракат қилса, унда у суратчига, нусха олувчига айланиб қолади. Шунинг учун уларда мақсадни аниқ белгилаш йўқ ва бўлмайди ҳам, чунки мақсад сураткашнинг ҳаракатлари аниқ натижаларини кўзда тутаяди.

Академик мактаб талабаларининг ижодий қобилиятлари ривожланиши учун тўсиқ бўлиши мумкин эмас. Биринчи курсга талаба расм чизиш санъатида ҳали ҳеч бир тажрибасиз, расм чизиш кўникмаларини ёмон эгаллаган ҳолатда келади. Фақатгина педагогнинг ёрдами билангина, унинг моҳирона методик раҳбарлиги ҳисобига талаба зарур билим ва кўникмаларни ўрганиб, эгаллаб боради. Талаба қанчалик истеъдод эгаси бўлмасин, у ўз ўзидан ривожланиб ва мукамаллашиб бора олмайди, бунинг учун таълим олиш, мақсадга мувофиқ фаолият билан шуғулланиши керак. Буни азалдан рассом – педагоглар жуда яхши тушунишган.

П.П.Чистяков шундай деб ёзади: «Умуман олганда предметнинг тўғри ва тартибли шакли расм чизишда ҳаммасидан ҳам муҳим ва қимматлидир. Истеъдодни худо берар, қонунлар эса натурада бўлади. Ҳамма нарса қонун бўйича қурилган, демак, аралаш эмас, оддий ва қонуний усулни талаб этади».

Макабда ўқитиш жараёнида ижодий фаоллик характери қуйидаги бадиий – ижодий қобилиятларни ривожлантириш деб қаралади: булар

ўхшашликни кўрсатиб бера олиш, натурада ўзига хосликни кўра олиш, нисбатини – шаклнинг қурилиши қонуниятлари ва унинг материаллик асосини етказиб бериш, анатомик қурилиши, юзаси тузилишини тасвирлаб бера олиш маҳоратини фаоллаштиришдан иборат. Ишга бундай ёндошиш бошловчи рассомга академик қоидалар ва қонунларни эслаб қолиш ва тушиниш кераклигини, амалий ишларда бу билимлар ва кўникмалар зарурлигини тушуниб олишига ёрдам беради.

Олинган билим ва кўникмалар бошловчи рассомлар ижодий фаолиятини нафақат фаоллаштиради, балки ўз фаолиятини каби ўз ўртоқлари фаолиятини ҳам объектив баҳолаш тажрибасига эга бўлишга ёрдам беради, бадиий – эстетик баҳолаш шахсий ўлчовлари шаклланишига ёрдам беради. Академик сурат чизиш машғулотларида ўқувчилар ўйлаб топишлари, ихтиро қилишлари керак, айёрлик қилишлари керак эмас. Улар ушбу натурада уларни нима ҳаяжонлантираётган нарса ўз ҳиссиётлари билан жавоб қайтаришлари керак, лекин буларни ўз суратида аниқ ифода этишлари лозим. Ёш рассомнинг илмий дунёқараши кенгайиши унга мавжуд билимлари, маҳорат ва кўникмаларидан ишонч билан фойдаланишга имкон беради. Унинг ижодий фаолиятининг аниқ кўрсаткичлари амалий фаолияти натижалари - ўқув суратлари ҳисобланади. Бунга қўшимча сифатида яна шуни айтиш керакки, ўқувчи суратни академик ҳолатини ўрганиб боришида, у ўзи учун кўп янгиликларни очади, ўзини янги иш усуллари билан бойитади. Тажрибали рассом учун аллақачон маълум ва одатий бўлган нарсалар бошловчи рассом учун янги, ажойиб, биринчи бор учраётган бўлади. Албатта, биргина билим ҳамма нарсани ҳал қилмайди. Чистяков бу ҳақда шундай деб ёзган: «Санъат бу фан эмас, санъат фандан фойдаланади, санъат қонунлари билиши ва уларни ишда қўллаши керак, ана шунинг учун ҳам санъат бу – маҳоратдир».

### ***1. Борлиқни идрок этиш.***

Расм чизишни ўргатишда асосий вазифа, бу рассомда жисм шаклини масофадан кўриш ва тасвирлаш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Жисм шаклини масофадан (кенгликда) кўриш ва тасвирлаш – жисмни «тўла хажмда», уч ўлчамли шаклда (баландлиги, эни ва қалинлигини) кўриш демакдир.

Ўқув машғулотларининг асосий вазифаси натурани ҳаққоний унинг ўлчамларини тўғри ифодалаган ҳолда, кўрсатиб бера олишдан иборат. Бунга кўз билан ўлчаш (масофа ва жисм ўлчамларини кўзда чамалаш) қобилиятини ривожлантириш ва кўзни тўғри қаратиш орқали эришилади. Бундай ҳолларда жисм ўлчами ва масофани аниқлаш учун кўз билан чамалаш қобилиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Чамалаш қобилиятини шакллантириш учун иш жараёнида доимий равишда кўз билан нисбатни аниқлаш қўл келади. Расм аниқлиги бўйича илгари сурилувчи доимий талаблар бўлажак мутахассисларни ўз ишларига нисбатан эътиборли, масъулиятли бўлишга ўргатади, уларда табиатни синчковлик билан таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилади ва бир вақтнинг ўзида кўрган қиёфани эслаб қолиш қобилиятини ҳам ривожлантиради.

Кўриш орқали эслаб қолиш рассомнинг энг қимматли ва эътиборли ҳислати бўлиб ҳисобланади. У тасвирдаги жисм шакли, нисбати ва тузилиши ҳақидаги аниқ ва умумий тасаввурни хотирада сақлайди. Бу эса шакли «хотирадан», тасаввур ва англаш асосида чизиш имконини беради ва рассомнинг келгусида мустақил композициялар ва эскизлар яратиш борасидаги ишларини бирмунча енгиллашади.

Натурадан расм чизиш бўйича олиб борилган доимий машқлар натижасида кўриб эслаб қолиш қобилияти ривожланади. Бундай машқлар, айниқса, рассомчиликка энди қадам босаётган ёшлар орасида кўпроқ ўтказилиши яхши натижа беради. Бу тизим жисмларнинг шакли, конструкцияси, нисбатлари ва пластикаси тўғрисидаги (кўриш орқали олинган) тасаввурни – жисмларнинг табиий кўринишини хотирада янада мустаҳкамланишида асосий ўрин тутаяди. Ушбу мақсадни амалга оширишда қисқа муддатли чизгилар ва расмлар ишлаш кўзда тутилади. Кўриш

хотирасини мустахкамловчи бундай машғулотларда аввало энг асосий қисм ёдда тутилади, иккинчи даражали қисмлар инкор этилади; бунда асосий мақсад – умумий шаклни эслаб қолиш. Шунингдек машғулотлар давомида эслаб қолиш даражаси кенгаяди ва чуқурлашади: иккинчи даражали қисмлар ва бўлақлар ҳам хотира қолади. Чизгилар ва қисқа муддатли расмлар талабада натурани ҳаққоний кўра олиш–тўлиқ кўриш ҳислатини ривожлантиради ва тарбиялайди.

Кўпчилик ҳолларда ёш рассом бир тартибда ишламайди, умумий шаклдан кўра унинг қисмларига кўпроқ эътибор қаратади ва ҳар бир элементнинг моҳиятини тушуниб етмайди. Талаба агар тасвири тўлиқ кўра олса ва «умумийдан - қисмларга ва қисмлардан – яна умумийга» тамойилидан фойдаланган ҳолда тасвирлашдагина иш самарали бўлиши мумкин. Доимий равишда қисмларни умумий жисм билан тасвирлаб иш юритиш бир вақтнинг ўзида расмнинг ҳар бир қисми устидан назорат ўрнатиш имконини беради.

Шаклнинг нисбатлари ва чизиқли-конструктив тузилишини штрихлаш орқали аниқлаш рассомдан бир вақтнинг ўзида бутун расм устида ишлашни талаб этади. Оддий натюрмортдан тортиб, то мураккаб шаклга эга бўлган инсон қоматини тасвирлаш вазифаларида ушбу тамойилга катта эътибор қаратилади.

Тасвирлаш малакасини ўзлаштириш орқали маълум бир миқдорда тўлиқ кўриш қобилиятини ривожлантириш мумкин. Бажарилаётган ишнинг муваффақияти талабанинг мольберт олдида қандай ўтиришига ва қаламни қай ҳолатда ушлашига боғлиқ.

Талаба қаламнинг охиридан-чархланган учига нисбатан қарама-қарши тарафдан ушлаши керак. Бунда қалам қоғоз устида исталган бурчак бўйича ҳаракатлана олади. Расм чизиш жараёнида қўлнинг мустахкам ҳолатини таъминлаш учун жимжилоқ учини мольбертга оҳиста тиралади. Керакли тус чиқариш учун штрихларни тенг интервалларда бир-бирига параллел равишда чизиш орқали эришилади. Сферик юзаларда тўқ рангдан оч рангга

Ўтиш учун штрихлар орасидаги интервалларни камайтириш ёки кўпайтириш ҳамда қалам учини, қаттиқроқ ёки енгилроқ босиш орқали амалга оширилади.

Маълумки, жисмнинг тўла ҳажмини бир томондан кўриш мумкин эмас. Фақатгина жисмнинг ҳар бир қисмини атрафдан кўриб чиқиб жисмнинг ҳақиқий шаклини билиш мумкин. Жисмларнинг кенгликдаги кўринишини тасаввур эта олиш ва англаш маҳоратининг натижаси, кўйилган жисмнинг ҳаққоний тарзда тасвирланиши бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун жисмларнинг бизга кўриниб турган чегаралари ва контурлари ёрдамида жисмга ёруғлик тушиши ва ҳосил бўладиган сояни ҳисобга олиб жисмнинг сиртки тарафи тўғрисида тасаввурга эга бўламиз. Кўриб англашнинг ушбу хусусиятлари реалистик тасвирий санъатнинг қонун-қоидаларини белгилаб беради. Ўз навбатида, реалистик тасвирда шундай хусусиятлар бўлиши лозимки, улар жисмнинг шаклига тусига қараб тасвирни тўғри тасаввур этиш ёки тушуниш имконини бериши керак.

Тасвирий санъатга ўргатиш жисмларни кенгликда кузата билишни ўргатишдан бошланади. Бундан кўзланган асосий мақсад, жисмларни тўғри тасвирлай олишдир. Реалистик тасвирий санъатда инсонни ўраб турувчи шакл ва жисмлар табиатда қандай мавжуд бўлса, ҳамда уларни инсон кўзи қандай қабул қилса, шундай тасвирланади. Бунинг учун талаба кўриб идрок этишнинг баъзи хусусиятларини эгаллаши, шаклни қоғоз юзасида тўла ҳажмли этиб тасвирлаш қоидалари ва усулларини билишини талаб этади. Тасвирий санъатнинг барча турлари ва жанрларида бўлгани каби, қаламтасвирга ўргатиш жараёни ҳам машғулотларнинг оддийдан – мураккабга тартибда амалга оширилишини кўзда тутаяди. Бунда агар олдинги машғулот талаба томонидан етарли ўзлаштирилмаса, кейинги, янада мураккаброқ вазифаларни тушуниш имкони қийин кечади.

***Перспектива реалистик тасвирлашнинг асоси сифатида.***

Талабаларни натурадан, хотира ва тасаввурдан расм чизишга ўргатишда

реалистик тасвирий санъат қонун-қоидаларининг назарий асосларини билишлари катта аҳамиятга эга.

Бирор бир юзада жисмни ҳаққоний тасвирлаш учун, жисмнинг кўришиб турган қисми, унга хос бўлган қуйидаги барча характерли жиҳатлари ва хусусиятлари уйғунлашиши лозим: тузлиши, нисбати, ҳажми, материали бўшлиқдаги жойлашуви.

Кўчанинг ўртасидан кетатуриб деразаларга қарасак, улар худди қисқариб бораётгандек. Аслида эса уларнинг ўлчами ўзгармайди. Параллел темир йўл релеслари, олисга қаралганида, уфқ томонга қараб бирлашиб, бир нуқта бўлиб кўринади, сим ёғочлар бинолар, дарахт ва одамлар биздан узоқлашгани сари кичрайиб боради. Узоқ масофаларда катта ҳажмдаги жисмлар текис бўлиб, ноаниқ белгилар, чизиқлар ва бўлақлар шаклида кўринади. Жисмларнинг бундай ўзгариши маълум қонунларга бўйсунди. Ушбу қонунлар инсоннинг кўриш қобилиятига, жисмларнинг масофа ўзгарариши натижасида қисқариши натижасида вужудга келади. Буларни тасвирий санъатда *перспектива қонуни* деб аталади.

Бизнинг жисм ҳақидаги тасаввурларимиз, ўша жисмни кузатаётган пайтимиздаги шарт-шароитлар (масофа, ҳажм, ҳаво ўзгариши, йил фасли ва бошқ.) асосида ўзгаради. Жисмлар шаклининг кўз олдимизда ўзгариши аниқ перспектив қонунларга бўйсунди. Олисдаги жисмлар шаклининг перспектив қисқариши антик давр кўлёмаларида ҳам учрайди. XV аср ўрталарида яшаб ижод қилган италян рассоми Пьетро дель Борго ушбу назариянинг биринчи намояндаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Леонардо да Винчи ҳам ўзининг «Сурат ҳақидаги илмий мақола»сида чизиқли ҳамда фазовий перспектива қонунлари тўғрисида айтиб ўтган эди. Ушбу қонуннинг назарий жиҳатдан ривожланиши немис рассоми ва назарийчиси Альбрехт Дюрер номи билан ҳам боғлиқ. А. П. Лосенко ва яна кўплаб рус рассомлари перспективанинг назарий жиҳатларинидан ўрганганлар.

Қуйида жисмларнинг перспектив қисқариши учун ўта муҳим бўлган қонун-қоидаларни кўриб чиқамиз. Бунинг учун энг аввало кўриш органимиз



хақида маълумотга эга бўлишимиз лозим. Маълумки, ёруғлик нурлари кўз қорачиғи орқали ичкарига киради, гавхардан ўтиб (икки тарафлама қаварик линза орқали), кўзнинг тўрсимон мугуз пардасига тушади. Ушбу парданинг энг майда колбалари нервларнинг таъсирланишини юзага келтиради ва уни бош мияга узатади, бунинг натижасида биз ёруғликни ҳис этамиз. Ёруғлик нурлари кўзга конус шаклидаги нур ҳолатида киради ва конус кўз қорачиғининг юқори қисмида жойлашади.

Масофа ўзгариши, жисм масштабининг ўзгариши, жисмнинг кўздан узоқлашиши билан фақатгина унинг кенглиги ва баландлиги эмас, балки чуқурлиги ҳам ўзгаради. Шунингдек жисм баландлиги ва ҳажми ҳам кенгликнинг ўзгариши натижасида кичраяди. Шунинг учун олисдаги жисм ҳажми яқиндаги жисм ҳажмига нисбатан ноаниқбўлиб кўринади. Кўздан жуда ҳам олислашиб кетганида жисмлар умуман кичрайиб уфқ чизигида бир чизиқ ҳолда текис бўлиб кўринади. Жисмлар кичрайиши билан улар ўртасидаги масофа ҳам камаяди. Узоқдаги нарсалар худди яқинлашиб қолгандек ва уларни ажратиб турган бўшлиқ ғойиб бўлгандек туюлади. Жисмлар ва кўз ўртасидаги масофа янада ортганида жисмлар бир-бирлари билан бир нуқтага бирлашиб кетади. Жисм шаклини идрок этиш перспектив тасвирга нисбатан кўпроқ олдиндан маълум бўлган жисм тузилишига боғлиқ. Шу сабабли, биз параллел чизиқлар олислашгани сари бир-бирлари билан кўшилиб кетганларини кўрсакда, маълумки, бизнинг кўз олдимизда турган параллел чизиқлар кесишиши мумкин эмас. Қисқача айтадиган бўлсак, биз бир нарсани кўраемиз, аммо уни бошқача қабул қиламиз.

Тажрибасиз рассомнинг чизган расми ёш боланинг расмидан фарқланмайди, - бунда перспектива мавжуд бўлмайди (барча жисмлар фақатгина икки ўлчамда тасвирланади) – бу ўз навбатида реалистик тасвирни билмасликдан келиб чиқади. Жисмлар шаклининг қисқаришини аниқ ва равшан кўрсатиб бериш учун, ўзимиздан бир оз узоқроққа тўғри бурчакли ойна бўлагини жойлаштираемиз ва у орқали жисм ёки жимлар гуруҳини томоша қиламиз. Жисмдан келаётган нур кўзимиз тўр пардасига

тушишдан олдин, томошабин ва жисм ўртасида жойлашган ойна юзасидан маълум нуқталарда ўтиши лозим. Бошимиз ҳолатини ўзгартирмасдан, кўринаётган жисм контури бўйича ойнага туш ёки сиёҳ билан чизамиз. Ойнада тўғри перспектив тасвир ҳосил бўлади. Ушбу ҳолатда ойна *расм чизиш юзаси* бўлиб хизмат қилади.

Жисмнинг жойлашган ўрнига (кўздан баландда ёки пастда, биздан олисда ёки яқинда) ва бурилиш даражасига кўра жисмнинг кўзга кўринадиган қисми ўзгаради. Жисмни кўздан йироқлаштирилиши, унинг ҳажмининг кичрайиб боришига олиб келади. Горизонтал чизиқлар (йўлак четлари, темирйўл релеслари ва ҳок.) кўздан узоқлашиб, томошабиннинг кўзи олдида жойлашган шартли текислик томон ҳаракатланади: кўздан баландда бўлган жисмлар баланддан пастка томон, кўздан пастда бўлганлари эса пастдан юқорига томон кичраяди. Параллел горизонтал чизиқлар олислашганида нафақат бир-бирларига яқинлашадилар, балки бир нуқтада бирлашадилар. Табиатда вертикал йўналишга эга бўлган барча нарсалар (масалан, телеграф устунлари) расмда ҳам вертикал кўринишда бўлади.

Ойнада кузатилган барча перспектив ўзгаришлар борлиққа, табиатга асосланиб расм чизилганида қоғозга тушиши лозим.

Табиатга асосланиб расм чизишдан аввал, жисмнинг горизонт чизиғига нисбатан жойлашувини аниқлаш муҳимдир: у горизонтдан пастда, юқорида ёки горизонтда жойлашганлигини аниқлаш лозим.

Горизонт чизиғи кузатувчи кўзи даражасида жойлашган бўлади, шунинг учун рассомнинг ҳолати ўзгариши билан, горизонт чизиғининг жойлашуви ҳам ўзгаради. Жисмни горизонт чизиғини ҳисобга олган ҳолда тасвирланганда жисмнинг кўринадиган қисми ўзгариб туради: горизонт чизиғидан юқорида жойлашган жисмлар кузатилганда, уларнинг пастки қисми, горизонтдан пастда жойлашганларининг эса юқори қисми кўринади.

Горизонт бўйича тўғри бурчак ҳосил қилган исталган шаклнинг (масалан, кубнинг вертикал қирраси) вертикал чизиғи олислашганида ҳам

вертикал бўлиб кўринади. Шаклнинг горизонтал чизиғи эса горизонт билан мос келади ва расмда горизонтал ҳолатда акс этади.

Горизонтал чизиқларнинг перспектив ҳаракатини китоб жавони мисолида аниқ кўришимиз мумкин. Табиатдан расм чизилганида горизонт томон ҳаракатланувчи горизонтал чизиқларнинг ётиқлик бурчагини аниқлаш ва уни расмда тўғри ифодалаш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Мисол учун, кўздан пастга, столга китоб кўямиз. Китобнинг ҳеч бир қирраси билан кўз нури перпендикуляр бўлмаслиги лозим. Китобнинг горизонтал қирраларини горизонт чизиғи бўйича пастдан юқорига ҳаракатланади деб қабул қиламиз. Буни аниқ сезиш учун, столга, китоб қиррасининг олд тарафига (кўз нурига перпендикуляр қилиб) қалам кўямиз ёки кўлимизни олдинга чўзиб қаламни горизонтал, кўз нурига нисбатан перпендикуляр ҳолатда ушлаб турамиз (бунда қалам китобнинг пастки уч қиррасининг энг қуйи қисмига тўғри келиши керак). Объектга бир кўзимизни юмиб қараймиз ва китобнинг горизонтал қирраларининг ётиқлик бурчагини аниқлаймиз. Бу бурчакларни расмда ифодалаш учун қалам ўрнига А В горизонтал тўғри чизиқ чизилади, китоб қирраларининг ўрнига эса – К нуқтадан бошланувчи ётиқ тўғри чизиқлар чизилади.

Тўла ҳажмли жисмларни қоғозга туширишни ўрганиш учун аввало геометрик шаклларнинг перспектив тузилишини ўрганиб чиқиш лозим. Қуйидаги геометрик шакллар – куб, цилиндр, шар, призма – бошқа шаклларни яшашда асос бўлиб хизмат қилувчи энг оддий шакллар бўлиб ҳисобланади. Энг мураккаб жисмларнинг конструкцияси оддий жисмларнинг уйғунлиги натижасида вужудга келади. Содда шакллар мисолида жисмларнинг перспектив тузилиши қонунини осонликча ўзлаштириш мумкин. Оддий геометрик шаклларни перспектив қоида асосида чизишни тўла ўзлаштириш, табиатдаги ҳар қандай жисмни ҳеч қандай қийинчиликларсиз чизиш имконини беради.

Уч ўлчамли жисмни қоғозда тасвирлаш тамойилларини эгаллаш учун, турли жисмларни бир неча бор горизонт чизиғига нисбатан турли

жойлаштириб, шунингдек, рассомга нисбатан расмларни турли бурчакларда буриб чизиш муҳим.

### ***Назорат саволлари***

1. Тасвирий санъатда композициянинг ўрни ҳақида тушунча беринг.
2. Чизиқли конструктив қуриш нима?
3. Конструкция билан тоннинг фарқи нимада?
4. Тасвирда ранг муносабатлари деганда нималарни тушунаси?
5. Тасвирий санъатнинг портрет жанрида ижод қилган рассомларни келтиринг.
6. Тасвирий санъатда жанр, услуб нима?
7. Классик санъат тўғрисида тушунча беринг.
8. Антик давр санъати тўғрисида маълумот беринг.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Бойметов Б. Қаламтасвир. – Тошкент: Муסיқа нашриёти, 2006.
2. Abdirasilov S., Boymetov B., Tolipov N. Tasviriy san'at. – T.: Cho'lpom nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2006. – 176.
3. Абдирасилов С., Толипов Н. Рангтасвир. –Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2007.
4. Абдирасилов С.,Бойметов Б., Толипов Н. Тасвирий санъат. –Тошкент: Илм Зиё , 2010.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003. –04 б. Т.6. Б. 292-295.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. – 690 б.

## 2 мавзу Тасвирий санъат ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари.

### Режа

1. Тасвирий санъатнинг ривожланиш тарихи
2. Тасвирий санъат тараққиёт босқичлари.

**Таянч иборалар:** Тасвирий санъатнинг тарихий ривожланиш босқичлари, Заравутсой, Чуст, Далварзинтепа, жанр, услуб, классика санъати, ренессанс, антик давр, ҳайкалтарошлик, картина қаламтасвир, формат, олий таълим, рассомлик санъати.

### Тасвирий санъатнинг ривожланиш тарихи

Тасвирлашга нисбатан бўлган қизиқиш инсонларни қадимдан ўзига жалб этиб келган. Чунки у ибтидоий давр одамларига ўзаро мулоқот қилиш, сўзлашиш учун зарур бўлган. Тарихдан маълумки, тасвирларнинг аксарияти овчилик билан шуғулланиб келган қадимги одамларнинг ҳайвонларни қандай ов қилганликларига асосланган. Улар ҳайвонларнинг юрган йўлларини кузатиб, қоя ва ғорларда турли тасвир ва белгилар қолдирганлар. Вақт ўтиши билан уларнинг тасвирлаш қобилиятлари ривожланиши натижасида кейинчалик ҳар хил ов манзаралари ўзига ҳос дастлабки композиция ечимига эга тарзда акс эта бошлаган.



**Заравут-Сой (Сурхондарё)** ғоридан топилган жаҳон эътиборига молик ушбу тасвирда одамларнинг еввойи буқага тош ва найзалар отиб, сўнгра уни

тикка қоядан пастга тушириб юбориш сахнаси тасвирланган (2 расм). Тасвирларнинг жуда содда бўлишига қарамасдан айтиш мумкинки, улардаги ҳаётийлик, натурага нисбатан бўлган кузатувчанлик ҳолатлари кишини лол қолдиради. Ушбу тасвир қадимги тош асри (мезолит)га тегишлидир.

1957 йили **Хўжакентда** (Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани) топилган тошга ўйиб ишланган буғу тасвири ҳам диққатга сазовордир (3 расм). Унинг ўлчами буғунинг ҳақиқий катталигига яқин бўлиб, 1,9 метрни ташкил этади. Шу ерда топилган еввойи бука расми ҳам тасвирланиши жиҳатидан силует шаклида бўлиб, тошнинг бўртиқлиги (рельефи) ҳисобга олиниб ишланган (4 расм). Бу икки тасвир сўнгги палеолит даврига тегишлидир.



Эрамиздан аввалги III-II асрларга мансуб кулолчилик буюмлари ҳамда деворларга ишланган суратларда (Чуст, Далварзинтепа) асосан осмон, ер, қуёш, сув, одам ва ҳайвонларнинг тасвирларини кўриш мумкин.

Ибтидоий давр одамлари қоя ва тошларга кўмир билан турли тасвирларни тушириб, сўнгра улар устидан ўткир тошни юрғизиб чиққанлар. Кейин эса тасвирларни пушти ранг билан бўяганлар уни

таъкидлаш лозимки, аксарият тасвирлар афсонавий ва турли маросимлар асосида ишланган (ритуал) характерга эга суратлар бўлиб, инсонларнинг ўша даврдаги дунёқарашларининг дастлабки кўринишларини ўзида мужассамлаштирган.

Кейинчалик шулар асосида ёзиш пайдо бўла бошлади ва ривожлана борди. Аввалига пиктографик (тасвирий), сўнгра идеографик, яъни ҳар бир белги сўз маъносини англатувчи шакл, ундан кейин эса дастлабки ҳарфлардан иборат ёзувлар пайдо бўла бошлади.

Одамлар тасвирлаш борасидаги дастлабки малакаларни табиатни бевосита кузатиш ва унга таҳлил қилиш йўли орқали эгаллаганлар. Тасвирлашга ўргатиш палеолит даврида ҳам ривожланмаган эди. Фақатгина кейинчалик неолит даврига келиб деҳқончилик ва ҳунармандчиликнинг бошланғич босқичида инсоннинг меҳнат қилиши натижасидагина саънатга бўлган қизиқиш янада ривожлана борди.


Расм чизишга нисбатан иштиёқ инсонларнинг кундалик ҳаётда ишлатиладиган буюмларни безаш орқали ривожланди. Энг аввало сопол идишларга турли нақш ва тасвирлар тушириш пайдо бўла бошлади. Шу тариқа тасвирлар ишлашнинг дастлабки методлари ҳам юзага келди. Энди шогирд ҳунарманд-устозининг тасвирларини қандай ишлашини кузатиб унда йўл-йўриқлар ўрганар эди. Чунки шогирднинг устоз кўрсатмаларига риоя қилиши кейинчалик шу ҳунарнинг давом эттиришда муҳим ўрин тутган эди.

Шундай қилиб тасвир бажаришни ўргатишнинг дастлабки усуллари пайдо бўлди. Лекин, ушбу дастлабки методлар аниқ ишлаб чиқилган, йўл-йўриқлар ва тамойилларга асосланмаган эди. Тасвирий санъатга ўргатиш, ҳамда мактаблар ташкил этиш анча кейин бошланган.

Тасвирий санъатга ўргатиш методлари тўғрисида гап борганда даставвал Қадимги Мисрнинг юксак ривожланган маданиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Тарихий манбаларда ёзилишича Қадимги Миср мактабларида турли фанлар қатори расм чизиш ҳам кенг ўргатилган.

Мактабни тугатган ўспирин хона ички кўринишини тасвирлай олиши, катта майдон чизмасини чизиб, унинг ўлчамларини кўя билиши, сув иншоотлари тасвирини чиза билиши шарт бўлган. Тасвирий санъат методларини мактабларда ўргатилишини биз дастлаб Қадимги Мисрликлар фаолиятида кўришимиз мумкин.


Болани тасвирлашга ўргатишнинг асосий сабабларидан бири ўқитиш услуби иероглифик хусусиятга эга бўлганлигидандир. Чунки у ёки, бу фикрни баён этиш фақат тасвирлар орқали амалга оширишни талаб этарди.



Болани мактабда ўқитиш тизими жуда каттиққўллик билан, ҳаттоки мажбурлаш даражасида олиб бориларди. Белгиланган мактаб қонунига амал қилинмаган ўқувчи жазоланарди. Қадимги манбаларда ёзилишича, мактаб қонун-қоидаларига бўйсунмаган шогирд хивич билан саваланиб, сўнгра узоқ вақт қоронғу зулматда сақланган экан. Ўша давр мактаб қонуни



қуйидагиларни талаб этарди: «**Кундалик ўқишда фаол ва атрофдагиларга мулойим бўл. Ҳеч қачон дангаса бўлма, йўкса калтакланасан!**». Мактабларда расм чизишга ўргатиш дастлаб Қадимги Мисрда пайдо бўлди. Ўқитиш рассом-педагоглар томонидан аниқ ишлаб чиқилган ва тасдиқланган метод ҳамда қонунлар асосида олиб бориларди.



Шуни таъкидлаш лозимки, Мисрликлар расм чизиш ва унинг назарий қонунларига асос солганлар. Ўша давр мактабларида ёшларга таълим беришнинг аниқ ишлаб чиқилган дидактик тамойиллари бўлмаган. Ёшларга расм чизишни ўргатиш натурани кузатиш, таҳлил этиш, атроф табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни кузатиш орқали эмас, балки олдиндан ишлаб чиқилган андозалар олиб борилган.

Мисрликлардан фаркли ўлароқ Қадимги Юнон рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш борасида таълим-тарбияга ўзгача ёндошиб, уни тубдан бойитдилар. Улар ёш рассомларни кўпроқ табиатни ўрганишга ва унинг ажралмас бўлакларидан бири бўлган инсон гўзаллигини юксак даражада тасвилашга чақирганлар. Парассий, Эвпомп, Памфил, Апеллекс ва бошқа рассомлар ўзларининг назарий асарларида дунёдаги барча нарса ва буюмлар симметрик, гармоник ҳамда математик жиҳатдан ўлчамларга эга эканлиги ҳақида ёзадилар. Жумладан эрамиздан аввалги 432 йилда яшаб ижод этган ҳайкалтарош Поликлет одам тана бўлакларининг бир-бирига нисбатлари ҳақида ёзиб, унинг исботи сифатида «*Дорифор*» маъбудасини яратган. Кейинчалик расм чизишни ўрганаётган ёшларга Поликлет яратган ҳайкаллардан бирини ўзига қараб тасвирлаш мажбурий равишда таълим тизимига киритилганини кўраимиз.

Эрамиздан аввалги IV асрга келиб қадимги Юнонистонда Сиккион, Эфесс, Фиван каби ўша даврдаги машҳур рассомлар мактаблари вужудга келди. Шулардан энг кўзга кўрингани Сиккаон мактаби бўлиб, у нафақат расм чизиш методларини такомиллаштиришга, балки умуман тасвирий санъатнинг ривожланишига катта ҳисса қўшди ҳамда ёшларга тасвирий санъатни ўргатиш орқали гўзал табиатни севишга, унинг қонуниятларини илмий жиҳатдан ўрганишга эътибор қаратди.

Тасвирлаш жараёнида ёшлар табиатни кузатиш билан бир қаторда мавжуд нарсаларнинг тузилиш хусусиятларини ҳам ўргандилар. Шунинг учун Сиккион мактабининг асосчиларидан бири Памфил расм чизишни фан сифатида барча ўқув даргоҳларига киритилишини йўлга қўйган. У тасвирий санъатга илмий нуқтаи назардан қарашни биринчилардан бўлиб олдинга сурди. Тасвирий санъатнинг асоси бўлган қаламтасвирга юксак баҳо бераркан «*Қаламтасвир ишлашда юқори даражада аниқликва илмий асос булиши керак*» деб ҳисобларди.

Кўриб турибмизки, Памфил тасвирий санъатни, хусусан, қаламтасвир бўйича ёшларга сабоқ беришнинг илмий асосланган, назарий ва илмий

методикасини ишлаб чиқди. Унинг методикаси асосида сабоқ олиш ёшлардан назарий билимларни эгаллашни ва кўплаб амалий машқлар бажаришни талаб этарди. Бу ерда тўлиқ ўқиш даври ўн икки йил давом этган.

Қадимги Юнон мўйқалам усталари ўз ўқувчиларига табиатни кўпроқ кузатиб идроклашни, унинг беқиёс ва такрорланмас гўзалликларидан лаззатланишни ўргатар эдилар. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, юнон рассомлари нарса ва буюмларни ўзига қараб ҳаққоний тасвирлашга биринчи бўлиб асос солганлар. Расм чизишнинг барча мактабларда фан сифатида киритилиши ҳаққоний тасвирлаш асосларини ёшларга ургатишда улар тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.

Қадимги Рим даври санъаткорлари Юнон рассомлари эришган ютуқларни давом эттирган ҳолда тасвирий санъат соҳасида улкан муваффақиятларга эришдилар. Ўша даврнинг бой кишилари санъат асари намуналарини йиғиб, кенг оммага намойиш қилишни одат қилганлар. Айниқса бу ҳол Цезарь ҳукумронлиги даврида кўпроқ амалга оширилган. Лекин, Юнонлик санъаткорлардан фарқли ўлароқ, Рим рассомлари тасвирий санъатни ўқитиш тизимига ҳеч бир янгилик киритмадилар. Рим империяси рассом-ўқитувчиси бадий ижод муаммолари билан шуғулланмас эди. Асосан ўқитиш тизимида Юнон рассомлари яратган намуналарга эса рассом-ижодкор сифатида эмас, ҳунарманд нуқтаи назардан нусха кўчириш, юнон рассом-педагоглари ишлаб чиққан ўқитишнинг илмий асосланган услубларидан воз кечиш – охир-оқибатда тасвирий санъатнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

Ўрта асрларга келиб, реалистик тасвирий санъат батамом инқирозга учради. Чунки бу давр рассоми на буюмни тексликда ҳаққоний тасвирлаш қоидаларини ва на тасвирлашда юнон рассомлари томонидан ишлаб чиқилган асосий принципларни тўлиқ билмас эди. Рухонийлар буюк юнон рассом-педагоглари томонидан ишлаб чиқилган ўқитишнинг назарий асосларини йўқ қилдилар. Уйғониш даврининг кўзга кўринган рассом-назариётчиси бу ҳақда шундай ёзади: *«Император Константин ва*

*Сильвестр папаси даврида Христианлик дини таркиб топди. Тасвирий санъат мисли кўрилмаган даражада таъқиб қилинди. Буюк санъат асарлари – картиналар, маъбудалар ва инсоннинг энг буюк туйғусини шакллантирувчи рассомлар санъатини ўқитиш борасида тўпланган чизма, қонун ҳамда ёзувлар йўқ қилинди».*

Антик номи билан юритилган ушбу давр санъатнинг вайрон қилинишида турк истилочилари ҳам ўз «хиссаларини» кўшдилар. Турклар томонидан Юнонистоннинг босиб олиниши тасвирий санъатнинг батамом ривожланишдан тўхталишига олиб келади. Тасвирий санъат хусусан рангтасвир санъати билан шуғулланган Стендаль ўрта аср даврини шундай изоҳлайди: «Босқинчилар қадимги олимларнинг қўлёмаларини ёқиб кул қилдилар, буюк санъаткорлар томонидан тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари йўқ қилинди. IX, X, XI асрлар – Қора зулмат асрлари бошланди».

Бу вақтга келиб тасвирий санъат дарслари умум таълим фани сифатида ўқитиш тизимидан олиб ташланди. Оқибатда ўқитишнинг аниқ ишлаб чиқилган назарий ва методик тизими йўқ бўла бошлади. Кейинчалик бу мураккаб ва маъсулиятли вазифалар уйғониш даври рассом-ижодкорлари томонидан бажарилди.

Уйғониш даври тасвирий санъатнинг ривожланишида янги даврни очди. Расм чизиш назарияси соҳасида рассомлар янгича методларни ишлаб чиқа бошладилар. Салкам минг йиллик турғунликдан сўнг, илмий билимлар ва санъатни ривожлантириш муаммоларига бўлган қизиқиш яна қарор топди.

Тасвирий санъат хусусан қаламтасвир бажаришнинг янги методлари бўйича Ченнини, Альберти, Ленардо да Винчи, Дюрер каби кўплаб буюк санъаткорлар шуғуллана бошладилар. Улар тасвирий санъат соҳасида илмий изланишлар табиат қонунларидан келиб чиқади деб қарайдилар.

Расм чизишга нисбатан кўп бўлмаган 4-6 ўқувчидан иборат гуруҳлар ташкил қилиниб, улар уста рассомлар устахоналарида тахсил олар эдилар. Қаламда тасвирлаш композиция билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб

бориларди. Уста рассом қандай қилиб қаламчизги бажариш, кейин уни материалда ишлаш ҳамда картон (хомаки расм) тайёрлашгача бўлган барча босқисларни ўргатар эди.

Қаламтасвир, меъморчилик, хайкалтарошлик, рангтасвирнинг ҳақиқий асоси сифатида тан олинар эди. Шунинг учун ҳам уйғониш даври буюк рассомлари расм чизиш методларига катта эътибор берганлар.

Ченнини Ченнино **«Рангтасвир қонуниятлари»** номли асарида қаламтасвир бажариш методларига катта эътибор бериб, унинг заминидан нарсанинг ўзига қараб тасвирлаш машқлари етарди деб ёзган эди. Унинг таъкидлашича юксак маҳоратга эга бўлиш учун шогирд ҳар куни бир неча соат расм чизиши керак эди.


Флоренциялик меъмор – Леон Ватиста Альберти ҳам қаламтасвир ва уни ўқитиш методларига катта эътибор беради. Хусусан унинг **«Рангтасвир тўғрисида уч китоб»** номли машҳур асарлар тўпламида ёзишича, ранглар билан ишлашни ўрганишдан зарурлигини айтади. Унинг ушбу асари 500 йил аввал ёзилганига қарамасдан, қонуниятлари, хулосалари, ҳозирги замон академик расм чизиш методларига тўла-тўқис мос келади. Альберти расм чизишга жиддий илмий фан сифатида қарар эди.

Расм чизиш методларини такомиллаштиришга буюк Леонардо да Винчи ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Унинг **«Рангтасвир ҳақидаги китоби»**да оламнинг тузилиши, табиатдаги ўзгаришлар, хайкалтарошлик чизиқли ва фазо перспективаси ҳақида кўплаб илмий асосланган фикрларни кўриш мумкин.

Альберти каби Леонардо ва Винчи ҳам тасвирий санъатнинг асоси қаламтасвир деб ҳисоблаб, нарсанинг ўзига қараб тасвирлаш ўқитишнинг зарур қисми эканлигини таъкидлаган эди. Шунингдек ташқари Леонардо да Винчи инсон аъзолари тузилишини врач-анатом каби юксак даражада ўқиб ўрганган. Инсоннинг ҳар бир мускул ва тўқималарини ўрганиб, уларнинг тасвирларини чизиб қолдирган. Уйғониш даврининг уста рассомлари орасида

қаламтасвир бажариш методларини такомиллаштириш муаммолари билан шуғуланганлардан яна бири немис rassоми Альбрехт Дюрер ва Шонлардир.

Улар тасвирлашда перспективанинг асосий қонун-қоидалари устида кўплаб тажриба синовлар ўтказганлар. Рассом-олимларнинг диққатига сазавор ишлардан яна бири инсон қоматининг нисбатларини ишлаб чиқиш ва уни кесик шакллар орқали акс эттириш методини ишлаб чиққанлигидир.



Уйғониш даври rassомлари жаҳон тасвирий санъатнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар. Уларнинг тасвирий санъат бўйича ишлаб чиққан перспектива қонунлари кейинчалик ижодкор rassомларга мисли қурилмаган даражада ёрдам берди. Агар ўрта асрларда тасвирлаш методикаси буюмлар шаклу шамойилининг ўхшашлигини эътиборга олган ҳолда бажарилган бўлса, энди бу давр тасвирий санъати илмий асосланган, анатомия қонунларини чуқур ўрганиш, перспектива қоидаларига тўла тўқис ҳисобга олиб акс эттирган ҳолда тасвирлаш методлари ривожланган давр бўлди. Юқорида таъкидланганидек Уйғониш даври rassомлари расм чизиш методикасига катта ҳисса қўшдилар ва қаламтасвирни фан сифатида ривожланишига асос солдилар. Лекин, улар ўқитишнинг дидактик негизларига кам эътибор бердилар. Бу муҳим вазифани XVI асрнинг охирига

келиб турли давлатларда ташкил этилган бадий Академиялар давом эттириб, ҳал эта бошладилар.

XVII аср тасвирий санъатни ўқитиш методикаси қаламтасвирнинг фан сифатида тўла-тўқис унинг академик тарзда давом этиши учун замин яратди. Академик қаламтасвирнинг педагогик амалиётда ўқитишнинг тизими дастлаб Флоренциядаги «Қаламтасвир академиясида» ишлаб чиқилди. Академик Карраччилар томонидан ташкил этилган Болониядаги ёш мусаввирларга кўйидаги усулда сабоқ берганлар. Ёшлар дастлаб қаламтасвир чизиш методлари, кунун-қондалари билан танишганлар, сўнгра гипс намуналарини тасвирлаганлар, шундан кейин инсон қиёфасини ўзига қараб расмини чизганлар. Бу машғулотларда у инсоннинг анатомик тузилишларини ҳам чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлганлар.

Болония академиясида ўз даврида ёшларга бадий таълим бериш борасида энг мақбул ва намунали олий ўқув даргоҳи ҳисобланганлиги туфайли унинг методикасини давом эттириб 1648 йилда Париж қаламтасвир ва ҳайкалтарошлик бўйича қироллик Академияси, 1660 йили Римда бадий Академия, 1696 йили Берлинда, 1753 йили Мадридда Сан-Фернандо, 1757 йили Петербург Академияси, 1768 йили Лондон бадий Академияси ташкил этилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат томонидан ташкил этилган Академиялар билан бир қаторда хусусий санъат мактаблари ҳам мавжуд эди. Ўқув адабиётлари устахоналар билан тўлиқ таъминланган мактаблардан бири таниқли Фламанд рассоми Рубенснинг хусусий мактабидир. Рубенс ўз замонасининг йирик намоёнчаси эди. У буюк рангтасвир, қаламтасвир устаси бўлибгина қолмай, балки санъат асарларини юксак қадрлай биладиган олим-тадқиқотчи, давлат ва жамоат арбоби ҳамда шогирдларнинг меҳрибон устози бўлган. У юқори даражада маълумотли бўлиб, инглиз, испан, француз, италян, немис тилларида ёзиш ва сулашни мукамал билган. Антик давр санъатини чуқур, ўз шогирдларида ўша даврда яратилган ҳайкалларни тўғридан-тўғри кўчириш эмас, балки ушбу намуналарни акс эттириш

орқали инсон аъзоларини тасвирлашда илмий томондан ёндошишга даъват этган.

XVII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Франция бадий мактабларининг ривожланган марказига айланди. Француз академияси бадий таълим тарбия тизимига кўплаб янгиликлар олиб кирди. Айниқса у ерда академик қаламтасвир ишлаш борасида талайгина методик янгиликлар яратилгани маълум.

Қаламтасвир ва унинг ўқитилиш методларини ривожлантиришга машхур Француз рангтасвир устаси Луи Давид ҳам катта хисса қўшди. Тасвир бажаришда деб таъкидлар эди, у хар бир бўлак мукамал, аниқ ишланиш, шу билан бир қаторда ушбу қисм яхлит бир бутунликни ташкил этиш лозим. Инсон қоматини тасвирлашда авваламбор унинг ички тузилишини скелетини, чуқур ўрганиб, ташки қиёфасини чизишга ўргатар эди.

Қаламтасвир ўқитиш методларини ривожлантиришга ака-ука Александр ва Фернанд Дюпюилар ҳам катта хисса қўшдилар. 1835 йил улар Парижда ёш рассом ва хунармандлар учун бепул мактаб очиб, шогирдларга тасвирий санъат буйича сабоқ бердилар. Диққатга сазовор жойи шундаки, ушбу мактабда ўқитишнинг методик босқичлари ўзига хосдир. Бу ерда бошқа санъат даргохларидан фарқли ўларок энг мураккаб бўлган инсон қоматини тасвирлашни мукамал урганиб булгандан кейин гипс нақш намуналарини чизишга утилган.

Ака-ука Дюпюиларнинг таъкидлашича, ўсимликлардан ташкил этилган нақш бўлаклари табиатнинг барча энг мураккаб шаклларини ўзида мужассамлаштирган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хусусий академиялар янада кўпайиб борди. Баъзи академиялар кўп йиллар давомида тажриба ва синовлардан ўтиб, таълим беришда амалий жихатдан тўпланган тажрибаларни инкор этиш асосида қурилган эди. Ўқитувчи профессор ўзининг хусусий мактабини тарғибот этиш мақсадида ўтмишда ташкил



этилган ва мавжуд академияларни «Эскириб, бир ерда қотиб қолган» деб ҳисоблаб, кўп ҳолларда ўзлари ёшларга ҳеч қандай тизимга эга бўлмаган усулда таълим берардилар.

Хусусий академияларга 40-50 га яқин ўқувчилар таклиф этилиб, уларни на курсларга ва на гуруҳларга бўлинмаган ҳолда машғулотлар олиб борилган. Машғулотлар қуйидагича тарзда олиб борилар эди: Катта хонанинг бир неча жойида натура қўйилган бўлиб, ўқувчилар ҳеч бир йўналишга эга бўлмаган ҳолда таҳсил олар эдилар. Дарс давомида ўқувчиларга эркинлик берилиб, улар хоҳлаган натурага қараб расм чизар эдилар. Кўп ҳолларда у ёки бу вазифани бажариш учун аниқ мақсад қўйилмасди. Шунини таъкидлаш керакки, хусусий тарзда ташкил этилган академиялар орасида ҳам аниқ йўналишларга эга бўлган ўқув даргоҳлари мавжуд бўлган: Жумладан венгер рассоми **Шимон Холлоши** (1857-1919) ва югослав педагог - рассоми **Антон Ашбелар** (1862-1905) мактаби диққатга сазавордир. Яхши йўлга қўйилган методик ва ўзига хос равишда тузилган дастурлар асосида ўқитиш тизими уларни бутун жаҳонга машхур қилган бўлиб, ушбу мактабдан ўнлаб истеъдодли рассомлар этишиб чиққанлар.

XIX асрнинг охирига келиб академик тарзда ўқитиш тизими ўз йўналиши жихатидан янги замон талабларига жавоб бера олмай қолди. Қисқа вақт ичида турли бадиий оқимлар пайдо бўла бошлади. **Неоимпрессионизм, кубизм, экспрессионизм, дадизм, сюрреализм** ва турли оқимларнинг ўзаро зиддиятлари ўқитиш методикаси, айниқса қаламтасвирнинг ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Санъатшунослик академик тарзда ўқитиш тизимига қарши чикиб бундай шаклда таълим тарбия бериш ёшларнинг ижодий ривожланишига тўсқинлик қилади деб ҳисоблар эдилар. Тарихдан маълумки ўша даврда намоёниш этилган кўرғазмалардаги бадиий асарларнинг умумий маданият савияси у ёқда турсин, тасвирлашнинг оддий қонун-қоидаларига ҳам эътибор берилмаганлигини кўрамыз. XX асрнинг бошларига келиб Ғарбий Европа ва Америка давлатларининг бадиий мактаблари тўла инқирозга учради. Қаламтасвир ишлаш услублари ҳам

кескин ўзгарди. Реалистик тасвирий санъатдан фарқли равишда, натурализирилган ўрганиш, унинг тузилиш қонун-қоидаларини енгил-елпи тасвирлаш оқибатида узок муддатли академик қаламтасвирлар ишлаш ўрни қораламалар билан алмашди. Баъзи рассом-педагоглар эса ўз ўқувчиларига буюмлар шакллари хохлаганча бузиб тасвирлашга рухсат этдилар.

Бу хол собиқ совет тузуми давридаги ўқитиш тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Академияларга антик даврга мансуб гипс хайкал намуналари йўқ қилинди, иқтидорли рассомлар томонидан яратилган академик ишлар барбод этилди. Натижада академик расм чизиш мустақил ўқув фани сифатида ўзининг кадрини йўқотди. Машғулотлар узибиларчилик тарзида ўтказилди. Тасвирлаш учун буюм ва нарсаларни (қўйилмаларни) ўқувчилар педагогсиз ўзлари хохлаган тарзда ташкил этардилар. Вазифалар эса аниқ мақсадга қаратилмасдан енгил елпи бажарилар эди. Бу эса ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш имконини бермас эди. 1939 йилдан бошлаб собиқ иттифоқнинг кўпгина йирик шаҳарларининг олий таълим тизимида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлаш бўлимлари ташкил этилди. 1942 йилдан бошлаб эса ушбу бўлимлар бадиий графика факультетларига айлантирилди. Ушбу ўқув даргоҳларида тасвирий санъат машғулотлари хусусан қаламтасвир – академик тарзда нарса ва буюмларни ҳаққоний қилиб ўхшатиб тасвирлаш йўлга қўйилгани билан эътиборлидир. Бунинг натижасида ёшларни турли хил формалистик оқимларга кириб кетмасликларига имконият пайдо булди. 1947 йилда эса собиқ иттифоқ бадиий академияси ташкил этилди. Унинг уша йили қабул қилинган қарорларига эса 1947-48 ўқув йилидан бошлаб барча бадиий - олий ўқув даргоҳлари биринчи курсларда гипсдан ишланган антик давр бош намуналари ва одам портрети, иккинчи курсларда эса инсон қомати ва гипс торс намуналари, учинчи курсларда инсон қоматининг турли мураккаб қоматларини тасвирлаш, тўртинчи бешинчи курсларда эса 2-3 либоссиз гавданнинг қаламтасвирини узок муддатда академик тасвирлаш вазифалари белгиланди.

Шундан сўнг собиқ иттифоқ республикаларининг Таллинн, Киев, Тбилиси шаҳарларида бадиий институтлар ташкил этилди. 1955 йили Низомий номидаги ТДПИ қошида ҳам Бадиий - графика факультети ташкил этилиб, турли йилларда иқтидорли рассом-педагоглар - Ўзбекистон халқ рассомлари М.Набиев, Н.Кузибоев, академиклар Р.Чориев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари А.Бойматов, М.Саидов, доцентлар К.Эминов, Ю.Елизаров, Т.Огонесов, Н.Тен, Г.Абдурахмонов ва кўплаб йирик мутахассислар фаолият кўрсатадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қайси даврда бўлишидан қатъий назар тасвирий санъатнинг ривожланган энг йирик чуққиси, уни илмий асосланган, мукаммал ишлаб чиқилган методлари ҳамда назарий билимлар билан амалий кўникмаларнинг уйғунлашган даврида ўз аксини топган.

Педагогика университетлари ва институтларида тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда қаламтасвир асосий фан хисобланади. Қаламтасвирга оид назарий билимлар эса бўлажак ўқитувчи-рассом учун ниҳоятда зарур. Қаламтасвир ишлаш қонун-қоидалар, ундаги иборалар, турли ашёлар билан ишлаш технологияси, инсон ва ҳайвонларнинг пластик анатомияси, ёруғ ва соялар, уларнинг буюм ва нарсалардаги кўринишлари: дарахт ва шох-шабаларнинг тузилиш хусусиятлари кабиларни ўқитувчи мутахассис ўқувчига методик босқичлардан фойдаланган ҳолда тўғри тасвирлашни ўргатиши ва илмий жиҳатдан атрофлича тушунтира олиши керак.

Кейинги вақтда тасвирий ва амалий санъатни ривожлантиришига катта эътибор берилмоқда. Унга эса қаламтасвир машғулоти юксак даражада олиб борилгандагина эришиш мумкин.

### ***Ўзбекистонда тасвирий санъатни ўқитилиши***

Ўзбек халқи ўзининг қадимги тасвирий, амалий, меъморчилик санъатлари ва маданияти билан фахрланса арзийди. Чунки, Ўзбекистон ҳудудида эраמידан аввал ҳам тасвирий санъатнинг рангтасвир, ҳайкалторошлик турлари ва меъморчилик ниҳоятда ривожланган бўлиб,

уларнинг намуналари Варахша, Афросиоб, Халчаён, Тупроқ қалъа, Болалик тепа, Айртом, Далварзин тепа, Фаёз тепа, Қўйқирилган қалъа, Ажина тепа, Тешик қалъа ва бошқа бир қатор жойлардан топилган. Яна шуни ҳдм қайд қилиш лозимки, бу асарлар ерамиздан аввалги 4-1-асрларда яратилган бўлиб уларнинг ёши 5-6 минг йилга тўғри келади. Бу асарларнинг бадиийлиги ҳозирги замон рассомлари ва ҳайкалтарошларининг асарларидан қолишмайди дэсак муболаға бўлмайди. Бундай юксак бадиий савиядаги асарларни ўша даврда тўпланган илғор тажриба, тасвирий санъат мактабларисиз яратиш мумкин эмас. Маълумки, санъат бир неча авлоднинг кўп йиллар давомида шаклланган анъаналари, устанинг шогирга ўтказган билимлари асосидагина тараққий топади. Бу эса сўзсиз умумий бадиий таълим йўналишида бўлмаса ҳам, касбий бадиий таълим шаклида ривожланганлигидан далолат беради. АмирТемур мустақил давлаттузган даврда тасвирий санъатнинг миниатюра турини гуллаб-яишагани ҳам бунинг яққол далилидир. Амир Темур даврида миниатюра вақитоб графикаси Шунчалик тез ривожландики, у на фақат Шарқ, ҳаттоки Европа Натижада, Самарқднд, Бухоро, Хирот миниатюра мактаблари билан бир қаторда Бағдод Табриз, Шероз, Озарбайжон, Ҳинд, Исфахон, Турк миниатюра мактабларининг ҳам шаклланди варивожланди. Мазкур миниатюра мактаблари рассомчиликдан касбий таълим тизимида ривожланган.

Хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари учун тайёрланган дастурларда санъацхунослик асослари, рангтасвир ва қалам ишлаш, натурага қараб тасвирлаш, борлиқни идрок этиш иимлари мавжуд бўлиб, касбий бадиий ва умумий бадиий таълимлари ўртасига қатъий чэгара қўйиб бўлмайди. Тасвирий назарий асослари ҳисобланган ранг, ҳажм, перспектива комиозиция асослари кабилар, ҳам касбий, ҳам умумий таълим тизимида ўрганилади. Фақат тасвирий санъатни ўқитилишида ва болаларнинг ёшлари, идроки, психологик хусусиятларм. Тарихда буюк наққош ва мусаввир Камолиддин Бехзодга Хиротлик Мирак наққош устозлик қилгани, унга миниатюра рангтасвири сирларини ўргатгани ҳақида маълумотлар бор.

Шунингдек, устоз Мирак наққошнинг Хирот «Нигористони» (Санъат академияси) бўлганлиги ва унда Комолиддин Бехзод тарбия олганлиги ҳам маълум.

Профессор Ориф Усмонов ўзининг «Камолиддин Бехзод ва унинг наққошлик мактаби» номли китобида Бехзод Табризда яшаган вақтда нафис тасвирий санъат мактабини яратганини қайд қилади. У ерда мусаввир ўз атрофига енг истеъдодли ёшларни тўплагани, уларга санъатининг сир-асрорларини ўргатгани ва Табризда Султон Муҳаммад, Мирзо Амир, Оғо Мирак, Музаффар Али, Султон Муҳаммад Нур, Шомуҳаммад Нишопурий, Юсуф Мулло, Мир Али, Ризо Аббосий, Маҳмуд Музаххиб, Мавлоно Ёрий, Хасан Бағдодий, Абдулла Шерозий, Дарвеш Муҳаммад, Мир Саид Али, Қосим Али, Херавий сингари ўнлаб истеъдодли мусаввирларни тарбиялаганлигини ёзади. Унинг шогирдлари Бехзоднинг тасвирий санъат услубини давом етирганлари ҳам расмий маълумотлардан аён.

Ўзбекистонда ҳозирги замон таълим тизимининг пайдо бўлиши XX асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Россияда Октябр инқилоби сўзсиз унинг мустамлакаси ҳисобланган Туркистонга ҳам катта таъсир кўрсатди. Янги тузум ўзини кўрсатиш мақсадида эътибордан четда қолган чоризимнинг мустамлака ўлкаларига эътибор қаратди. Шу мақсадда у бир гуруҳ фан ва маданият вакиллари Туркистонга юборди. Шулардан бир гуруҳи Санкт-Петербург ва Москвалик рассомлар эдилар. Уларнинг бир қисми ижодий иш билан шуғуллансалар, айримлари ёшлар бадиий таълимига ўз эътиборларини қаратдилар. Бу рассомлар Туркистоннинг йирик шаҳарларида бадиий студиялар ташкил этдилар, ўз асарларининг кўргазмаларини ўтказдилар.

1918 йилда Тошкентда бадиий коммуна очилади, бир йилдан кейин Самарқандда Туркистон ўлка бадиий халқ мактаби ишга тушади. 1920 йилда Андижонда рангтасвир мактаби, Янги Бухорода санъат тўғараги ташкил этилди, мусулмонлар учун тасвирий санъат курслари очилди. Бир йилдан сўнг республикада бадиий мактаб ва студиялар сони 29 тага етди ва унда

шуғулланувчилар сони 500 кишидан ошиб кетди. 1921 йил кузида очилган бадий политехникумда 170 ўқувчидан 150 таси ўзбеклар эди.

1924 йилда Тошкент тасвирий санъат музейи қсшида бадий студия очилди.

Расм дарсларининг асосини натурага қараб расм ишлаш, мавзу асосида расм ишлаш, декоратив расм ишлаш, санъат ҳақида суҳбат ўтказиш машғулотлари ташкил этди. Бу дастурларда ўлкашунослик матери-аллари кўп бўлмасида, ҳар қалай ўз аксини топди, энг муҳими бу дастурда дарсдаги ўқитувчининг етакчилик роли катта эканлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур назария юзасидан Россияда ҳам, Европада ҳам катта тортишув ва танқидий фикрлар билдириди. У бадий тарбия соҳасида ҳам салбий, ҳам ижобий рол ўинади. Унинг салбий томони болалар ижодига раҳбарликни инкор этилиши ва педагогика назариясига зид йўл тутилганлиги эди.

Ижобий томони эса кўпроқ болалар тасвирий ижодига этиборни кучайтириш, болалар шахсига ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлиш, педагогик ҳамкорликка йўналтирилган мустақиллик ва ижодни рўёбга чиқариш билан белгиланади.

1924 йилга келиб мактаб ўқув режаларида расм дарслари ўз урнини топмаган бўлса-да айрим рассомлар болалар тасвирий ижодини ривожлантиришга ҳаракат қилдилар. Ана шундай иккидирли рассом график рассомлардан бири Искандар Икромов эди. У 1925 йилда «Маориф ва ўқитувчи», кейин «Аланга» журналларида расм чизишга доир мақолалар елон қидди. 1932 йилга келиб унинг «Расм чизишни ўрганиш кўлланмаси», 1933 йилда эса «. Китоб ва журналлар қандай нашр этилади» албоми нашр этилди. 1935 йилда рассомнинг «Ҳарф ёзишни ўрган» китоби ҳам чоп этилди. Бу мақола ва китоблар ягона меҳнат ва политехника мактаблари •■ шаблари асосида яратилган «Расм» предмети дастурларига мос эди. Мазкур ишлар фақат умумий таълим мактаблари учунгина эмас, балки тасвирий санъат студиялари, клублар, ҳаваскорлик гўгараклари, графикани мустақил ўрганувчилар учун ҳам аҳамингли бўлди.

1920 йилги ўқув режаларида санъатга доир ўқув предметларига тегишли ўрин ажратилмаган бўлсада, 1929 йилга келиб бу камчилик бартараф этила бошланди. Мактабларда махсус расм ўқув предметлари ўқитила бошланди. Лекин, Ўзбекистон мактаблари Россия мактаблари учун яратилган дастурлар асосида ишлай бошлади. Бу дастурлар маълум миқдорда Ўзбекистон шароитига мослаб локализацияланган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ морифи комиссарлиги тегишли жойларга юборилган хатида шундай дейилган эди: «Мажмуанинг мақсади унга тегишли материал мазмуни, мажмуа билан ишлаш методлари локализация қилинади. Ўқитувчи олдиндан ўлкашунослик материалларини тўплаб олган ҳолда, ўз тумани ҳаётига оид энг характерли жиҳатларни дастурга киритади».

Шу муносабат билан бошланғич синф «Расм ва лой иши» дастурига ўлка материаллари кирита бошланди. Улар теварак-атроф табиатига доир нарсалар, Ўзбекистон халқ амалий санъатига доир материаллар эди.

Тасвирий санъат предмети методикаси шаклланишида 1934 йилда Тошкентда, кейинчалик Республикамизнинг ҳар бир вшоят марказларида ташкил этилган «Марказий бадиий тарбия уйлари» катта рол ўйнади. Бу тарбия уйлари ўқувчиларни бадиий жиҳатдан тарбиялашга оид дастурий ва методик материалларни ишлаб чиқди.

Бадиий тарбия уйларида бошқа шўъбалар билан бир қаторда тасвирий санъат шўъбаси ҳам бўлиб, унда уч йиллик тасвирий санъат студияси ҳам ташкил этилган эди.

Бу бадиий тарбия уйидаги иккинчи шўъба болалар расмларининг кўригини ташкил этиш билан шуғулланган. Учинчи шўъба эса ниҳоятда серқиррали бўлиб, унинг асосий вазифаси болалар билан уасм дарсларида иш олиб борувчиларга методик ёрдам кўрса-тишқсобланарди. Шунингдек, бу шўъба қуйидаги ишларни ҳам олиб борган:

- тасвирий санъат студиялари учун машгулотлар дастурини ишлаб чиқиш;

- мактаб тасвирий санъат тўғараклари учун машгулот мавзуларини ишлаб чиқиш;
- 1-6 синфларда расм машгулотларининг мазмуни ва мавзуларини ишлаб чиқиш;
- 1-6 синфларда расм дарсларининг аҳолини ўрганиш ва ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;
- шаҳар мактабларининг расм ўқитувчилари учун семинарлар ташкил этиш;
- Республика вилоятларидан келган ўқитувчилар ва тўғарак раҳбарлари учун семинарлар ташкил этиш ва уларга тегишли ёрдам кўрсатиш.

1936 йилдан бошлаб Республика миқёсида юзага келган пионер уйи ва саройлари таълим-тарбия, оммавий-бадий, техникавий, табиатшунслик каби бир қатор иш шакллари ўзида мужассамлаштирган муассаса эканлигини кўрсатди. Натижада, бадий тар-бия уиларининг вазифалари ана шу пионер уйлари ва саройларига олиб берилди. Собиқ пионер уйи ва саройларининг сони йилдан-йилга ошиб бориб, сифат жиҳатдан янги мазмун кашф эта бошлади.

Республикамиз учун тайёрланган ва нашр этилган дастурлар мазмуни ва вазифаси жиҳатидан Россия мактаблари учун тайёр-ланган дастурдан деярли фарқ қилмаган, лекин унинг ҳамма бўлимларида маҳаллий шароит ва материаллар маълум миқдорда ҳисобга олинган эди. Хусусан, нарсага қараб расм чизиш дарсларида Рес-публикамизга хос бўлган предметлар ва табиат маҳсулотлари, де-коратив ишлар бўлимида ўзбек амалий санъат намуналарини чиз-дириш тавсия этилган эди.

1939 йилларда мактабларда расм дарсларининг асосий вазифаси ўқувчиларда тасвирий малакаларни ўстириш, кўпроқ расм чизишга ўргатишдан иборат бўлиши лозим деб топилди. Шунинг учун ҳам расм дарсларида тарбиявий томонларга етарлича эътибор берилмади.



Иккинчи жаҳон уруши йилларидава қисманундан кейинги йилларда ҳам расм дарсларининг вазифалари ўзгарди, унинг мазму-ида таълимданкўратарбиявий жихатлар кучайтирилган бўлиб, унда Асосий эътибор ватанпарварлик ва байналминал тарбияга қаратилди. 1950-60 йиллар давомида тайёрланган ва нашр этилган дастурларда «Расм» ўқув предметининг вазифаси урушга қадар тузилган дастурлардан фарқ қилди.

1953 йилда нашр этилган дастур «Расм солиш» деб номланиб у ўқувчиларни тарбиялашда катта рол ўйнаши таъкидланган бўлса, 1956 йилда нашр этилган «Расм» дастурида эса бу предметнинг вазифаси ўқувчиларни эстетик жихатдан тарбиялаш вазифасига хи змат қиладиган ва ўқувчиларни хар томонлама камол топти-ришга ёрдам берадиган ўқув предметларидан биридир деб кўрсашлди. 1958-59 ўқув йилига келиб, ўқув режасида расм чизишга ажратилган соатларошди вау 1-6 синфлардақафтасига 1 соатдан ўқитила боғдланди.

Умуман олганда, 50-йилларда Республика ҳукуматитомонидан мактабларда расм предметининг ўқитилишига бўлган эътибор кучайди. Бу авволо мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашда ўз мксинитопди. Маълумки, мактабда бадий таълимни ривожланириш кўп жихатдан педагогик кадрлар тайёрлашга боғлиқ эди. 1950 йилларда бу масала билан Самарканд ва Тошкент бадий билим юртларини бирлаштириш натижасида ташкил топган П.П. Бенбков номидаги бадий билим юрти шуғуллана бошлади. Бу бадий билим юрти халқ хўжалигини, хусусан умумтаълим мактабларини юқори малакали кадрларга бўлган еҳтиёжини қондира олмаса-да, мактабларда расм ўқув предметларнинг ўқитилишини сифат жихатидан яхшилашга маълум микдорда таъсир кўрсатди. Бу таъсир мактаблар билан бир қаторда, мактабдан ташқари олиб бориладиган семинар, конференция, йиғилишларда ҳам ўз ифода-сини топди. Шунингдек, бадий билим юртини битириб чиқувчилар мактабларда ташкил этилган кўрғазмаларда ҳам иштирок этдилар.

1964-70 йилларда кадрлар тайёрлаш бошқа йўналишларда амалга оширилди. Бу даврда бошланғич синф методикаси факултетларида «Бошланғич синф ва тасвирий санъат ўқитувчиси» мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланди. Бундай йўналишлардаги, мутахассислар Тошкент, Урганч, Қарши, Наманган педагогика институтларида тайёрланди. Кейинчалик бу йўналиш ўзини оқла-магач, яна Тошкент ва Бухоро педагогика институтларида бадиий-графика факултетлари очилди.

1970 йилда тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси мутахассислиги бўйича Тошкент ва Бухоро педагогика институтлари билан бир қаторда Андижон, Каттақўрғон, Самарқанд, Хива, Хўжайли, Шаҳрихон педагогика билим юртлирида ҳам кадрлар тайёрлана бошланди.

1980 йил бошларида тасвирий санъат ўқитувчиси ихтисослиги бўйича тайёрланган кадрлар сони 800 кишидан ортди. Бу фақат Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларининг тасвирий санъат ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжларини яқин йилларда қондириш мумкинлигини билдирар эди.

Бу йиллирди тасвирий санъатни ўқишига доир илмий ходим, тадқиқотчи-аспирантлар ҳамкорлигида куйидаги ишларни тайёрлади ва нашр этди: «Тасвирий санъат» (1-3 синфлар учун дастур. -Тошкент: Ўқитувчи, 1965-1981); «Тасвирий санъат» (4-6 синфлар учун дастур. - Тошкент: Ўқитувчи, 1967-1981); «Наққошлик» (Мактаб ва пионер уйлари ва саройлари учун дастур. -Тошкент: Ўқитувчи, 1976); «Тасвирий санъат валой иши» ( Мактаб тайёрлов гуруҳлари дастур.-Тошкент. 1980.) кабилар 11) улар жумласидандир.

1965 йилдан бошлаб Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг эстетик тарбия бўлимида тасвирий санъат ўқитиш методикаси бўйича олиб борилаётган ишларни тартабга солиш мақсадида дарслик яратишга киришилди. 1970 йилдан бошлаб мактабларда институтнинг тасвирий санъатни ўқитиш муаммоси юзасидан эстетик тарбия шўъбаси қошида Тошкент ва Бухоро педагогика институтларининг ўқитувчилари, Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини оширишва қайта тайёрлаш

Марказий институти ва вилоят ўқитувчилари малакасини ошириш институтнинг методистлари, Ўзбекистон маориф вазирлигининг методистлари, аспирант-тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Мазкур масалалар билан бир қаторда мактаб тасвирий санъат ўқитувчилари ҳам шуғулландилар.

Ўзбекистон умумтаълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитишни яхшилашда олиб бориладиган тадқиқотларнинг натижаси сифатида қуйидаги нашр қилинган методик қўлланма ва кўргазмали қуроллар алоҳида аҳамият касб этди: «Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш» (Р. Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1969; «Бошланғич синфларда нақш чизиш методикаси» (Р. Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1972; «Тасвирий санъатдан таблицалар» (Р. Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1975 ; «1-3 синфларда тасвирий санъат дарслари» (Р. Ҳасанов),- Тошкент: Ўқитувчи, 1977; « Расм чизиш ва уни ўқитиш методикаси» (З.Эгамбердиев, Р.Ҳасанов ва бошқалар),-Тошкент: Ўқитувчи, 1977; «Тема асосида расм чизиш жараёнида эстетик тарбия» (Р.Ҳасанов), -Тошкент: Ўқитувчи, 1980; «Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари» (Р.Ҳасанов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1983; «Ёш авлодни санъат воситасида эстетик тарбиялаш» (Р.Ҳасанов),-Тошкент: Ўзбекистон, 1982; «Мактаб чизмачилик, тасвирий санат кабинетларини ташкил этиш ва ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар» (Б. Ори-иов),-Тошкент: Ўқитувчи, 1974; «Тасвирий санъат дарслари сама-родорлигини ошириш омиллари» (Б.Орипов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1978; «Наққошлик» (Қ.Қосмов), - Тошкент: Ўқитувчи, 1982. Яна шу нарсани ҳам қувонч билан таъкидлаб ўтиш лозимки, Педагогика фанлари институтининг эстетик тарбия бўлими 1970 йилдан бошлаб мунтазам равишда мақолалар тўшгамини нашр зта бошлади.

Тасвирий санъат ўқитувчиларининг маҳоратини ошириш ва илгор педагогик тажрибаларни ташвиқот қилишда Республика миқёсида ўтказилаётган семинар ва конференциялар катта рол ўйнади.

1969 йилда эстетик тарбияга бағишланган Республика семинар кенгаши 1970 йилга келиб анъанавий Республика конференцияга айланди ва у ҳар йили галма-галдан Республикамизнинг вилоятларида ўтказиб турилди. Самарқанд, Жиззах, Хоразм, Бухоро, Наманган, Андижон конференцияларида ўқитувчи, тарбиячи, халқ маорифининг раҳбар ходимлари билан бир қаторда илмий ходимлар, методистлар ҳам маърузалар билан иштирок этдилар. Маърузаларда долзарб масалаларни кўтариб чиқдилар. Бундай илмий-амалий конференциялар фақат Республика миқёсида эмас, балки вилоят, шаҳар, туман миқёсида ҳам ўтказиб турилди.

Ўзбекистон вазирлар маҳкамасининг 1966 йил 31 декабр қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Вазирлар кенгашининг 1967 йил 22 мартдаги фармойиши асосида Ўзбекистон мактабларидаги таълим мазмунини аниқлаш бўйича комиссиялар тузилди. Бошқа фанлар қатори мактабларда тасвирий санъат бўйича ҳам комиссия ишлади. Бу комиссияга мактаб ўқитувчилари, халқ маорифининг ходимлари, методист, илмий ходим, рассом, санъатшунослар жалб этилди. «Тасвирий санъат» деб номланган янги дастур лойиҳаси шу вақтгача амалда қўлланиб келинган «Расм» предмети асосида Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида яратилди.

Уни тузишга юқорида қайд этилган қарор асос бўлди:

а) мактабда таълимнинг мазмуни ва стратегиясини фан, техника ва маданият тараққиётининг ҳозирги даражасига мос келтириш;

б) мактабда таълим ва тарбияни ҳаёт билан, меҳнат билан боғланишини янада мустаҳкамлаш;

в) бир-бирига боғлиқ бўлган ўқув фанлари ўртасида алоқа ўрнатиш. Бу орқали ўқитиш самародорлиги ошириш, зарур билимларни эгаллашда болаларнинг билиш ва фикрлаш қобилиятларини ўстиришга ёрдам бериш;

г) ўқувчиларнинг ўқув машғулоти ва мустақил ишларининг кенгайтирилиши, уларни ортиқча иш билан банд қилмаслик ва хоказолар.

Шунингдек, дастурни тузишда қуйидаги томонлар ҳам ҳисобга олинди:

а) сўнгги йилларда яратилган Ўзбекистон тасвирий санъати асарларидан кенг фойдаланиш;

б) бошланғич таълимни 1-3-синфлар билан чەгараланиши муносабати билан бошланғич ва 4-6-синфларда тасвирий санъати машғулоти мазмунига аниқдик киритиш;

в) замон талаблари асосида тасвирий санъат предметинини вазифаларини аниқлаш;

г) натурадан расм чизиш дарслари учун ўзбек халқининг ҳаётида кенг қўлланиладиган нарсалар ва истеъмол буюмларидан кени

фойдаланиш;

д) декоратив расм дарсларида ўзбек халқ амалий санъати намуналаридан чизиш учун тавсия этиш.

1967-68 ўқув йилдан бошлаб янги дастур лойиҳаси Республикаимизнинг Наманган, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг қатор мактабларида синаб кўрилди. Ўзбекистон Маориф вазирлиги ва Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг текширувлари натижасида янги таълим мазмуни кўпчилик ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилмаётганлигини кўрсатди. Шунингдек, дастурдаги бадиий қуриш-ясашга доир материаллар эса ўқувчилар кучига мос эмас-лиги ҳам маълум бўлди. Шунинг учун бу бўлим кейинги йилларда дастурдан чиқариб ташланди.

Янги дастур ўқувчиларнинг эстетик тарбиясига алоқадор бўлган ташкилотлар муассасалар, уюшмаларнинг фаолиятини қуйидаги йўналишларда фаоллаштиришни назарда tutганэди:

а) ҳар йили мантазам равишда ўқувчилар расмлари республика кўргазмаларини ўтказиш;

б) тасвирий санъат бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш натижасида мактаб тўғараклари, санъат

мактаблари, медагогика билим юртлари ва институтлари учун бир катор дастур, дарслик, кўлланма ва тўпламлар тайсрлаш ва нашр этиш;

в) умумий таълим мактабларида йирик рассомлар асарларидан кўчма кўргазмалар ташкил этиш;

г) Ўзбекистон рассомлар уюшмаси қошида ўқувчилар эстетик тарбияси бўйича комиссия ташкил этиш.

Кейинчалик янги дастурлар асосида Р.Ҳасановнинг «Бошланғич синфларда тасвирий санъат дарслари», «Биринчи синфда тасвирий санъат дарслари», «Иккинчи синфда тасвирий санъатни ўқитиш», «Учинчи синфда тасвирий санъат дарслари», «Мактабда тасвирий санъатни ўқитишни такомиллаштириш йўллари» номли методик кўлланмалари чоп этилди. Ўзбекистон мактабларида тасвирий санъатни ўқитишга доир Республикада биринчи бор «Ўзбек мактабларида бадиий таълим ватарбиянинг методикасослари» номли монография Р.Ҳасанов муаллифлигида тайёрланди ва «Фан» нашриёти томонидан нашр этилди. Будаврларда Р.Ҳасановнинг «Тасвирий санъат», «Ўзбекистон тасвирий санъати тарихи» номли факултатив машғулотлар дастурлари биринчи бор ишлаб чиқилди ва мактабларга етказилди.

### ***Назорат саволлари:***

1. Тасвирий санъатнинг риожланиш босқичларини айтинг.
2. Неоимпрессионизм, кубизм, экспрессионизм, дадизм, сюрреализм ва турли оқимларнинг ўзаро зиддиятлари тўғрисида маълумот беринг.
3. Тасвирий санъат ўқитиш методикаси соҳасидаги Ўзбекистонлик олимларни санаб ўтинг.
4. XX асрнинг бошларида Фарбий Европа ва Америка давлатларининг бадиий мактаблари қандай бўлган?
5. Академиялар тўғрисида маълумот беринг.
6. Ўзбекистонда Бадиий- графика факультетлари қайси даврдан бошлаб фаолият кўрсата бошлаган?

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. II – қисм – Тошкент, 2001.
2. Бойметов Б, Толипов Н. Мактабда тасвирий санъат тўғараги. – Тошкент: 1995.
3. Набиев М. Рангшунослик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
4. Орипов Б. Тасвирий санъат ибораларининг изоҳли луғати. Н., 2003.
5. Ойдинов Н. Рассом – ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
6. Абдурахмонов Ғ. Композиция. – Тошкент: 2010.
7. Ҳасанов Р. Мактабда тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. –Т.: Фан, 2004. – 250 б.
8. Бойметов Б. Қаламтасвир. – Тошкент: Муסיка нашриёти, 2006.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003. –704 б. Т.6. Б. 292-295.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2006. – 690 б.

### **3-мавзу Тасвирий санъат фанларининг назарий асослари ва қонуниятлари**

#### **Режа**

1. Қаламтасвир тасвирий санъатнинг асоси сифатида.
2. Ўқув қаламтасвирининг назарий асослари
3. Тасвирлашнинг асосий қонун қоидалари.

**Таянч иборалар:** Композиция қонуни, перспектива қонуни, конструкция, тон, чизикли қуриш, ранг муносабатлари, портрет, жанр, услуб, классика, ренессанс, антик давр, ҳайкалтарошлик, картина қаламтасвир, формат, олий таълим, рассомлик санъати.

Қаламтасвир – барча тасвирий санъат турларининг асоси ҳисобланади. Рассом тасвирий санъат турининг қайси бирида ижод қилишидан қатъий назар, қаламтасвирга асосланади. У ўзининг кузатишлари, катта асар композициялари устидаги изланишларини аввал қаламда дастлабки чизгилар билан ифодалайди. Санъат асарларини яратишда эса, ушбу бажарилган чизгилар рассомга ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади.

Рассом у ёки бу картинасининг яратишни қаламдан бошлайди. Шундан кейингина ушбу санъат асари ранглар жилоси орқали томошабинга эстетик ҳузур бахш этади. Бошқача қилиб айтганда, қаламтасвирсиз ҳеч бир рассом ўз асарини етук ҳолга келтира олмайди.

Қаламтасвир бошқа санъат турлари орасида мустақил равишда тугалланган дастгоҳли санъат асари ҳам бўлиши мумкин. тушь, сангина, пастель, соус, қалам билан бажарилган кўплаб картиналар жаҳоннинг турли санъат музейи ва кўрғазмаларидан жой олган.

Қаламтасвир машғулоти кўриб-кузатиб тўғри тасвирлаш, борлиқни идрок этиш, қўл, онг ва сезги органларини шакллантиришда нафақат бўлажак рассомга, балки турли касб соҳасидаги кишиларга зарурдир.

Уйғониш даврининг буюк рассоми ва олими **Леонардо да Винчининг «Рангтасвир қонунлари»** номли асарида жумладан шундай деган эди:



*«Ёшлар ўзларини илм-фан, тасвирий санъатда синамоқчи бўлсалар, аввало расм чизишни мукамал билмоқлари лозимдир».*

Қаламтасвир машғулоти бошқа мутахассислик фанлари қаторида бўлажак ўқитувчи-рассомларни тайёрлашда асосий мезон ҳисобланади. Қаламтасвир дарслари бакалаврият талабларга I-IV курсларда назарий ва амалий машғулотлар орқали олиб борилади. Шунингдек таъкидлаш керакки, амалий машғулотлар қаторида назарий билимлар бўлажак мутахассисларга уларнинг кейинги педагогик, ижодий ва илмий фаолиятларида муҳимдир.

Борлиқни реалистик тасвирлаш талабаларга нафақат амалий билимларни берибгина қолмай, балки уларнинг умумий дунёқарашларини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Реалистик тасвирлаш санъати, шунингдек ёшларда борлиқни ҳаққоний образларда ифода этиш маҳоратларини ривожлантиради.

Расм чизишни ўрганиш талабаларга атрофдаги жисмларнинг ҳажмини ҳаққоний тасвирлаш билан бирга, уларнинг эстетик дидларини ҳам ўстиришда катта аҳамиятга эга.

Расм чизиш асосларини ўрганиш, нарсанинг ўзига қараб босқичма-босқич тарзда тасвирлаш принципида қурилгандир. Табиатга муҳаббат ва кузатувчанлик, буюмларни тўғри тасвирлаш каби фазилатлар ҳар бир тасвирий санъат билан шуғулланадиган талабаларга хос бўлмоғи керак.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг етук малакага эга бўлишда нафақат амалий билимларни чуқур ўзлаштирган бўлиши, балки тасвирлаш санъати соҳасида назарий тайёргарлигининг пухталигига ҳам боғлиқ.

Бўлажак педагог-рассомларни буюк рассом ва тасвирий санъат соҳасида кўплаб назарий, амалий билимларни мерос қилиб қолдирган шахслар ҳаёти ва ижодий фаолиятлари билан таништириш, уларнинг асарларини чуқур ўргатиш, ҳамда улардан нусхалар олишга жалб этиш катта аҳамиятга эга.

Қаламтасвир машғулоти педагогика факультетидаги мутахассис ўқув фанларининг асоси сифатида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларига қуйидаги асосий қонунларни ўргатишни мақсад қилиб қўяди:

1. Тасвирий санъатда композиция асослари.

2. Шаклларнинг чизиқли конструктив тузилиши.
3. Буюмларнинг ўз-ара нисбатлари.
4. Тасвирий санъатда перспектива қонунлари.
5. Шаклларда ёруғ ва соя қонуниятлари.
6. Тасвирий методик кетма-кетликда «анализ» ва «синтез» қилиб тўғри бажариш.

Бу кўникма ва малакалар талабанинг олий ўқув юртининг барча босқичлари давомида билим олиш вақтида ўқув машқларини бажариш орқали ривожланади ва такомиллашиб боради. Шунингдек, ушбу билимлар бўлажак ўқитувчи-рассомнинг олийгоҳни тугатгандан сўнг, педагогик ва ижодий иш жараёнида ҳам муҳимдир.

## ***2. Ўқув қаламтасвирининг назарий асослари***

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашда қаламтасвир машғулотларини амалий жиҳатларини ўргатиш билан бир қаторда, унинг назарий асосларини пухта ўқитилиши катта аҳамиятга эга. Шунинг учун қаламтасвир машғулоти бир қатор аниқ предметлар асосида олиб борилиши эътиборга молик. Улардан асосийси перспектива ва пластик анатомиясидир. Буларсиз талаба энг оддий вазифани ҳам тўғри бажариши мушкул. Перспектива қонуниятларини билмай туриб у буюмнинг фазовий ҳолатини аниқ топа олмайди ёки одам пластик анатомияси борасида аниқ билимларга эга бўлмасдан, бу инсон қомати ва портретини чиза олмайди. Ёруғ ва сояларнинг қонунини яхши тушуниб етмаган талаба, тасвирланаётган буюм туси, ҳажми ва материаллик хусусиятларини аниқ тасвирлашнинг уддасидан чиқа олмайди.

Буюмларни тасвирлаш ҳам бошқа аниқ фанлар каби фикрлаб, чизилаётган нарсани чуқур таҳлил этиб, уни сўз орқали эмас, турли тасвирлаш воситалари билан, образли қилиб яратишини тақозо этади.

Тасвирий санъат устаси ва рус педагогларидан бири П.П.Чистяков айтганидек "Тасвирлаш фикрлаш демакдир". У шогирдларига доимо

таъкидлар эди, "Ҳеч қачон фикрламай расм чизманг, ҳар доим олдинигзга мақсад қўйган ҳолда гапириб тасвирланг, бу ердан бу ергача".

Сўз-тасвирланаётган буюмни таҳлил қилиб тўғри бажаришда энг жиҳатларидан биридир. У чизувчида фикр юритиб тасвирлаш "одати"ни шакллантиради.

Маълумки, тасвирий санъат атроф муҳтни кенг ва атрофлича ўрганиш натижасида, аниқ фанлар каби, табиатни илмий жиҳатдан таҳлил этиш орқали ўрганиланади. Шунинг учун бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси табиатни қанчалик кўп севса ва кузатиб ўрганса, у шунчалик тасвирлаш соҳасида юксак натижаларга эришиши мумкин.

Уйғониш даврининг буюк рассомлари табиатни илмий таҳлил қилиб, уни асосли ўрганганлар ва ўз асарларида ишонарли тасвирлаганлар. Жумладан, Леонардо да Винчи, Альберти ва Дюрерлар инсон танаси аъзоларининг ҳар бир бўлагини аниқ ўлчамларда ўрганиб ўз тасвирларида амалий қўллаганлар.

Инсон қомати ёки портретини тасвирлашдан олдин унинг тузилиш хусусиятларини худди анатом тадқиқотчидек асосли ўрганганлар ва ўзларининг бутун жаҳонга машҳур санъат асарларини яратганлар.

Ўқув қаламтасвирининг илмий асослари деганда талабанинг у ёки бу ўқув машқ жараёнида тасвирлашнинг қонун ва қоидаларини аниқ бажаришни назарда тутилади. Масалан: бошланғич курсларда гипсли геометрик шаклларни чизишда, талабадан ушбу буюмларни чизиқли конструктив тузилиши ҳамда перспектива қонун қоидаларига амал қилишни талаб қиламиз. Инсон қоматини тасвирлашда эса (юқори курсларда) талабалар унинг анатомик тузилишини ўрганишлари шарт. Юқори курсларга бориб, талабаларда ҳар бирининг ўзига ҳос индивидуал тасвирлаш техник хусусиятлари ривожлана бошлайди.

Улар ҳар бир вазифани индивидуал техник жиҳатдан амалга ошириш билан бирга қаламасвирдаги мавжуд пластик анатомия қонунларига риоя

қилишлари лозим (суяк ва мушакларнинг жойлашиши, бирлашиши, уларнинг нисбат ва тузилишлари, ёруғ, соя ва бошқалар).

Узоқ ўтмишданок қадимги юнон мусаввирлари инсон қоматини тасвирлаш натижасида, ҳамда уни илмий таҳлил этиб шундай хулосага келганларки-инсон қомати табиатнинг энг мураккаб, олий ва гўзал маҳсулидир.

Бир қарашда бири-бири билан қарама – қарши бўлиб туюлган тасвирий санъат ва илм-фан амалиётда бири иккинчисини тўлдириб шакллантиради. Онг ва сезги, идрок ва ҳиссиёт доимо яқин алоқададир.

Демак, талаба ўқув вазифасини тўғри бажариши учун биринчи навбатта тасвирий санъатда қўлланилиши лозим бўлган қонун ва қоидаларга амал қилиши керак. Улар орқали у ўқув академик вазифаларни бажариш жараёнида тасвирдаги биринчи даражали буюмларни бўрттириб кўрсатиб, шаклнинг характерли хусусиятларини аниқ тасвирлаши ва иккинчи даражали буюмларни эса, умумий ва оддий кўзга унча ташланмайдиган қилиб бажариши лозим.

Тасвирий санъат соҳасидаги, хусусан ўқув қаламтасвирида қўлланиладиган қонун ва қоидалар табиат қонунларидан келиб чиқади. Ушбу қонунлар тасвирий санъатга таъсир этиб унинг ривожланишида катта аҳамиятга эга. Тасвирлаш қонунлари талабада қаламтасвир ишлаш билимларини оширади ва малакаларни шакллантиради, ижодий қобилиятларини ўстиради, ҳамда уни бўлажак педагогик фаолиятга пухта тайёрлайди.

Буюмларни ўзига қараб натурадан тасвирлаш машқлари тасвирий санъатнинг асоси ҳисобланиб, у талабадан юқорида баён этилган қонун ва қоидалар асосида иш юритишини талаб этади. Шу боис, талаба ўқишнинг дастлабки босқичданок расм чизишнинг асосий қонунлари билан тўла қуролланган, ҳамда ўтмишда яшаб ижод этган буюк рассомларнинг ижодини ва тасвир ишлаш техникаларни чуқур ўрганиши лозим.

Тасвирий санъат, борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар ҳамда буюмларнинг нафақат ташқи шаклини бажаришни, балки ушбу нарса ва буюмларни ички дунёсини, табиатдаги ҳодисаларни чуқур таҳлил этишни тақозо этади. Бу борада буюк француз меъмори Ле Корбюзье шундай деган эди: "Тасвирлаш жараёнида, буюмларни қандай дунёга келишини, уларнинг қандай ривожланишини, ўсишини, гуллаб-яшнашини кўрасан. Бу борлиқни кузатиш орқали, авало "ички" дунёсини, сўнгра "ташқарисини" ўрганиш натижасида амалга оширилади.... Буюмни ҳақиқий гўзаллигини аввало ташқарисига эътибор бериб, сўнгра чизиш давомида уни синчиклаб кузатиш, идрок этиш орқали, унинг юрагига йўл топишгача бришимиз мумкин. Тасвирлаш-бу кузатиш, яратиш, ихтиро қилиш демакдир".

Тасвирланаётган буюм шакли қанчалик мураккаб бўлса, чизувчи уни шунчалик кўп ўрганиши ва таҳлил этиши керак. Қаламтасвир ишлашда илмий ёндошиш, айниқса буюмни чизиқли конструктив тузилиши ва перспектив ҳолатини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Қаламтасвирда етук малакага эришиш кўп жиҳатдан нарсани ўзига қараб тасвирлашга боғлиқ. Нарсани ўзига қараб тасвирлаш маҳорат мактабини ўтмасдан ва ўқув машғулот жараёнини билмай туриб, бадий ривожланиш пиллапояларидан юқорига чиқиш мумкин эмас. Бу борада бир неча етук шогирдларни мустақил рассом бўлишда катта ҳисса қўшган рус рассоми ва мураббийи П.П.Чистяков шундай деган эди: "Аввало чизилаётган буюмни синчиклаб кузатиш зарур, сўнгра уни рассом ўзига бўйсундириши керак". Рассом қандай етукликка эришмасин, у нарсани ўзига қараб тасвирлашдан воз кечмаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда рассомнинг билими, ҳаёли уни ўраб турган борлиқ табиат билан ҳар доим боғлиқ бўлиши лозим. Ижодкор-рассом ҳаёлан бирон-бир санъат асари устида ижод қилишидан олдин, энг аввало кузатиб, эслаб қолган борлиқ образларини ҳаёлан тиклаб, таҳлил қилади, сўнгра уларни жуда кўп мартта амалий машқлар бажариш орқали олган билим ва тажрибалари асосида бажаради.

Ўқув қаламтасвирини илмий жиҳатдан таҳлил этиш натижасида биз ундаги бир неча мустақил асосий фанлар билан бевосита чамбарчас боғлиқлигини кузатишимиз мумкин. **I. Перспектива**-буюмнинг фазовий ҳолатини текисликда тўғри тасвирлаш методларини очиб берувчи фан. **II. Пластик анатомия**-инсон ва ҳайвонлар танасининг тузилиши ҳақидаги фан. **III. Физика**-буюмларда ёруғ ва сояларнинг тақсимланиши борасидаги фан.

Ушбу фанларни ҳар бир талаба аввало умутаълим мактабида, сўнгра бадиий ўқув юртида чуқур ўзлаштирган бўлиши, ҳамда уларни тасвирий фаолиятда кенг қуллай олиши зарур.

Юқорида баён этилганидек, Уйғониш даври рассомлари ўзларининг машҳур санъат асарларида санаб ўтилган фанларни кенг қўллаганлар. Буюмларни ҳаққоний тасвирлаш негизида ушбу аниқ фанларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бирон бир машҳур санъат асари, йўқки, унда перспектива қонуниятларига амал қилинмаган бўлсин. Ўзига қараб чизилган суратни рассом қандай ҳолатда (рўпарадан, ёнидан, ўтириб, ёки тик туриб) бажарганини аниқ айтиб бериши мумкин.

Ўтмишда яшаб ижод этган буюк, ҳамда ҳозирги замонавий рассомлар перспективани биринчи ўринга қўядилар. Бу эса биздан фазовий тасаввуримиз перспектива қонунига тўла амал қилишини талаб этади.

Буюмнинг фазовий ҳолатини тўғри тасвирлаш учун, унинг қонунларини тўғри бажаришга амал қилишимиз шарт. Машҳур тасвирий санъат усталарининг бадиий ижодлари шуни кўрсатадики, табиатда борлиқни ҳаққоний тасвирлаш учун, тасвирий санъатдаги мавжуд қонун қоидаларга риоя қилиш муҳимдир. Леонардо да Винчи ўзининг “Рангтасвир қонуниятлари” номли асарида жумладан шундай деган эди: “Ўқувчи аввалам бор перспектива қонунларини пухта билиши лозим; сўнгра нарсанинг ўлчамларини ўзлаштириши керак...”

Буюмларни конструктив тузилишларини ҳамда уларнинг турли вазиятлардаги перспектив қисқаришларини тўғри тасвирлаш талабалардан тинмай амалий машқлар бажаришни талаб этади. Машҳур рассом

мураббийлар ўзларининг ижодий фаолиятлари билан бир қаторда кўплаб махсус методик йўлланмалар ишлаб чиққанлар. Жумладан, XIX асрининг биринчи ярмида ижод этган рус педагогларидан А.П.Сапожников буюмларни тасвирлашда "синч"(каркас) усулини жорий этди. Гипсдан ишланган геометрик шаклларни тасвирлашда у маълум шаклнинг ёнига шу шаклнинг симдан ишланган нусҳасини кўйиб ёш рассомларга чизиқли конструктив тузилиш, перспектива қонун-қоидаларини осонликча ўрганишларида ёрдам берган. Синч усули ёрдамида тасвирлаш турли геометрик ҳамда бошқа шаклларни (куб, цилиндр, конус, призма ва бошқ.) буюм текислигидаги таянч нуқталарини, перспектива асосларини ҳамда фазовий ҳолатларини аниқлашда катта ёрдам беради.

Маълумки, бошланғич курс дастурларида гипсдан ишланган турли геометрик шаклларни ўзига қараб тасвирлаш вазифалари кўрсатилган. Бунда талабалар куб, шар, призма, конус, цилиндр, пирамида, гипсли кўза, турли нақш ва меъморлик бўлаклари ва ҳоказоларни ўзига қараб тасвирлайдилар. Ушбу машғулотларининг асосий мақсади, талабаларда композиция, чизиқли конструктив тузилиш, нисбатлар, перспектива қонунлари каби кўпгина малакаларни ўргатиш ҳамда шакллантиришдан иборатдир. Умумтаълим мактабларидан талабалikka қабул қилинган ёшларнинг аксарият ушбу вазифаларни осонгина ишлаш мумкин деб ўйлайдилар. Ўқитувчи томонидан у ёки бу вазфани бажаришда унга кўйиладиган талабларни тушунгандек бўлсаларда, етарли малака ва кўникмаларнинг, ҳамда ушбу вазифани ишлашда асос ҳисобланган қонун қоидаларни билмасликлари оқибатида анча қийинчиликларга учрайдилар. Масалан, уфқ чизиғидан пастда жойлашган куб шаклини тасвирлаш вазифасини олайлик. Бу ерда талаба кубни тасвирлашда перспектива қонуни ва уни чизишда чизиқли конструктив қурилиш асосларида йўл кўйган хатосини кўришимиз мумкин расм. Худди шу вазифани бошқа нуқтадан тўғри бажарилган намунаси расмда берилган. Бунда талаба тасвирлашнинг барча қонунларига асосланган ва кубнинг

перспектив қисқаришини ва унинг конструктив тузилишини синч усулида тўғри бажарган.

Геометрик шаклларнинг расмини чизишда уларнинг буюм текислигида жойлашган асосларини чизиқли перспектива қонунига асосан тўғри бажариш муҳимдир. Бунинг учун чизувчи буюмларнинг перспектив қисқариш қонунлари билан бир қаторда уфқ чизиғини тўғри аниқлаши, ҳамда унинг ёрдамида турли шаклларнинг буюм текислигида ўзаро жойлашган ҳолатларини ҳаққоний тасвирлаши мумкин.

Яна бир мисол, маълумки ҳар бир буюм, у қандай шаклга эга бўлишидан қатъий назар, перспектива қонунларига асосан қисқаришга эга. Лекин, кўп ҳолларда талабалар бу назарияга эътибор бермайдилар. Кузатишлар шуни кўрсатадики, айлана шакли буюмларни тасвирлашда унинг фазовий ҳолатини тўғри топа олмайдилар ва унинг перспективага асосан қисқаришида кўпол хатога йўл қўядилар.

Ўқувчининг уфқ чизиғидан пастда жойлашган оддий кўзани тасвирлашда йўл қўйган ҳато, камчиликлари ва шу вазифани юқорида баён этилган қонунлар асосида тўғри бажарилган намунаси кўрсатилган. Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, талаба биринчи навбатда ўз тасвирида кўзанинг айлана сиртларининг асоси, экватори, бўйини, оғзи уфқ чизиғига асосан перспектив қисқаришини тўғри бажара олмаган. 3-а расм. Натижада, кўзанинг буюм текислигида жойлашуви сохта бажарилган ва фазовий ҳолати ҳамда ҳажми аниқланмаган. 3-6 расмда кўзанинг чизиқли конструктив тузилиши, кўзадаги айлана сиртларининг уфқ чизиғидан пастга, буюм текислигига томон узоқлашган сари, ундаги айлана сиртларининг перспектив ҳолати аста-секин қисқара бориши натижасида кўзанинг текислигидаги фазовий ҳолати ва ҳажми аниқ тасвирланган.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўринадики, ёшлар у ёки бу буюмни тасвирлашдан аввал унинг шакли қандай содда ёки мураккаб тузилган бўлишидан қатъий назар уни синчиклаб кузатишлари ва уни худди шишадан ишлангандек кўринар кўринмас томонларини ҳам тасаввур



қилишлари шарт. Кўпинча уста рассом ва муаллимлар буюмни кузатиб ўрганиш натижасида уни қоғоз композицион жиҳатдан тўғри жойлашган, чизиқли конструктив қурилган ҳолатини ҳаёлан тасаввур этишини сўнгра, шу кузатиш орқали ишга киришишни маслаҳат берадилар. Бундай усул чизувчининг фазовий тасаввурини шакллантирибгина қолмай, буюм тасвири тўлақонли бўлишида катта омил бўлади.

Ёшлар тасвирий санъатнинг перспектива қонунларини ўқиш даврининг ҳамма босқичларида қўллай билишлари зарур. Улар нафақат турли оддий буюмларни чизганда, балки табиатнинг энг мураккаб маҳсули бўлган инсон қоматининг турли ҳолатлардаги кўринишини бажаришда ҳам қўллашлари лозим.

Инсон портрети ёки танасини тасвирлашда талаба дастлабки курсларда, геометрик шаклларни чизиш даврида олган билим ва малакаларга асосланиши муҳимдир. Чунки, табиатдаги барча нарсаларнинг асосида геометрик шакллар ётади. Геометрик шакл-текисликлар асосида тасвир бажариш, жумладан инсон қоматини чизиш ва конструктив таҳлил қилишга уйғониш даври рангтасвир, қаламтасвир устаси ва ҳайкалтароши Альбрехт Дюрер асос солган.

Буюк немис рассоми А.Дюрер тасвирий санъатни ўқитиш иетодикаси борасида кўплаб илмий – амалий кўрсатмалар қолдирган. Ижодий фаолиятда у нафақат ҳис туйғу ва кузатишларга, балки аниқ илмий билимларга асосланишни олдинга қўяди. Тасвирий санъатда илмий асослар деб таъкидлайди Дюрер, рассомнинг муваффақиятини белгилайди.

Инсон аъзолари ва қоматини перспектива жиҳатдан тўғри тасвирлашда у оддий геометрик шакллардан фойдаланишни ишлаб чиққан. Бу усул қаламтасвир бажаришда катта малакага эга рассомдан тортиб, бадиий ижодга эндигина қадам қўяётган ўқувчига ҳам жуда катта ёрдам беради. Чизувчи турли шаклли геометрик сиртлар орқали мураккаб туюлган вазифани ҳам бажара олиши мумкин. Масалан, инсон бошини чизишда унинг шаклини

катта-катта геометрик бўлақлар асосида тасаввур этиши ва уни худди хайкалтарош сингари кесиб ишлаши анча муҳимдир.

Уйғониш даври рассомлари ўзларининг илмий кузатишлари тасвирий амалиётга кенг тадбиғ этганлар. Улар пластик анатомия, перспектива, ёруғ ва соя қонунлари борасида кўплаб билимга эга бўлганлар ва ўзларининг буюк асарларини яратиб, уйғониш даври санъатини юқори чўқиларга олиб чиққанлар.

Ёш – рассомларни қаламтасвир борасида пухта билимли олишларида перспектива қонуни асослари, пластик анатомия кабилар билан бир қаторда тасвирий санъатда ёруғ-соя қонунларини ўргатиш ҳам катта аҳамиятга эга. Буюмларнинг чизикли конструктив тузилишини аниқ бажарганларидан сўнг, унинг қандай материалларидан тузилганлиги, бир-бирига тус жиҳатдан нисбатларини, фазовий ҳолатини ва ҳажмини тўғри бажаришларида ёруғ-сояларининг аҳамияти муҳим.

Табиатдаги мавжуд ҳамма буюм ва нарсалар турли ҳажмга эга бўлиб, биз уларга ёруғлик тушиши натижасида ҳосил бўладиган ўзгаришлари орқали қандай ҳажмга эга эканлигини тасаввур қиламиз.

Маълумки, ёруғлик табиий қуёш ва ой, ёки суъний электр ва аланга шуъласи бўлади.

Қуёш нурлари бизгача ниҳоят даражада узоқдан келиб, унинг ёруғлик нурлари Ердаги барча нарса ва буюмларга сочилиб тушиб, асосан сферик шаклларда буюмда ёруғ ва соялар тарқоқ, нисбатан ноаниқ кўринади.

Нарсани ўзига қараб тасвирлашда суъний ёруғлик манбаларидан фойдаланиш буюмларнинг ҳажми ва шаклини тўғри бажаришда муҳимдир. Талабалар доимо шуни ёдда тутишлари керакки, ўқиш жараёни, хусусан қаламтасвир борасида, унинг ўзига хос илмий жиҳатларини мукамал ўзлаштиришлари уларнинг кейинги ижодий фаолиятларида катта аҳамият касб этади.

Қаламтасвир машғулотларида буюмларнинг ҳажмини тўғри ва ҳаққоний тасвирлаш оддий қаламларда амалга оширилади. Рангтасвирдан

фарқли ўлароқ бу вазифа анча мушкул бўлиб, талабалар зиммасига каламтасвир борасида кўплаб амалий машқлар бажаришни талаб этади. Шунинг учун, талабалар турли ҳажм ва шаклга эга буюмларнинг ёруғ ва сояларини тасвирланаётган буюмларнинг ҳажми ва шакли асосида иш юритишни тақоза этади. Бунда у қалам билан буюмга тушаётган ёруғ, соя, ярим сояларни енгил чизиклар билан бир текисда ва чизиклар тортишда унинг дона-дона бажарилишига эътибор бериш керак, буюмларга ёруғлик канчалик тик тушса, уларнинг тасвири яққол кўринади. Аксинча, Четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда урилиб, бажарилаётган тасвирни хирароқ бўлишига олиб келади. Ёруғлик бир буюмдан урилиб (синиб) иккинчисига ва учинчисига тушиши мумкин. Бу ҳол тасвирланаётган буюмлардаги ёруғ ва соялар мажмуасини ташкил этади. Улар қуйидагилардан иборат:

а) ёруғлик, б) соя, в) ярим соя, г) акс, д) ялтироқлик.

**Ёруғлик** – деб буюм юзасига тик тушувчи қуёш ёки сунъий ёриткичлар таъсиридаги нурга айтилади.

**Соя** – буюмларнинг ёритилган қисмининг орқа томонига (тескарисига), ёруғлик нурлари тушмаган ерига айтилади.

Бундай сояларни яна **шахсий соя** ҳам деб юритилади. Тасвирлар бажарилишида **тушувчи соялар** ҳам кузатилади. Ушбу соялар буюмларнинг бири иккинчисини тўсиши натижасида ҳосил бўлади.

Бундай соялар буюм текислигига (стол, пол, ер ва ҳоказо) ҳамда, бажарилаётган буюмларнинг биридан иккинчисига ҳам тушуиши мумкин. Буюмларга қияроқ равишда тушувчи ёруғлик, уларда **ярим сояларни** ташкил этади. Ярим соялар асосан ёруғлик ва шахсий соялар оралиғидаги қисмида жойлашади. Шунинг учун соялар бир хил тўқ тусда бўлмайди.

Фақатгина соя ва ярим соялар орқалигина, буюмларнинг ҳажмларини тўғри бажариш мумкин. Буюмларга урилиш натижасида қайтиб бошқасига тушувчи ёруғликлар **акс ёруғликни** ҳосил қилади.

Акс ёруғликлар предметларнинг бир-биридан кандай масофада жойлашганига кўра кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин.

Лекин ҳеч қачон акс ёруғлик буюмларга тик тушувчи ёруғликка нисбатан кучли бўлмайди.

Буюмга ёруғликнинг тик тушиши натижасида эса **ялтироқлик** ҳосил бўлади. Бу ҳолат шиша, чинни, темир, сопол ва бошқа ёруғликнинг қайтариш хусусиятига эга бўлган кўпгина буюмларда кузатлади.

Юқорида таъкидланганидек ўқув қаламтасвирида ёруғ ва соялар қаламда энгил чизиқлар (штрих) билан амалга оширилади. Ёруғ ва ярим сояларда чизиқ кучлар тасвирланаётган буюмнинг характериға ва ёруғлик тушиш йўналиши буйиша дона-дона, аниқ бўлиши керак. Бундай бажарилган туслар буюмларнинг коструктив тузилишини янада яқол кўрсатиб беради. Аксинча, буюмнинг соя қисмларида чизиқлар қуюқроқ, бир-бириға яқин (бирлашиб кетган) бўлиши керак. Қиррали буюмларда туслар ёруғ ва соя учрашган (яқинлашган) қисмида тўқроқ бўлади. Расм

Тасвирлашға қўйилган олдинги қатордаги буюмлар аниқ чизиқлар билан чизилса, 2- ва 3- қатордаги буюмлар чизувчидан узуоқроқда жойлашганлиги ҳисобига умумий тарзда бажарилади.

Бу ўз навбатида тасвирланаётган буюмни ҳаққони (фазовий перспектива қонуниға асосан) бажарилишида муҳимдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, оддий қалам билан буюмнинг ҳажми асосида ишлаш, тасвирланаётган буюмларни тўлақонли ҳажмли бажарилишининг омилидир. Пала-партиш, дуч келган томонға чизиқлар тортиш қўйилган мақсадға эришишға тусқинлик қилади.

Буюмларнинг ҳажмларини бажаришда, чизиқларни тортиш кетма-кетлигиға риоя қилиш керак. Қаламни қоғоз сиртида бир хил куч билан босганда чизиқлар орасидаги масофаларнинг тенг бўлишиға эътибор бериб тасвирлаш, чизилаётган қўйилманинг тўғри бажарилишида катта аҳамиятға эга. Думалоқ (сферик) ҳажмға эга бўлган буюмларни бажаришда, юқорида

таъкидлаб ўтилган чизик тортиш эллипс шаклида бажарилиб, буюмнинг экваторига (қорнига) яқинлашганда тўқроқ кучда бўлади.

Ёруғ - соя қонунларни перспектива, қайишувчанлик анатомиясидаги қонунлар каби тасвирлашда аниқликни талаб этади, физик олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, ёруғлик барча буюм ва нарсаларга тушиши натижасида маълум ҳажмлар қонунини ташкил этади. Олийгоҳ талабаси ушбуларни доимо ўз тасвирий фаолиятида билиши ва қуллаши лозим:

А) ёруғлик манбаига яқин бўлган буюмларда ёруғ ва соялар ҳар доим кучлидир; аксинча, буюмлар ёруғлик манбаидан узоқлашган сари, соя ёруғ кучлари ҳам умимийлашиб хира бўлиб кўринади. Буюмларни тасвирда аниқ бўлиши учун ёруғлик манбаига яқин турганларини кескин ёруғ, соялар орқали бажариш, узоқда жойлашган буюмлар эса, умумий тарзда чизиш тавсия этилади.

Б) буюмнинг нурини тусиши натижасида у ёки бу текисликка тушувчи соя, ҳар доим шу буюмнинг шахсий соясига нисбатан кучлироқ бўлади. Шунинг учун баъзан тус жиҳатдан тўқ бўлган буюмни тасвирлашда ҳам, унинг ёруғликни тўсиши натижасида тушувчи соя билан солиштириш ва тушувчи сояни тўқроқ бажариш керак.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси тасвирлашнинг техник жиҳатлари биан бир қаторда унинг назарий томонларига ҳам кўпроқ эътибор бериши лозим.

Ўтмишда уста рассомлар табиатдаги ёруғ ва сояларнинг қонунини изчил кузатганлар ва ўзларининг амалий ишларида муваффақият билан қўллай билганлар. Жумладан, машҳур Леонардо да Винчи шундай дейди: "Тўқ тусли буюмдаҳосил бўлувчи акс ёруғлик доимо очроқ тусдагига нисбатан аниқ ва яққол кўринади"<sup>1</sup>.

Баъзи тасвирий санъатдаги амалиётчиларнинг фикрича, гуёки тасвирий фаолиятдаги илмий асослар талабаларнинг ижодий йўналишларига

---

<sup>1</sup> Леонардо да Винчи. Книга о живописи. М., Огиз-Изогиз, 1935. 127-бет.

тўсқинлик қилар ва салбий таъсир кўрсатар эмиш. Уларнинг таъкидлашларига кўра, агар, талабалр тасвирлашнинг илмий жиҳатлари асосида маълум вазифаларни бажарсалар, улар бажарган иш тасвирлар ҳам бир хил даражада бўлар экан. Ушбу нотўғри тушунчани қуйидаги бир мисолда таҳлил этайлик. Талабалар бажараётган натюрморт қаламтасвири бошланғич босқичдан то охиригача педагог назоратида, унинг бевосита кўрсатмалари орқали бажарилса ҳам, вазифа тугал ҳолатга келганда талабалар ишининг ҳар бири бажарилиш услуби ва эмоционал жиҳатлари билан бир-биридан кескин фарқ қлади.

Кўп йиллик кузатишлар шуни кўрсатдики, талабаларга қаламтасвир машғулотларини ўқитишда айрим педагоглар қаламтасвирда мавжуд илмий асосларга;перспектива қонунларига, қайишувчанлик анатомиясига ва ёруғ-соялар назариясига этарли эътибор бермайдилар. Оқибатда талабалар ушбу қонун-қоидалардан беҳабар қоладиларва амалий вазифалар пухта бажарилмайди.

Олий ўқув юрти ўқитувчисининг асосий вазифаси талаба ёшларга мутахасислик фанлар бўйича: рангтасвир, хайкалтарошлик, халқ амалий санъати ва айниқса, қаламтасвир борасида кўплаб амалий ҳамда назарий билимлар бериш ва умумтаълим мактабларига юқори малакали мутахасис ўқитувчиларни тайёрлашдир.

Юқорида баён этилган фикрлардан хулоса шуки, талабаликка қалул қилинган ёшларга бошланғич курслардан бошлаб рангтасвир, композиция, хайкалтарошлик каби мутахасислик фанларнинг пухта ўзлаштирилишида асос бошланғич ўқув қаламтасвири машғулдлотларининг амалий жиҳатлари билан, унинг илмий назарий томонлари ҳам кенг ўқитилиши шарт.

Ўтмиш тарих шуни бизга аниқ мисолларда кўрсатадики, қадитмда буюк тасвирий санъат усталари ўзларининг асарларида тасвирлашнинг илмий асосларини қўллаш натижасида катта ютуқларга эришганлар. Флоренция мактаби рассомлари тасвирий санъатни илмий изланишлар

каторига қўйганлар ва биз биламизки бунинг натижасида бу ердан катта-катта буюк тасвирий санъат усталари етишиб чиққан.

Буюмларни ўзига қараб тасвирлаш – тасвирий, фаолиятнинг алифбосидир. Бунга умумтаълим мактаби бошланғич синфлардан, то олий ўқув юртлари талабаларигача ҳар доим амал қилишлари керак. Ёшлар нарсани ўзига қараб тасвирлаш давомида борлиқни ҳаққоний тасвирлаш билан бир каторда табиатдаги воқеа ва ҳодисаларни, шаклларнинг конструктив тузилишларини, тасвирлаш қонун-қоидалари асосида ўрганадилар. Буларни талаба ёшларга ўқитишда дидактив принципларнинг асосийси ҳисобланган – илмийлик принципи этакчи ўрин эгаллаши лозим.

*Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари.*

**Перспектива қонуни.** Тасвирланаётган буюмлар, ушбу буюмнинг қайси томонидан тасвирланишидан қатъий назар (узоқдан, яқиндан, юқоридан, пастдан, тўғридан ёки чеккадан) чизувчига ўзгариб кўринади. масалан, кубни у ёки бу томонга буриб, унинг томонларини чизувчига перспектив ўзгариб кўринишини кузатамиз.

Буюмларни текисликда ҳаққоний тасвирлашда рассом перспектива қонунига бевосита мурожаат қилади. бу ҳолатни шундай таърифлаш мумкин: **«Табиатдаги барча буюмлар қандай шаклга эга бўлмасин, перспектив қонун ва қоидаларга бўйсунди»,**

Перспектив қонунларни мукамал ўрганиб, ҳар қандай буюмнинг кўринар ва кўринмас томонларини тўғри тасвирлаш мумкин. Перспектива қонунларининг асосий хусусиятлари шундаки, буюмлар қандай катталиқда бўлмасин, чизувчидан узоқлашган сари ва текисликда қандай жойлашганига қараб перспектив қисқаради.

Ўз навбатида перспектив қонуни ҳаққоний тасвирлаш **«алифбо»** ларидан бири бўлган *«сураъат текислиги», «буюм текислиги», «кўриш майдони», «кўриш нуқтаси», «уфқ чизиги»* каби қонуниятлар билан чамбарчас боғлиқдир.

**Сурат текислиги** деб тасвирланаётган натюрморт, манзара, портрет ва хоказолар билан рассом орасидаги бўшлиққа айтилади.

Физиологик нуқтаи назардан қаралганда, ёруғлик чизилаётган буюмга тушиб, рассомга у ёки бу қисмининг шакли кўринади. Шундан кейингина, рассом уни идрок этиб тасвирлашга ўтади. **Сурат текислиги** рассом билан натура ўртасидаги восита бўлиб хизмат қилади.

**Буюм текислиги** деб тасвирланаётган буюмнинг жойлашган текислигига айтилади. Буюм текислиги вазифасида стол, пол, ер ва бошқа чизиш учун бажариладиган мослама бўлиши мумкин.

**Кўриш майдони** бу чизувчининг тасвирланаётган буюмни кўриш вақтида камраб олишдир. Рассом тасвирланаётган объектнинг қанча узоқлашиб борган сари унинг кўриш майдони ҳам кенгайиб боради, бу эса тасвирланаётган объектнинг барча қисмларини аниқ кўриш ва тасвирлашга имкон яратади расм. Лекин, объектдан жуда катта масофада туриб, ундаги ҳамма бўлақларни ва ҳажмларни тўлақонли тасвирлаш анча қийин. Аксинча, тасвирланаётган объектга жуда яқин масофада туриб ҳам, ушбу объектдаги ҳамма қисмларни кўз билан илғаб олиш машкул. Шунинг учун ҳар қандай тасвирни бажараётганда чамалаш орқали масофани тўғри танлай олиш, кўриш майдонини тўғри белгилаш рассомдан маҳорат талаб этади. Кўп ҳолларда рассомлар тасвирланаётган предмет катталигини 3 ҳисса кўпайтирилганига тенг масофада туриб тасвирлайдилар. Масалан, инсон қоматини тўлақонли тасвирлаш учун рассом натурадан тахминан 5-5,5 метрлар масофада туриши керак. Шундагина у тасвирни тўлақонли тасаввур этиб вазифани аниқ бажариши мумкин.

**Уфқ чизиғи** деб, кўзимиз баландлигида ўтадиган нурга айтилади. Буни аниқлаш учун қоғозни олиб уни горизонтал ҳолатда кўзимиз даражасигача кўтариб уфқ чизиғини аниқлашимиз мумкин. Буюм чизувчига уч ҳолатда кўриниши мумкин.

1. Уфқ чизиғидан юқорида.
2. Уфқ чизиғидан пастда.



3. Кўзимиз нури баландлигида (уфқ чизиғи баландлиги даражасида).

Уфқ чизиғи ҳар доим кўзимиз нури баландлигидан ўтади. Агар биз юқорига чиқсак у биз билан кўтарилади, пастга тушсак уфқ чизиғи ҳам пастда кузатилади.

**Фазовий перспектива** деб буюмларнинг фазо (бўшлиқ) таъсирида ўзгариб (қисқариб) кўринишига айтилади. Фазо – тиниқ муҳитдир. Лекин, унинг тиниқлиги табиатнинг турли ходисалари таъсирида ўзгариб туриши мумкин. Масалан: ҳаво намлиги, атмосфера босимининг ўзгариши, ҳаводаги чанг-тўзоннинг таъсирида ҳаво булутлиги ва бошқалар. Шунинг учун тасвирланаётган объектнинг фазо бўшлиғида қай даражада чуқур жойлашганига қараб ранг, нисбат, тус ва ундаги алоҳида бўлақларнинг (яққол ёки хира) кўринишларига кескин таъсир этади.

Фазо перспективаси объектнинг куннинг қайси вақтида тасвирланаётганлигига (эрталаб, кундузи, кечқурун) йил фасллари (баҳор, ёз, куз,) ҳамда атмосфера ўзгаришига (қуёш ёки булут) қараб ҳам ўзгаради.

Фазовий перспективанинг бир неча асосий қоидалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Бажарилаётган тасвир рассомга яқин бўлган буюмлар яққол, узоқдагилар эса умумий кўринади. тасвирда фазони сездириш учун яқин масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда тасвирлаш керак.

2. Фазо бўшлигида (кенглигида) жойлашган буюмлар чизувчидан қанчалик узоқда жойлашган бўлса, хира тусда кўринади. Тасвирда фазовий перспективани тўғри кўратиш учун узоқда жойлашган буюмларни озроқ енгил олдинги қатордаги буюмларни эса яққол тасвирлаш керак.

3. Яқин масофада жойлашган буюмлар фазода яққол ҳажмли бўлиб кўринади, узоқдагилари эса хирароқ кўринади. тасвирлашда ҳам ушбу тартибга риоя қилмоқ зарур.

4. Чизувчидан узоқроқ жойлашган буюмлар, атмосфера босими таъсирида сиёхранг, ҳаворанг ва оч тусда кўринади. фазовий перспективани янада кучлироқ кўрсатиш учун яқин масофадаги яққол кўриниб турган буюмларни аниқроқ чизгилар билан, узоқдагиларни эса очроқ тусда тасвирлаш мумкин.

5. Олдинги қаторда жойлашган буюмлар ҳақиқий ўз тусида (рангида), узоқдагилари бир хил бўлиб кўринади. Фазовий перспективанинг бу қонуни рассомдан олдинги масофада жойлашган буюмларни яққол, узоқдагиларни эса умумий тарзда хирароқ қилиб тасвирлашни талаб этади.

Фазовий перспективанинг ушбу қонуни-қоидаларига риоя қилиш талаба учун муҳимдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар талабанинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар (портрет, натюрморт, манзара ва ҳоказо) кузатилади.

**Чизиқли конструктив тузилиш.** Тасвирлаш учун буюм қандай содда ёки мураккаб бўлишидан қатъий назар у конструктив тузилишга эга. **Конструкция** сўзи- тузилиш (қурилиш) маъносини англатиб, рассом буюмни тасвирлашда ушбу қонунга амал қилиши шарт. Буюмни ҳаққоний қилиб тасвирлаш учун унинг тузилишини чизиқли конструктив тузилишига эътибор бериш мақсадга мувофи. Чизиқли конструктив қуриш ҳар қандай вазифани тасвирлашда амалга оширилади. Қуйидаги антик даврга мансуб гипсдан ишланган кўза ва меъморлик бўлагида ушбу қонунни амалда кўришингиз мумкин

Буюмнинг конструктив тузилишини унинг асосий қисмларидан, ҳамда ёрдамчи чизиқлар ўтказиш йўли билан амалга оширилади (кўза, конус, пирамида ва ҳоказо). Чизиқли конструктив тузилиш орқали буюмни тўғри тасвирлашда перспектив қонун-қоидаларга тўлиқ амал қилишни тақозо этади. Юқорида кўрсатилган расмдаги гипс кўзанинг ҳажмини тўғри амалга ошириш жараёнида кўза асоси (буюм текислигида жойлашган), экватори, бўғизи ва юқори қисми айланаларининг буюм текислигидаги ҳолатига асосан перспектив қисқаришини кўрамаз. Демак, чизиқли конструктив қуриш


буюмнинг чекка қирраларини контур чизиқлар билан, мураккаб тузилишга эга (бир неча майда бўлақлардан иборат). Буюмларда эса ушбу бўлақларнинг энгил бирлашиб яхлит бир бутунликни ташкил этишдан иборатдир (*15 расм*).

Буюмлар ўз ҳажмига эга бўлишдан ташқари нисбатларда ҳам, баландлиги ва энига эгадир. Бу эса *буюмларнинг нисбати* дейилади. Бир неча буюмлардан ташкил этилган қўйилма ўз нисбатларидан ташқари ўзаро ҳам катта-кичиклигига қараб нисбатлари мавжуд. Реалистик тасвирлашда буюмлар нисбатини тўғри аниқлаш катта аҳамият касб этади. Буюм нисбатларини тўғри аниқлаш ва тасвирлаш қуйидаги усулда амалга оширилади. Масалан, гипс нақш розеткасини олайлик. Розетканинг баландлигини энига нисбатан катталигини аниқлаш учун қўлга қаламни ушлаб узатган ҳолда розетканинг кичик томони-энининг ўлчамини қаламда бош бармоқ билан белгилаб розетка баландлигига қўйиб таққослаймиз. Сўнгра ушбу топилган нисбатни қоғозда белгилаймиз. Шу усулда бир гуруҳ буюмлардан ташкил этилган натюрморт ёки бошқа ўзининг ҳамда ўзаро нисбатларини тўғри тасвирлаш мумкин.

**Ҳажмлар.** Ҳар бир буюм ўзининг ҳажмига эга. Унинг ҳажми қирралари, баландлиги, бўйи ва энининг мавжудлиги билан белгиланади. Агар буюмнинг ҳажми тўғри тўртбурчаклардан иборат бўлса, унинг ҳажми ҳам текис юзадан иборатдир. Эгри чизиқлардан ташкил топган буюмлар (шар, конус, цилиндр ва бошқалар) текис юзалиларга нисбатан анча ҳажмдор ҳисобланади. Юқорида санаб ўтилган шакллар контур<sup>1</sup> чизиқлар воситасида амалга оширилади. Контур чизиғининг буюм шаклини намоён этишда аҳамияти бениҳоят катта. Буюмнинг тузилиши, ҳаракати, нисбатлари, унинг қандай материалдан тузилганлигини ва бошқаларни тасвирий ифодалашда рассом контур чизиқлардан фойдаланади.

---


<sup>1</sup> Контур – (Французча KONTOUR) буюм шаклини акс эттирувчи чизи<sup>3</sup> деб аталади.



Буюмнинг шакллари тўғри тўртбурчаклардан иборат бўлса (куб, пирамида, призма ва бошқалар), унинг ҳажмларини бажариш тўғри чизиклар воситасида амалга оширилади ёки унинг контурлари эгри чизиклардан иборат бўлса, ҳажмлилик эллипс, айлана шакллар орқали амалга оширилади.

Буюмни ҳажмдор тарзда тасвирлаш, унинг қандай шаклга эга эканлигига ва уни тўғри туслаш орқали бажарилади. Қиррали буюмларда, масалан, куб ҳажмини тўғри тасвирлашда кўпинча талабалар хатоликка йўл қўядилар.

Кубнинг ҳажмини ёруғ соялар воситасида бажариш жараёнида уни янада ёрқинроқ акс эттириш учун унинг қирраларини контур чизик билан алоҳида бўрттириб кўрсатадилар. Бу эса мутлақо нотўғри. Табиатда эса қиррали буюмлар юзаларининг бир-биридан тус жиҳатидан оч ва тўқлиги билан белгиланади. Фақат (куб ёки бошқа қиррали буюмларда) соя қисмидаги қирраси ёруғ қисмидаги юзага яқинроқ ерида тус жиҳатдан кучлироқ эканлиги билан ҳарактерлидир.



Думалок шакли буюмларни хажмларини эллипс, айлана чизиклар орқали бажарилади. Тасвирлашда думалок хажмга эга буюмларнинг экватор кисми тус жихатдан кучлироқдир. Қиррали буюмларда бўлгани каби шарсимон буюмларни тасвирлашда ҳам унинг четлари куюқ контур чизик билан амалга оширилмайди. Фақатгина унинг турган ҳолатига қараб ёруғ ва орқа фондаги соялар чэгараси бор холос.



Лекин европа реалистик тасвирий санъатдан фаркли равишда шарқ тасвирий санъати ҳам ўзининг бетакрорлиги билан маълум ва машхур. Чунончи, устоз Камолиддин Бехзод томонидан ишланган Султон Хусайн Мирзо портретини олайлик. Ушбу портретнинг хажмдорлиги гарчи ёруғ соя қонуниятларига ва перспектива қоидаларига риоя қилиниб яратилмаган бўлсада, ундаги локал чизик ва контурлар орқали рассом асар қахрамонини моҳирона тасвирлаган.

### Назорат саволлари:

1. Қаламтасвирнинг назарий асослари.
2. Ўқув қаламтасвирининг назарий асослари деганда нималарни тушунасиз?
3. Тасвирлашнинг асосий қонун-қоидалари қандай?
4. Тасвирни босқичларда ишлаш методларини тушунтириб ўтинг.
5. Картинани яратиш нималардан бошланади?

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. II – қисм – Тошкент, 2001.
2. Бойметов Б, Толипов Н. Мактабда тасвирий санъат тўғараги. – Тошкент: 1995.
3. Набиев М. Рангшунослик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
4. Орипов Б. Тасвирий санъат ибораларининг изоҳли луғати. Н., 2003.
5. Ойдинов Н. Рассом – ўқитувчилар тайёрлаш муаммолари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
6. Умаров А. Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзТСМТУ, 1998.
7. Турдалиев А. Композицияга оид таянч иборалар. Н., 2004.
8. Абдурахмонов Ғ. Композиция. – Тошкент: 2010.
9. Ҳасанов Р. Тасвирий санъат асослари. -Т.: Ғафур Ғулом нашриёти, 2009.

#### **4 мавзу Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши.**

##### **Режа**

1. Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши.
2. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тасвирий санъатда эришилган ютуқларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари.
3. Талабаларга тасвирий санъат тарихини ўтишда ўзбек халқ рассомлари ижодини ўқитишнинг амалий аҳамияти.

**Таянч иборалар:** Тасвирий санъат, композиция, конструкция, тон, чизиқли қуриш, ранг муносабатлари, портрет, жанр, услуб, классика, ренессанс, антик давр, ҳайкалтарошлик, картина қаламтасвир, формат, олий таълим, рассомлик санъати.

Бундан 24 йил муқаддам-1991 йилнинг 31 августида халқимиз ҳаётида тарихий туб бурилиш юз берди: Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди. Шу тариқа ватандошларимизнинг авлод-авлодлари қалбида асрлар давомида яшаб келган орзу ва армон-мустақиллик, эркинлик, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳақиқатга айланди. Фақат 24 йил бурун биз бошимизни тик тутиб, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай, ҳайиқмай, бор овоз билан миллий эркинлигимиз тўғрисида гапириш имкониятига эга бўлдик. Шунинг ўзи истиқлолнинг илк ҳаётбахш маънавий самараси эди.

Истиқлолни тарихий тараққиётнинг ўзи заруриятга айлантириб қўйди. Бу зарурият омиллари Республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг халқ орасида келгуси ривожланишимиз дастурлари тарзида ҳақли равишда баҳоланиб, кенг тарқалган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай эскини бузманг», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Ўз йўлини топган юрт», «Юксак маънавият енгилмас куч» ва бошқа кўплаб асарларида атрофлича шарҳлаб берилган.

Истиқлол биз учун тарихий зарурият, нэгаки у бизга мустақил, миллий давлатга хос бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини топишимизга имконият яратди. Истиқлол туфайли Ўзбекистон ўз

худудига, Конституциясига, чинакам байроғига, гербига, мадҳиясига, мустақил иродали ва қатъиятли президентига эга республика бўлиб қолди. Унинг беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари-ўзиники. Тарихи, маънавий-ижтимоий кадриятларини ўзгалар кўзи ва манфаатларидан келиб чиқиб эмас, балки ўзи виждонан қайта баҳолайди ва ўрганadi.

Истиқлол Ўзбекистон қаддини тиклади. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлини бугунга келиб жаҳоннинг юзлаб мамлакатлари тан олди. У билан дипломатик даражада мустақил, икки ёқлама ва кўп томонлама сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатаётган давлатлар сони кун сайин кўпаймоқда. Ўзбекистон бугун БМТ ва бошқа кўпгина нуфузли халқаро ташкилотлар ва форумларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқли аъзоси. У дунё миқёсида аввало суверен демократик давлат ва айна пайитда халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида иш юритмоқда. Истиқлол уни худди шу тариқа қайта яратмоқда.

Зоҳиран 24 йил тарихан жуда бир қисқа вақт, аммо унинг мазмуни улуғвор ва илҳомбахшдир.

Мустақил тараққиёт йўлига кирган республикаимиз чексиз келажакли ва нурафшон тарихий жараённинг бошида турибди. Президентимиз рисолаларида қайд этилганидай, ҳозирги кунда жамиятимиз узоқ йўлнинг бошида аниқроғи, тарихий чорраҳаддир. У «ўтиш даври» муаммоларини бошидан кечирмоқда.

Истиқлолнинг 24 йили сиёсий ва маънавий уйғониш соҳаларида катта ютуқларни инъом этди. Ҳалқимиз ўзини сиёсий ва маънавий мустақиллигини тобора аниқроқ тушуниб етмоқда. У эски мафқуранинг ва мутелик психологиясининг кишанларидан тозаланиб, ўз тарихига, ҳозирги куни ва истиқболига бошқача кўз билан қарамоқда. Миллий-маънавий кадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлидан бормоқда. Наврўз байрами, асрий анъаналарга эга миллий урф-одатлар, диний байрамлар нишонладиган бўлди. Шўро мафқураси инкор этган тарихий кадриятлар, сиймолар, манбаълар, маданий бойликлар қайта тикланилди. Амир Темур,



Бобур, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд каби улуғ сиймоларнинг тақдири, ҳаёти, мероси маънавиятимизга қайтарилаётгани истиқлолнинг бебаҳо ғалабаларидир.

Ҳозирги кунда олдимизда турган жиддий вазифалардан бири ижтимоий воқеалик таракқиётининг қонуниятларига амал қилинган ҳолда мафкуравий қарашларнинг янги тизимини ишлаб чиқиш, уни халқ қалби ва онгига сингдириш тадбирлари устида меҳнат қилишдир. Айниқса, фан, маданият, адабиёт ва санаът номоёндалари бугунгидан кўра фаолроқ ишлари, истиқлолнинг ижтимоий-инсонпарварлик моҳиятини тадқиқотларда, асарларда чуқур, таъсирчан очишлари, истиқлолнинг янги мафкурасини яратишга ҳар бир зиёли ўзини муносиб ҳиссасини қўшишга интилмоғи керак. Янги мафкурага, истиқлолнинг йўли ва йўналишларига қалб ва иймондан эътиқод тарбияси кўп нарсани хал қилади. Инсон ичидан маънавий мустаҳкам бўлса, унинг ҳаётидаги йўли, ҳам ишончли бўлади. Тарихий чоррахани илк босқичини ўтаётган ўлка ва халқнинг янги дунёқараш, маънавиятини шакллантириши фан ва ижод аҳли учун илҳомбахш вазифаларидандир.

1991-2015 йиллар ичида Мустақил Ўзбекистонни барча соҳаларида ривож топишда айниқса маънавий-маданият ва маърифатнинг юксалиши катта қадам бўлди. Шу ерда айниқса 24 йиллик ичидаги маънавият соҳасида бўлган янгиликларини кўриб чиқиш ўринли деб бўлади.

1991 йилда «**Ҳамар халқаро алоқалар**» маркази ташкил этилди. Унинг вазифаси Республикада ва ҳорижда кўргазмалар, ярмаркалар ва ким ошди савдоларни ташкил қилиш шаклида бадиий меросни ва ҳозирги тасвирий ҳамда амалий безак, ҳайкалтарошлик санътларининг амалиётини оммалаштириш. Бадиий салон ҳуқуқлари асосида санъат асарларини сотишни амалга оширади.

1993 йилда «**Ўзбекистон халқ анъаналари ва санъати**» маркази ташкил этилди. Унинг фаолияти тасвирий ва амалий безак санъатини ривожлантириш, Республикада ва чет эллариди маданий меросни тарғиб

килиш ҳамда кўргазмаларни ташкил этиш бўлиб, ҳозирда у марказ томонидан катта ишлар қилинмоқда.

1997 йил 23 январда **Ўзбекистон Бадий Академиясини** ташкил этиш ҳақидаги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Бадий Академиясининг фаолиятини ташкил этиш» тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Бадий Академия истеъдодли ижодкор ёшларни, юксак малакали рассомлар, дизайнчилар, меъморлар, амалий санъат усталари ва санъатшуносларни тарбиялаш учун замин берди.

Ўзбекистон нафақат маҳаллий ижодкор рассомларнинг балки, чет элларда энг юксак ва профессионал даражадаги рассомларнинг бадий кўргазмаларни ташкил этиш марказига айланди.

Дастлаб Ўзбекистон Бадий Академиясининг раҳбарлари таркиби тайинланди, 21 нафар фахрий аъзолар сайланди. Шулардан Ўзбекистон Бадий Академиясининг ҳақиқий аъзолигини халқ рассомларидан, амалий санъат усталаридан кулоллар Шариф Азимов, Акбар Рахимов, Худойберди Ҳақбердиев, Шарофиддин Юсупов, миниатюрочи-рассомлар Ниёзали Холматов, Ўзбекистон Бадий Академиясининг фахрий аъзолигига наққош-рассомлар Саидахмад Махмудов, ганчкор Махмуд Усмоновлар бўладилар.

Академия таркибида муассасаларнинг тегишли тармоқлари бўйича фаолияти асосида йўналишлари мувофиқлаштирилиб туришга даъват этилган, академик-котиблар раҳбарлик қиладиган бешта бўлиб, рангтасвир ва графика, хайкалтарошлик дизайн, амалий санъат ва санъатшунослик бўлимлари ташкил этилди.

Авваллари бошқа идоралар тизимига кирадиган қатор муассаса ва ўқув юртлари Ўзбекистон Бадий Академияси таркибидан ўрин олди. Академия тизимида академик ўқув юртлари тармоғи ташкил этилди. Чунончи Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика бадий коллежи, барча вилоятларда тасвирий ва амалий санъат академик лицейлар ташкил қилинди.

Ушбу ўқув юртларининг ҳаммаси юксак малакали мутахассисларни тайёрлашга доир оптимал дастури тайёрланди. Истеъдодли рассомлар ва усталарни излаб топиб уларга шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг муассасаларидан бири бўлмиш Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида амалий санъат турлари бўйича ҳам катта илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти. Институтда аспирантура ва докторантура шунингдек «театр санъати», «музыка санъати», «тасвирий санъат» ҳамда шу қатори амалий санъат ихтисосликлари бўйича номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёклашга доир ихтисослаштирилган илмий кенгаш ишлаб чиқилмоқда.

1997 йилда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомчилик ва Дизайн институти ташкил этилди. Унда тасвирий санъат дасгоҳи, монументал ва театр декорацияли рангтасвир, кино ва телевидение рассомлари, китоб ва музейшунослик, амалий-безак санъати, амалий графика, интерьер ва ускуналар, меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, меъморчилик нафис безаклари, кулолчилик, малака ошириш, сиртдан ўқиш бўлимлари, ва шунингдек хорижлик талабалар учун ҳам таълим олиш имкониятлари яратилган.

1997 йили Ўзбекистон Бадиий Академиясининг махсус жамқармаси ташкил этилди. Унинг вазифаси Ижодий ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан ҳимоя қилишни таъминлашдир. Бадиий кўргазмалар дирекцияси 1959 йилда ташкил топган эди. У музей муассасаси мақомига эга бўлиб унинг таркибига бадиий бойликлар фонди –13000 та тасвирий ва амалий-безак санъати асарларини ўз ичига олади, ишлаб чиқариш бўлимлари– кўргазмаларни комплекслаш ва ташкил этиш , асарларни сақлаш ҳамда таъмирлаш ва марказий кўргазмалар заллари киради. Ўзбекистон ва хорижда кўргазмаларни ташкил этиш дирекциясининг асосий вазифаларини ташкил қилади.

Республикамизда таълим-тарбияга ва жаҳон стандартлари талаблари даражасида бўлишга эътибор берилган. Ўзбекистон Республикасининг Олий

мажлисининг IX сессиясида Президентимиз И.Каримовнинг «Баркамол авлод-Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқи ва бу сессияда қабул қилинган «Таълим тўқрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасини-«Академик лицейлар ва касб ҳунар коллеждларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш» тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда 1997 йил айрим вилоятларда тасвирий ва амалий санъати лицейлари ташкил қилинди:

1. Андижон тасвирий ва амалий санъат лицейи-интернати
2. Бухоро тасвирий ва амалий-безак санъат лицейи
3. Қашқадарё тасвирий ва амалий-безак санъат лицейи
4. Қорақолпоқистон Республика тасвирий ва амалий-безак санъат лицейи
5. Навоий тасвирий ва амалий-безак санъат лицейи
6. Наманган тасвирий ва амалий безак санъат лицейи
7. Самарқанд тасвирий ва амалий безак санъат лицейи
8. Сирдарё тасвирий ва амалий –безак санъат лицейи
9. Хоразм тасвирий ва амалий –безак санъат лицейи ва кабилар очилди.

1997 йил майида Тошкентда бўлиб ўтган XII Ҳалқаро кинофестиваль доирасида Ўзбекистон Бадиий Академияси биринчи академиклари ишларининг кўргазмаси уюштирилиб турли мамлакатлардан ташриф буюрган кўплаб санъат арбоблари уни томоша қилишга муваффақ бўлдилар.

1997 йил якунларига кўра Ўзбекистон Бадиий Академияси олтин ва кумуш медаллар, Академия дипломлари билан тақдирландилар. Ҳозирги пайтда академия тизимида Япония, Иордания, Греция ва бошқа мамлакатлардан келган мутахассислар аспирантурада бакалавриантура ва магистратурада таҳсил олишмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда санъатнинг жаҳон маданиятининг ҳазинасини бойитишда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Германия, АҚШ, Италия, Франция ва Буюк Британияда «Ранг тасвир ва саноъат дизайни» ихтисоликлари

бўйича бакалавриатура, магистратурада таълим олиш ва амалиётдан ўтиш учун Ўзбекистон Президенти грантини олиш юзасидан танловларнинг ўтказилиши Академик ўқув юртлари учун муҳим воқеа бўлди.

1997 йил март ойида Ўзбекистон Бадиий Академияси тассаруфидаги рассомлик коллежи амалий санъат гуруҳи талабалари Покистоннинг Исломобод шаҳрига ижодий сафар қилдилар. Исломобод шаҳрининг кўкаламзор масканида жойлашган «Халқ мероси», «Лок вирса» музейида Ўзбекистон галерияси ташкил қилинди.

Мустақиллик тўйи арафасида «Шарқдан келган зиё» шиори остида кўرғазма ташкил этилди. Бу кўрғазма икки буюк бобоколонимиз юбилейига бақишланиб, Санъатшунослик илмий тадқиқот институтида очилган бўлиб, ушбу кўрғазмага таниқли ижодкорлар яратган ранг тасвир, хайкалтарошлик, кулолчилик ва халқ амалий санъати асарлари кўйилди. Мазкур кўрғазмада Малик Набиев, Жавлон Умарбеков, Азиза Маматова каби кўплаб ўзбек рассомлари қатори шунингдек ҳиндистонлик Аҳмад Сафаров, мисрлик Саид ал Хазар, АҚШлик Ричард Дан, туркменистонлик Қубон Маредовнинг Аҳмад Фарғонийга бағишланган асарлари ҳам ўрин олди.

Мустақиллик шарофати билан юзага келган муҳим ўзгаришларидан яна бири бу ҳозирги замонда тасвирий ва амалий санъатга оид илмий тадқиқот ишларнинг аввалига нисбатан кўпроқ фоизда давлат тилида бажарилганлигидир. Жумладан, бу вазият мустақиллик йилларида тасвирий ва амалий санъат олимларимиз муаллифлигида нашр этилган монография, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, альбом ва илмий мақолаларда ўз аксини топа бошлади. Айнан шу даврда улар ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, араб ва бошқа тилларда ҳам чоп этилаёпти. Шулар жумласидан, «Ўзбекистон санъатшунослик муаммолари», «Санъатшунослик ниҳоллари», «Санъат тарихини даврлаштириш муаммолари», «Бухоро Шарқ дурдонаси», «Хива минг гумбазлар шаҳри», «Амир Темур даврининг меъморий кошонаси», «Ғиждувон кулолчилиги санъати», «XX аср Ўрта Осиё ранг тасвири: ўз-

Ўзини англаш муаммолари» ва ҳақозо мақолалар мажмуи, шунингдек П.Зоҳидовнинг «Меъмор олами», М.Набиевнинг «Рангшунослик», «Ўзбек халқ амалий санъати», изоҳли луқати, «Ёшларга ҳунар ўргатишнинг миллий анъанавий асослари», А.Эгамбердиевнинг «Раҳим Аҳмедов», Ш.Асқаровнинг «Меъморий танқидчилик». Б. Бойметовнинг «Портрет қаламтасвири», «Қаламтасвир», «Пластик анатомия», «Чизматасвир» ва бошқа китоблари «Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш» мисол бўла олади.

Шу ерда яна эътиборга лойиқ далил-авваллари ўзбек тилида илмий тадқиқот ишларининг бажарилиши олимларимиздан катта жасорат талаб қилган бўлса, эндиликда номзодлик ва докторлик илмий ишлар ўзбек тилида ёзилиб ихтисослашган Илмий Кенгашда ҳимоя қилинмоқда. Олимларимиз миллий санаътимизни тарқиб этиш учун Америка, Франция, Япония, Германия ва бошқа давлатларда илмий мақолалар, китоблар, альбомлар чоп этишмоқда. Германияда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунларига бадиий меросимиз ва ҳозирги санъатга бағишланган махсус материаллар туркуми тайёрлаш ва немис тилидаги «Санъат» журналида эълон қилинди.

1997 йил Ўзбекистон Бадиий Академиясининг «САНЪАТ» журнали ташкил этилди. Журналнинг мақсади Ўзбекистон ва Марказий Осиё санъатлари тарихи ва Ўзбекистон Бадиий Академиясини тарғиб қилиш ҳамда оммалаштириш, жаҳон санъатининг энг яхши ютуқлари билан таништиришдир. Бадиий Академиянинг «Санъат» журнали рангли суратлар, ранг-баранг мақолалар билан чоп этилмоқда. Мазкур журнал уч ойда бир марта; ўзбек, рус, ингилиз тилларида чоп этилади. Журналда «санъат тарихи, замонавий бадиий жараён, халқ амалий безак санъати, мусиқа ва театр, халқаро алоқалар рукнлари остида санъатшунос олимларнинг мақолалари чоп этилмоқда.

1998 йилда Германияда чиқадиган «ВОСТОК» журнали Республикамиз санъатига бақишлаб мазкур сон эълон қилди. Ушбу нашр «Ўзбекистон санъати анъанавий ва замонавийлик» деб номланган, унинг саҳифаларида мустақил юртимиз санъати ва маданиятига доир мақолалар, суҳбатлар,

фотосуратлар ўрин олган. Ушбу журналнинг бош муҳаррири Бритта Волонченвебер хоним «Ўзбек замоний тасвирий санъати ўз тарихи сингари ва серкирра бой номли мақоласида ўлкамизнинг маданияти ва санъати ҳақида фикр юритади. Мақоланинг «Жавлон Умарбеков олами», «Ҳаким Ибрагимов ранглари», «Акмал Икромжонов фалсафаси», «Акмал Нур умиди» деб номланган бобларида эса ижодкорларнинг гўзаллик оламига саёҳат қиласиз.

## **2. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тасвирий санъатда эришилган ютуқларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари.**

1990 йиллар Ўзбекистон тасвирий санъати ривожидан янги босқич бошланди. Бу нафақат объектив зарурият туфайли тузилиши ислоҳ қилинган Рассомлар уюшмаси ва унинг негизидан ташкил топган Ўзбекистон Бадиий Академияси, балки бу йиллардаги бадиий жараён моҳиятига, унинг ўрганилишига ҳам таалуклидир.

Бозор иқтисодиёти муносабати билан юз бераётган жараёнлар авваллари санъатида ҳақиқатан ҳам боқимандалик кайфияти ҳукм сурганини тобора ойдинлаштирмоқда. Мустамлака ва қизил «империя» даврида маънавий ва маданий меросни ўрганиб, асраб-авайлаш масаласига юзаки, муносабатда бўлиб, синфийлик нуқтаи-назаридан қараб келинди. Қоғозларда ва оғизда асраб-авайлаш ҳақида гап бордию, лекин амалда қанчадан-қанча меъморлик обидалари бузилиб ташланди: Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон каби шаҳарлар вайрон қилинди, не-не санъат турлари, санъат асарлари, хунарлар, урф-одатлар, байрамлар, маросимлар барҳам топди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, шўро даврида ижодкорлар асосан мафкура асосида, партия илгари сурган ғояларни халқ онига сингдирувчи қуроли сифатида фаолият кўрсатар эдилар. Шу жумладан рассомлар ҳам турли ғоявий-сиёсий тадбирларга буюртма асосида бажариладиган ишларга алоҳида эътибор беришга мажбур эдилар. Кўпгина кўргазма залларини ана шундай давр руҳи билан суғорилган катта-катта ҳажмдаги ишлар эгаллаганди. Очикроғи, асарлар бадиий баркамолликдан кўра, ғоявий

хозиржавоблигига кўра кўпроқ кадрланарди. (собик компартия аъзоларининг портретлари, КПССни мақтовчи плакатлар ва бошқалар).

Мустақиллик мана шу маъшум емирилиш жараёнининг олдини олди, ҳамда маънавий қадриятлар, анъаналар, илмий ва маданий меросни сақлаб қолиш ва ўрганиш ва демократик йўналишда ривожлана бошлаган жамиятимизга хизмат қилдириш учун кенг йўл очиб берди, моддий-ижтимоий шарт-шароит яратди. Шу билан бирга мустақиллик даври ва бугунги бозор иқтисодиёти жараёни ижодкорни ҳам олдиндан ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб, ҳалол йўл билан обрў орттиришга ундамоқда.

Шундай экан бу мураккаб жараёнда фақат жисмонан ва ақлан кучли, тадбиркор, ишбилармон, кечаю-кундуз бутун вужудини, қалбини барча руҳий ва жисмоний имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилган шахсгина бирор натижага эришади.

Рассомлар ижодига, умум ижодкорлар изланишларига шу нуқтаи назарда ёндошсак, боқимандалик давлат буюртмаси, баландпарвоз гаплар, мағрурланишлар, ўзига зеб беришлар даври ўтиб кетди. Энди фақат ҳақиқий таланти, бўлсагина, уни тарбиялаш, вояга етказиш, барча имкониятларни ишга солиб, истеъдодини юзага чиқаришга ёрдам берадиган замонлар етиб келди. Зеро, бозор иқтисодиёти муносабати билан жамият ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ва турланишлар рассомлар ижодига сезиларли таъсир қилди. Ижод йўлига тасодифан кириб келганлар ўз-ўзидан бу соҳадан четлашмоқдалар. Бундан кейин ҳар бир соҳада ва айниқса ижодда фақат шу соҳанинг фидойийлари, ўз фикри-зикри, дил амри билан иш юритадиган инсонларгина қолиш табиий ҳол.

Бу табиат қонуни десак ҳам бўлади. Уни инкор қилиб бўлмайди. Фақат шу кунда мавжуд бўлган бадиий қадриятлар, талантлар, ижодий интелектуал кучлар улар яратган дурдоналарни сақлаб қола билиш даркор. Бу йўналишда ҳозирги пайитда бир қанча ишлар қилинмоқда. Масалан: «Марказбанк» томонидан кўпгина ишлар сотиб олинмоқда, уларнинг каталоги мунтазам равишда чоп-этиш ишлари аста-секин йўлга қўйилмоқда. Президент девони



хузуридаги халқ академияси кўплаб рассомлар ишларини харид қилиб олди ва хоказо.

Шундай қилиб, Ўзбек миллий тасвирий санъати номоёндаларининг профессионал санъат турларини эгаллаш ва яратиш ана шу 24 йиллик-истиклол даврини ташкил этди. Шу даврдан бошлаб тасвирий санъатнинг профессионал дунёвий турларини эгаллаш ва ривожлантириш даври бошланди. Шу ерда айтиб ўтиш зарурки, тарихан учрамаган миниатюра, деворий монументал тасвир, халқ амалий ва безак санъатлари билан чэгараланган Европа услубидаги мусаввирлик сирларини эгаллаб, бу соҳани хам маънавий мулкига айлантира бошлади. Барча шаклланиш ва улғайиш жараёнларида содир бўладигандек, бу давр ўзбек тасвирий санъатида хам бошқа халқлар тасвирий санъат тарихида учраган турли-туман/натуралистик тасвирлашдан авангардизмгача Ғоявий услубий изланишлар, тажрибалар давом этиб, реалистик ва романтик тасвирий принциплари йилма-йил мустаҳкамланиб, чуқурлашиб бормоқда.

Бу даврнинг мантиқий давоми ва жаҳон тасвирий санъатида юз бераётган шаклий ва услубий изланишлари Ўзбек тасвирий санъатида қарор топтириш кучайтириш даври истиқлол даври билан изоҳланиши мумкин. Бунда Ж.Умарбеков, Б. Жалолов, М. Тўхтаев, В. Охунов, Алишер Мирзаев, А. Икромжонов, Акмал Нур, А. Нуриддинов, Абдували Мўминов ва бошқа қатор истеъдодли рассомларнинг эркин ижодий фаолияти катта аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, тасвирий санъат тарихини биринчидан миллат ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ ижтимоий ходиса сифатида, иккинчидан, санъатининг объектив тараққиёт йўлини ифодаловчи специфик жараён тарзида, учинчидан, айрим рассомларнинг Ўзбекистон санъати тарихида туганган ўрни мавқеи ва аҳамиятини назарда тутиб/масалан: 20-илларда А. Волковнинг, 30-йилларда П. Беньковнинг, 50-йилларда У. Тансиқбоевнинг ва хоказо ўрганиб чиқиш мумкин.

Умуман олганда, рангтасвирда бадиий жараён бир мунча шиддатли ва серхаракат бўлиб ўтди десак ҳам ўринли. 1991-2014 йилларда бўлиб ўтган кўп сонли кўрғазмалар шуни тасдиқлайдики, истиқлол даври рангтасвири услуб ва композицион ечимининг турли-туманлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса ҳозирги пайитда рангтасвирчи рассомларига ижодий эркинлик, шунингдек бадиий тасвирни акслаштиришда шакл ва воситаларни мустақил танлаш имконини яратувчи янги даврга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

### ***3. Талабаларга тасвирий санъат тарихини ўтишда ўзбек халқ рассомлари ижодини ўқитишнинг амалий аҳамияти.***

Мустақил республикамызда ижод қилаётган миллий мусаввирларимизнинг сони анчага етиб қолди. Улар ёш ва кекса авлод вакиллари жуда оз, бармоқ билан санагудек қолган. Бу мусаввирларни барча «устоз», деб ҳурмат билан тилга олади. Уларни ҳаётлик пайитида қадрига етиб, ардоқлашга тажрибаларидан сабоқ олишга интилади. Маълумки ҳаётдан ўтган Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Ахмаров, Ҳикмат Раҳмонов, Зокир Иноғомов, Самиғ Абдуллаев каби истеъдодли, мусаввирларимиз ҳам ўз пайитида ёшларга устозлик қилиб, саҳийликлари билан нафосат гулшанини файзларга тўлдиришган эди.

Ёшларга бош-қош бўлиб, билганларини аямасдан, тиним билмаётган мураббий мусаввирларимиз ҳазирги кунда ҳам талайгина. Булар А. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, Малик Набиев, Гофур Абдурахмонов, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев ва бошқалардир.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, ушбу эсга олинган рассомлардан айримлари ҳозирги даврда бизнинг Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университетининг бадиий-графика факультетида фаолият қилишяпти. Улардан биринчиси бизнинг қадрли устозимиз профессор Малик Набиев, шунингдек ҳозирги пайитда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвони соҳиби Гофур Абдурахмоновдир. Улар ўз ижодлари билан Ўзбекистон истиқлоли даври санъатини ривожланишига катта ҳиссаларини қўшганлар. Ўзбекистон мустақиллик даври рангтасвири ҳақида

фикр юритар эканмиз, ана шу инсонлар ижоди ва ҳаётдан бошласак ўринлидир.

**Малик Набиев** ёшлик йилларини хотирлаб, суҳбатлардан бирида шундай деб қолдилар: «1934 йили бадий билим юртида иккинчи курсда ўқиб юрардим Тошкентнинг «Себзор» даҳасидаги 15-етти йиллик мактабда туғма қобилият соҳиби, устоз рассомларимиздан Баҳром Ҳамдамий (1910-1943) расмдан дарс берардилар. Бир куни вақтлари зиклиги туфайли ўринларига дарс беришимни илтимос қилиб қолдилар. Юрагим дов бермасида, устоз гапларини икки қилолмадим. Сентябрдан эътиборан дарс бера бошладим. Бу муаллимлик фаолиятимнинг дебочаси эди».

1937 йили Тошкент бадий билим юртини муваффақиятли битирган Малик Набиевни ҳеч қайққа қўйиб юборишмади. Расм ва рангтасвирдан дарс бера бошлади. Муаллимлик соҳаси Малик Набиевга тобора ёқар, билганларини ҳеч кимдан аямас, куну-тун ишласа-да, хоримаслигини ҳис этар, бу унинг касбига бўлган ихлоси, иштиёқи туфайли эди. Мураббийлик иши ситқидилликни, саҳий қалб эгаси бўлишни тақазо этишини у ўша пайитлардаёқ пайкаганди чамаси.

1934 йили «Муштум» журнали таҳририятига йўлим тушиб қолди,-деб эслайди мусаввир.- Мени бу ерга таниқли ҳажвчи рассом Воҳид Одилов бошлаб келганди. У чизган расмлар журналда тез-тез чиқиб турарди. Муҳаррир Гулом Гофуров ҳузурида бўлганимизда, ёзувчи Абдулла Қодирий хонасига киришимизни, топшириқлар олишимизни айтди.Журналда барча расмлар у киши орқали қабул қилинаркан.

Мураббий мусаввир бўлиш тинмай ўқиб-ўрганишни, кенг дунёқарашларга эга бўлишни талаб этарди. Ва у ўқишдан, изланишдан эринмади. Ёшларни тарбиялаш учун ташкил қилинган икки йиллик курсга кириб ўқиди. Мутахассислик бўйича дастурга қаламтасвир, рангтасвир ва унинг технологияси, санъат тарихи, пластик анатомия фанлари киритилган бўлиб, шунингдек, Петербург Бадий академиясида 2-3 ой таҳсил олиш ҳам режалаштирилган эди.

Икки йил ичида кўп нарсаларни ўргандим. Хусусан, П. Беньков рангтасвирида ишлашни, пластик анатомияни эса профессор А. Матвеев (Париж университетида пластик анатомия факультетини битирган) ўргатишди,-деб эслайди М. Набиев.

М. Набиев малака оширишлар билан чэгараланиб қолмади. Буни қарангки, 1938 йилдаёқ Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган моҳир мусаввир мураббийлик сир-асрорларини янада пухтарок эгаллаш учун орадан ўн тўққиз йил ўтиб, Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институти бадий-графика факультетининг сиртки бўлимига кирди ва уни 1962 йили муваффақиятли битирди. Олий ўқув юрти раҳбарияти 1958 йилиёқ Малик Набиевга муаллимлик қилишга йўл очиб берган эди. Институтни битиргач, 1963-1988 йилга қадар рангтасвир ва каламтасвир кафедраси мудирини, профессор лавозимларида узоқ ишлади.

Малик Набиевнинг хонаси ҳам қабулхона, ҳам ижодхона вазифасини ўтар, рангтасвир кафедраси бўлгани учун эшиклари ҳамкасбалар, талабаларга доим очик эди. Уларга маслаҳатлар шу ерда бериларди. Мусаввир ишлаб турган пайтида кириб келган кишиларга ҳеч вақт «ижодимга халақит бердинг» демаган. Бу хона ўзимга хос кичик музейни эслатар, унинг деворларига бадий асар яратиш жараёнлари акс этган қўлланма суратлар, тасвирий санъат асарлари намуналари илиб қўйилганди.

Малик Набиев асарлари сони мингдан ортади. Ўзбек тасвирий санъати тарихида Малик Набиев яратган асарларидан буюк алломаларимиз: Абу Райхон Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Розий, Мрзо Улуғбек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Амир Темур, Аҳмад Фарғоний, Камалиддин Беҳзод портретлари етуклиги, инсон руҳиятини очилиши билан айниқса машҳурдир. Барча дарсликларда ва тарихий меросимизда ушбу портретлардан фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон тарихи музейида сақланаётган «Спитамен кўзҒалони», Жиззах ўлкашунослик музейидаги «Жиззах кўзҒалони» ва бошқа ўнлаб тарихий асарлари томошабинларимизга ёд бўлиб кетган. Халқимизнинг асл

фарзандлари, адолат деб бош кўтариб, қатағон қилинган Файзулла Хўжаев, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирийлар қиёфалари ўзига хос кўринишларда жонланган. Босқинчилар билан мардоновор олишган Дукчи Эшонга бағишланган асар.

Малик Набиев ўз халқи ҳаётини пухта билган мусаввирлигини унутмаслик керак. У ижодини ўз миллати «Ўзбек портрети» (1937 йил)дан бошлаганди. У устозлари Ақром Тошканбоев ва Баҳром Ҳамдамийларнинг «Сен ўзбексан, ўзбек рассомсан, шундай экан, ўз халқинг ҳаётини чуқур ўрган, ўзбекларни тасвирла, кейин бошқаларни» деган васиятларига амал қилгани учун ишлари ўнгидан келверди. Лекин муваффақият осонликча кўлга киритилмаслигини Малик Набиев яхши биларди. Масалан, саксон ёшни қоралаб қолган бир пайитда чизилган «Соҳибқирон Амир Темур» портрети ўзига хос тарихга эга. 1941 йилда тарих музейига келтирилган Темур ва темурийларни мумёлаб қўйилган жасадларини ўз кўзи билан кўрган рассом уни тасвирлашда жуда қийналди. Ўй-хаёллар оғушида Фарқ бўлган пайитларидан бирида туш кўрди. Тушига соҳибқирон Темур кириб, гўё уни руҳлантиргандек бўлди. Мана шу ерда ушбу шох-асар ҳисобланган Малик Набиевнинг «Амир Темур» портретини қисқача таҳлилин қилсак ўринли ҳисобланади.

Тарихий шахслар портрети борасида узоқ йиллар давомидаги ижодий тажриба, билим ва малакалар эвазига юзага келган Амир Темур портретида такрорланмас образни кўрамиз. Санъат ихлосмандлари эътиборини ўзига жалб қилган бу портретда Соҳибқирон саркарда қиёфасида гавдалантирилган. Бошига олтин тож кийган Темурнинг нигоҳи бир нуқтага қаратилган бўлиб, жиддий ҳаёл оғушида эканлиги, чап қовоғи бироз кўтарилиб, қоши тепага чимирилганидан сезилиб туради. Юз қиёфаси асосан буғдойранг туслар орқали тасвирланган. Пешона, юз қисмидаги чизиклар, шунингдек, бурун, лаб, кулоқ, соқол-мўйлабларнинг ҳолати Темурнинг нурунийлигини кўрсатсада, унинг ҳали тетик ва бақувват экани яққол сезилиб турибди. Айниқса бу ҳолат юзда кўзга ташланаётган пишиқлик,

чайирликда аниқроқ кўринади. Жиддий фикр ва хаёл билан бандлиги Соҳибқиронни янада салобатли қилиб кўрсатади. Елкадор қўллари эса бамайли хотир қиличга таянган ҳолда. Қўл бармоқлари шундай характерли тасвирланганки улар Соҳибқироннинг машаққатли жангу жадаллардан мардонавор ўтганини тасдиқлаб турибди. Портретдаги ўткир ва синчковли кўз қарашлар рассомнинг Темур образи борасидаги чинакам изланишлари натижасидир.

Амир Темур қиёфасида мағрурлик ва куч-қудратга эгаллиги унинг хотиржам ўтириши ҳолатида аниқ гавдаланган. Шарқона безатилагн шоҳ саройининг бир бўлаги деразадан Самарқанд шаҳри манзараси кўринади. Девордаги фонда нақшин безаклар, Соҳибқирон ўтирган салтанат курсисининг бадиий кўркемлиги, шунингдек, Амир Темур эғнидаги либосларнинг бой кўриниши томошабинни замона ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлишида ёрдам беради. Умуман мусаввир Амир Темур образини тасвирлаш борасида бутун маҳоратини ишга солиб улкан муваффақиятни қўлга киритади.

Мусаввирнинг дунё миқёсида қабул қилинган, ЮНЕСКО тан олган иши Абу Райхон Беруний портрети бўлса, эндиғиси қариган чоғида тасвирланган Амир Темур портрети бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Буниси ҳам мезон сифатида қабул қилинди. Пойтахтимиздаги, Самарқанд ва Шаҳрисабздаги, хуллас, барча яратилган Амир Темур ҳайкалларида ана шу қиёфа ўз аксини топган. Айнан шу қиёфа асосида таквимлар, плакатлар, маркалар чиқди.

Малик Набиевни «Устозимиз» дейдиган шогирдларини номма-ном санаб, саноғига етиш қийин. Улар кўп, улар ҳар жойда. Энг муҳими, устознинг то ҳануз касбдошлари сафида унумли меҳнат қилаётганлиги, ҳормай-толмай янги-янги ижод намуналарини тақдим этаётганлиги дилларни қувонтиради.

Ўзбек миллий рангтасвир мактабининг таниқли вакилларида бири, устоз рассом Ғофур Абдурахмоновдир. Рассом ижодий фаолиятининг

мукаммал хусусияти композицияларининг кенг қамровлилиги, асарларнинг ҳаётилиги, давр кайфияти ва руҳиятини ҳар томонлама очиб бера олишидадир.

**Ғофур Абдурахмонов** рангтасвир санъатининг кўпгина жанрларига дадил мурожат қилган рассом сифатида ажралиб туради. Бу ўринда, айниқса, мавзуй композициялар, манзара, натюрморт, портрет жанрларидаги асарларини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Ғофур Абдурахмонов 1936 йили Тошкент вилоятидаги Тошкент (эски Калинин) райони Кўктерак қишлоғида ишчи оиласида (оталари Муҳаммаджон ака пахта заводида ишчи бўлиб ишлаганлар) дунёга келади. Тасвирий санъатга бўлган иштиёқи жуда эрта уйғонган бўлиб, дастлаб мактабдаги тасвирий санъат ўқитувчиси К. П. Чибисов ташкил этган бадиий тўғарақда шаклланди. Ўқувчилик кезларида мактаб ўқитувчиларига турли деворий газеталар, синф бадиий жиҳозлари, график тасвирлар, ҳатто кўргазмали қуроллар ишлаб беришда ёрдамчи ўқувчилардан эди. Расмга бўлган қизиқишнинг мустаҳкамланишида турли ҳаётий сабаблар таъсир ўтказганини эслаб Ғофур ака шундай ҳикоят қиладилар: «Эски шаҳарбозорининг бир четида шиддат билан матога тасвир тушираётган бир рассомнинг жонли образлари ҳали ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Образлар шундай жонли, таъсирли эдики, бозордаги ҳаракат яққол сезилиб турарди, айниқса, қоп кўтариб кетаётган ҳаммол, бозорнинг орқасидаги масжидга ташриф буюраётган қариялар тасвирларини кўриб расм чизиш нақадар завқли эканини яна бир бора ҳис қилган бўлсам керак». Хуллас расмга бўлган қизиқиш уни 14 ёшида П. П. Беньков номидаги жумҳурият бадиий билим юртига ўқишга етаклади. Муваффақиятли имтиҳонлардан сўнг рассомлар Ҳ. Раҳмонов, М. Набиев, кейинчалик юқори курсларда эса Т. Оганесов, Н. Қўзибоев кабиларнинг қўлларида тасвирий санъат сирларини ўрганди. Ўша йилларда П. П. Беньков номидаги жумҳурият бадиий билим юртида рангтасвир сирларини анча мукаммал ўзлаштириб олишга анча имконият бўлганини рассом қувониб таъкидлайди. Билим юртини тугатар

экан, пахта мавзусига бағишланган «Хирмонда» номли диплом ишини ҳимоя килди. Талабалик йилларидаги қизиқишлар ва интилишлар, эскиз-этюдлар устида олиб борилган изланишлар зое кетмади. Билим юртидан кейин 1955 йили Тошкент шаҳридаги М. Уйғур номли санъат (ўша пайитдаги А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик) институтига ўқишга кирди. Олий ўқув юртининг дастлабки йилларида устозлари эътиборига туша бошлади. 1-курсдалигидаёқ ишларининг ранг-баранглиги, пишиқлиги, тугал фикрларга эгалиги ҳамда этюдларнинг тезкорлиги билан ажралиб турар экан. Бу ерда Р. Аҳмедов, А. Кривонос каби рассомлар кўлида таълим олади. Гофур Абдурахмонов талабаликнинг биринчи ёзги таътил пайитида юздан ортиқ этюд ишлаб устозларининг мақтовига сазовор бўлган.

Институтни 1961 йили «Шахтёрлар» номли диплом асари ҳимояси билан муваффақиятли тугатди. Талабалик йилларидаги асарларини кузатар эканмиз, рассом Иссиқкўл, Ангрен, Олмалик каби шаҳарларда ўнлаб этюдлар ишлаганлиги, ўша вақтдаёқ манзара жанрига нисбатан қизиқиши шаклланганлиги яққол сезилиб турибди. «Устозлар айтган нарсани бажариш энг сеvimли ижод жараёни эди. Яхши ишларни куриб, шундай ишлашни орзу қилардик, лавҳа чизмалар муҳимлигини билар эдик. Устозларимизнинг эса ишимизга фикр беришини жуда истардик», -деб таъкидлайди Гофур ака биз билан суҳбатда. Шундай қилиб, рассом 1965 йили рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинади. Бир неча йиллик изланишлардан сўнг рассомлар билим юртида директор бўлиб ишлай бошлайди. Рассом учун яна маъсулиятли давр бошланди. Ижод ва раҳбарлик қаттиқ меҳнатни талаб қилар эди. 17 йилга яқин директор, 14 йил рассомлик билим юртидаги педагогик фаолияти даврида кўплаб навқирон ёшлар таълим олишиб юртимизнинг иқтидорли рассомлари бўлиб етишди. Рассом Гофур Абдурахмоновнинг тарихий мавзуларга қизиқиши талабалик йилларидаёқ пайдо бўлган эди. Институтда ўқиб юрган пайитларида «Амир Темурнинг Самарқандга қайтиши» деган мавзуда диплом ҳимоя қилмоқчи бўлиб, эскизлар тайёрлашга уриниб кўрган аммо бу мавзунини анча мураккаб



эканлигини билган устозлар унга ҳозирча бошқа мавзуда диплом ҳимоя қилишни тавсия этадилар. Тарихий мавзуга бўлган иштиёқ кейинчалик янада ривожланади. Рассомнинг бир қанча муваффақиятли композициялар яратганига гувоҳ бўламиз. Буюк бобомиз Соҳибқироннинг 660 йиллигига бағишлаб эса рассом бир қатор асарлар яратишга эришди. Соҳибқирон сиймоси ва темурийларни акс эттирувчи портрет Хусайин Бойқаро образида мужассамлашган.

Рассом яратган композициялар кенг камровли ва ранг-баранглиги билан алоҳида ажралиб туради. Булардан, айниқса, «Тўй», «Ўалаба», «Бахмаллик қизлар», «Қирқ биринчи йилдаги кузатув», «Ҳосил байрами» каби асарларида бир неча ўнлаб инсон шаклини ўзига хос образли қилиб тасвирланиши диққатга сазовордир. Ана шу асарлар ўз даври учун Ғоявий жихатдан катта эътиборга молик бўлиши билан бирга ишланиши, композицион ечимларини тўлақонлиги, инсон қиёфасини ички ва ташқи хусусиятларини акс эттира олиши билан характерлидир.

Рассом **Ғофур Абдурахмоновнинг** устахонасига ҳар сафар ташриф буюрар эканмиз, янги-янги асарларнинг гувоҳи бўламиз. Мана яна бир янги полотно-«Афсоналар макони» ўтмиш сирларини эслатувчи баҳайбат тоғ манзараси акс эттирилган. Композицияда ўзига хос ажодларимиз тарихини намоён қилувчи унсурлар кўзга ташланади. Машҳур Алпомиш, Эртуғи, Спитамен, Тўмарис, Муқанна каби халқимиз ўтмишидаги қаҳрамонлар киши эътиборини ўзига тортади. Хуллас рассом ҳаётини, дунё сирларини тасвирлашни, унинг сиру-асрорлари ҳақида фикр юритишни севади. Шунинг учун ҳам Ғофур Абдурахмоновнинг асарларида олам-олам маъноларга дуч келамиз.

Эндиликда ушбу юқорида ижодларини ёритиб чиққан Малик Набиев, Ғофур Абдурахмонов ҳозирги пайитда жуда кўп замонавий ёш рассомлар талабалар «устозимиз» дейишади. Уларнинг шогирдларини санаб саноғига етишиш қийин. Хаммаларининг мураббийлик фаолиятлари бошлаганига 30 йилдан зиёд бўлган. Аммо хануз мураббий-мусаввир эканликларини

унутмаган ҳолда тиним билмай меҳнат қилишяпти. Ижод қилиш билан бир вақтда ёшларга қимматли маслаҳатларини бериб, санъатга, келажак ёш авлодни тўғри тарбиялашга, иқтидорли мусаввирлар етиштиришга қизиқтирмоқдалар.

**Устоз Чингиз Ахмаров** ўзининг порлоқ ҳаёти ва ижоди билан Навоий замонидаги Камолиддин Бехзод каби санъатда бутун бир давр яратган жуда улкан санъаткор эди. Унинг шогирдлари Неймат Қўзибоев, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Тўхтабек Соипов, Низом Холиқов, Темур Саъдуллаев, Улуғбек Болтабоев каби истеъдодли рассомларнинг ижоди шу табарруқ мактабнинг зиёбахш бағрида етилган. Ҳалима Носирова каби санъат усталари, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби шоирлар, Маҳкам Маҳмуд, Ҳожиакбар Шайхов каби обидалар устоз Чингиз Ахмаровга бағишлаб шеър ва ҳикоялар ёзишган.

Мусаввир Чингиз Ахмаров номи Ўзбекистон санъатининг чақноқ юлдузлари орасида ҳақли равишда энг фахрли ўринлардан бирини эгаллайди. Бу улкан рассомнинг ижоди ўзбек тасвирий санъатининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди ва кенг халқ оммасининг олқишига сазовор бўлди.

Атоқли, санъаткорнинг истеъдоди кўп қирралидир. У бадиий адабиёт, тарих, мусиқа, меъморчиликка ҳам қизиқарди.

Чингиз Ахмаровни ёшлар айниқса қаттиқ севдилар. Ўзининг бой руҳий дунёси, меҳрибон мураббийлиги ва самимиятга лиммо-лим қалби билан у ҳаммани ўзига махлиё этарди. Кишиларни қалбига кира билиш эса, ўз навбатида рассом ижодий ҳаётининг сарчашмаларидан бири ҳисобланарди.

Ўзининг севган ишига чинакам меҳр фидойилик, илҳом ва муҳаббатдан бошланади. Санъатдан илҳомланиш ва унга нисбатан муҳаббат туйғулари Чингиз Ахмаровнинг юрагида жуда эрта-болалик чоғида ўзи туғилиб вояга етган оила қучоғида пайдо бўлди.

Бўлажак рассом туғилиб ўсган оилада тарихни, халқ бадий ижодини, Шарқ адабиёти ва санъатини билар ва кадрлар эдилар. Бу уйда кўлэзма ва тошбосма китобларга бой катта кутубхона мавжуд эди.

1920 йилларнинг охирда Ахмаровлар оиласи Қаршига, сўнг Самарқандга кўчиб келади. Чингизнинг қаршисида гўё у болалик чоғидан буён ўйлаб юрган афсонавий шаҳар дарвозаси ланг очилгандек бўлди. Пермь бадий техникумида тахсил олар экан, Чингиз барчатаътил кунларини Самарқандда ўтказарди. Шарқ шахрининг қайноқ, суронли ҳаёти, унинг бир-биридан ёрқин рангларга тўлиб тошган бозор ва чойхоналари, пластик аниқлиги, улуғворлиги, маҳобатлилиги, меъморчилик ёдгорликларидаги бой нақшлар ва бўёқлар, халқ санъатининг бепаёнлиги ва рангбаранглиги, умуман бутун шаҳар ҳаёти Ч. Ахмаровга жуда катта, балки хал қилувчи таъсир кўрсатди. «Бадий техникум менга санъат асосларини ўргатиб, ҳаётга йўлланма берди. Аммо менинг рассом бўлиб етишувимга ҳақиқий тамол тошини қўйган бу-Самарқанд»-дейди кейинчалик Ахмаровнинг ўзи.

1935 йили Ч. Ахмаров Москва бадий институтига ўқишга киради ва шу ерда бир йўла аспирантурани ҳам битириб чиқади. Институтда у И. Грабарь, В. Фаворский, Н. Чернишев, Л. Бруни, И. Репиннинг шогирди Ф. Шемякин сингари рус санъат усталаридан таълим олди. Санъат тарихининг зўр билоғони И. Грабарь Ахмаровни уйғониш даврининг буюк санъаткорлари- Рафаэль, Микеланджело, Веронезени севишга ўргатган бўлса, истеъдодли монументалист Н. Чернишев қадимги Руснинг машхур рассомлари-Феофан Грек, Деонисий, Андрий, Рублевни кадрлашга, уларнинг миллий бадий мероси анъаналаридан ҳозирги замон тасвирий санъат тажрибасига суянган ҳолда ижодий фойдаланишга даъват этди. Л. Бруни эса Ч. Ахмаровга рассом-монументалист маҳорати «Сирларини» очиб берди.

Қарийиб ярим асрлик ижодий фаолиятида Чингиз Ахмаров юзлаб график асарлар яратди. Булар-китобларга ишланган расмлар, Ҳиндистон, Индонезия, Туркия, Миср, Яман, Ливан, Афғонистон, Ироқ сафарлари, таасуротлари акс этган туркум ишлар, ўнлаб портрет ва тематик полотнолар,

спектакль ва кинофильмларга ишланган декорация эскизлари ва ниҳоят, республикамиздаги ва ундан ташқаридаги жамоат биноларининг ички деворларига ишланган қатор суратлар, уларни деворга кўчиргунча чизилган қанчадан-қанча қораламалар, эскиз ва парчалар.

«Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал», - деган гапни даставвал ё рассом айтган ёки бевосита рассомнинг асарлари хусусида айтилган бўлса, эҳтимол. Дарҳақиқат, Чигиз Ахмаровдек ниҳоятда ўзига хос бир маҳорат эгаси бўлмиш рассомнинг асарлари тўғрисида бир нарса дейиш осон эмас. Унинг асарларини одам ўз кўзи билан кўриб, дилдан ҳис этмоғи керак, унинг ишларини таърифлаб ёзилган ҳар қандай сўзлар рассомнинг ижодий интилишларини, фикрларини ва бу фикрларининг тадрижини англаб етишда восита бўлиши мумкин ҳалос. Ўзининг чиндан ҳам бетакрор усулига, ўзига хос манерага эга бўлган ҳар қандай йирик рассомнинг, шу жумладан, Чингиз Ахмаровнинг исталган асари: у хоҳ деворий сурат бўлсин, хоҳ наброска бўлсин-ҳаммасида ижодкорнинг ўзига хослиги ва индивидуал услуби, манераси ва қули аниқ сезилиб туради. Бинобарин, рассомнинг умумий ижоди ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун унинг айрим асарлари билан танишиб чиқиш кифоя.

Рассомнинг қизиқарли ишларидан бири унинг «Аёл» деб номлаган асари. Ч Ахмаровнинг тасвир қамрови контурли расмнинг пластик чизиқлари ҳамда аҳён-аҳён соя ва ёруғлик тушаётган томонни муносиб ранг бериб кўрсатиш ва ранглар оҳангдошлиги билан амалга оширилади.

Тўлин ойни эслатадиган юзлар, бодом қовоқлар, ёйдай қошлар, ўқ киприқлар. Бир сўз билан айтганда, буларнинг бари анъанавийдек. Айни вақтда Ч. Ахмаров суратларидаги персонажлар чехрасидан чуқур маъно ўқийсиз, улар руҳий жиҳатдан ишонарли қилиб талқин этилган, бир андозага солингандек туюладиган имо-ишоралар жонли, ҳаракатчан, қаҳрамонларнинг руҳий бойликларини тўлалигича намоён қилади.

Рассом ранглар бойлигига, уларнинг Гоявий, бадий вазифасига алоҳида аҳамият беради. У кўпинча феруза-ниллий, пистоқи-яшил, шафтоли

гули-пушти, тилла ранг-сарик, арғувоний-қирмиз каби сержилва товланувчан бўёқлардан фойдаланади. Шуни айтиш жоизки мазкур рангларни хат усталари, ёҒоч ўймакорлиги усталари, дўппи ва сўзана тикадиган чеварлар, меъморлар, миниатюрочи рассомлар кенг истифода этганлар.

Лекин бу бой рангларни рассом бир асарида бир варакай ишлатмайди. Ҳар бир айрим ҳолда у бу ранглар бойлигининг маълум бир қисми билангина чегараланади. Рассом битта рангни танлайдида, унинг жуда кўп жилваларидан фойдаланади. Натижада, бошқа ранглар «Камсуқум» бўлиб қолади, танланган ранг суратда «яккахонлик» ролини ижро этади.

Хусусан, Адабиёт музейи учун ишланган суратларни эсласак улар пистоқи-яшил, Шарқшунослик интитутидаги деворий расмларда эса яшил ва оч-ниллий ранглар хоким.

Ч. Ахмаровнинг кейинги суратларидан бири «Суғд тўйи»да илиқ-тилла ранг ва оч-норан ранглар танлаб олинган. Мазкур деворий расм худди кимматбаҳо ҳарир матога ўхшайди.

Хулоса қилиб айтганда Ч. Ахмаров ижоди ҳамма томонидан сўзсиз қабул қилинаверади, бир ёқлама тушунилади, деган гап эмас. Унинг Навоий театридаги илк деворий расмидан бошлаб, бу ажойиб ўзига хос рассомнинг асарлари ҳар гал қизҒин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиб келади. Унинг ишлари базиларни ҳаяжонга солиб, маҳлиё этса, базиларга ёқмайди. Рассомнинг базан образларининг бир хиллигида, олдин хал этилган масалани такрорлашда айблайдилар. Унинг дунёни бетакрор кўриш қобилиятини, инсон гўзаллиги идеалини, қаҳрамонларнинг кўтаринки романтик руҳини, катта рассомларгагина хос бўлган дилига яқин ғоя ва сюжетлари доирасини, Ғоявий-бадий талқинини ана шундай қабул қилувчилар ҳам топилиб қолади.

Бу борада Ч. Ахмаровнинг шундай сўзлари бор: «Мен ўз асарларимни миниатюраларга ўхшатиб» яратишни ҳеч қачон мақсад қилмаганман ва мақсад қилмайман ҳам. Мен ақл бовар қилмас бадий мактаб яратган машҳур миниатюрочиларнинг асарларини юракдан севаман, ўрганман. Миниатюра

санъати у тасвирлаётган воқеаларнинг, одамларнинг, табиат гўзаллигининг жонлилиги, рангларнинг ҳайратомуз уйғунлиги, рассом туйғуларининг ҳоққонлиги билан мени ҳаяжонга солади. Уни мен тинимсиз қидиришни талаб қилувчи битмас-туганмас хазина, санъатнинг юксак чўққилари сари чорловчи восита, деб биламан. У менинг илхом булоғим, менинг мактубимдир. Миниатюра санъати мен учун буюк итальян рассомлари Жотто ва Мазаччо санъати билан бирдай аҳамиятга эга».

Рассомнинг бу сўзларида унинг ғоявий-бадий концепцияси негизи, ижодий интилишларига ва ишига эстетик қувонч бағишлайдиган чинакам санъатнинг катта, мураккаб йўлларида қўлга кириткан муваффақиятли омили ёрқин ифодаланган.

Эндиликда яна бир мусаввирнинг ижодини ёритар эканмиз, шуни айтиб ўтишимиз керак-ки, ушбу мусаввир кўпроқ портрет жанрида ижод қилган бўлиб ва айнан шу жанрда дунёга танилиб шухрат қозонди.

Портрет жанри Ўзбекистон ранг тасвирчиларининг кучли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда кучли реалистик мактаб таркиб топиши ажойиб портретнавис-рассомлар сулоласини вужудга келтирди. Улар орасида А. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, Р. Чориев, Т. Оганесев. В. Бурмакин каби портрет усуллари жаҳонда кенг тан олинганлиги эътироф этилади. Мустақилликнинг ижобий таъсири ўлароқ, санъатнинг турли йўналиш ва услубларида эркин ижодга йўл очилди. Жумладан портрет жанрида ҳам. Бунинг натижасида портрет замонавий бадий жараёнида етакчи бўлиб қолди. Республикамизнинг етакчи бадий олийгоҳи К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида айнан, реалистик мактаб асосида ўқув машғулотлари олиб борилади. Бу эса рангтасвирнинг реалистик жанрида ижод этган ўтмиш ижодкорларимизнинг бой меросини тан олинганлиги, шунингдек, жаҳон санъати илғор тажрибасини чуқур ўрганишдан далолат бериб, бутун дунёда авангард йўналиш билан бир қаторда, айнан, реалистик йўналиш ривожига эътибор билан қаралганлигини кўп жиҳатдан намоён этади.

1990 йилларда ўзбек рангтасвирида портрет жанрининг асосчиси-етакчи портретнавис, академик **Абдулхак Абдуллаев** эди. Бутун умри давомида у истеъдодли ва маънавий гўзал инсонларга хурматини сақлаб қолди. Мусаввир мўйқаламига мансуб ҳар бир портрет кишиларнинг чуқур маънавий дунёсини акслантирувчи, рассом билан портрет қаҳрамони ва портрет билан томошабин ўртасидаги ҳақиқий ва очиқ муносабатини тақозо этувчи манбадир. 1999 йилда А. Абдуллаевнинг 1984 йилда яратилган машҳур автопортретини турли давр ва ҳалқларга мансуб буюк рассомлар автотўплами, Уффицидаги (Италия) картина галереясига берилиши Ўзбекистон санъати учун оламшумул воқеа бўлди. Яқин давр (2001 й)да эса мусаввир «Офарин» республика Совринининг «Санъатга баҳшида умр» наминацияси билан тақдирланди.

Истиқлолимиз даврида таваллудининг 80 йиллигини ва ижодий фаолиятининг 50 йиллигини нишонлаётган **Рахим Ахмедов** асарлари кишида олам-олам таасуротлар уйғотади.

**Рахим Ахмедов**нинг ҳаёт йўлида у умрини буткул баҳшида этган ижодий интилишлар устозлик фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетган. У ҳаёт мураккабликларига бир умр тайёр яшаб келмоқда, умрнинг қимматли лаҳзаларини банд этувчи жамоатчилик юмушларидан ҳам ўзини четга олмаган. Инсон ва рассом шахсини шакллантирувчи бундай мураккаб ва кўп қиррали жараёнда у ўз истеъдоди, ҳаётидаги ўрнини ҳавас қилсанг арзийдиган даражада эрта англаб етди.

**Рахим Ахмедов** санъатга 1950-йилларда кириб келди. Ўзбек тасвирий санъатининг умумий тараққиёт жараёнида бу йиллар беқиёс катта аҳамиятга эга бўлди.

Россия Бадиий Академиясида таълим олиб, маҳоратини оширган рассом у ерда таълим олиб юрган кезлари рус Ғоявий реализми анъаналарига қатъий амал қилди, лекин тайёр бадиий тизимларни такрорлашдан онгли равишда воз кечди. Чунки бу унинг табиатига батамом ёт бўлиб у ҳамиша ўзлигича қолишга интиларди. Ўрта асрлар қадимий Шарқ анъаналарига ҳос

услугашлик-стилизаторлик Ғояси ҳам уни ўзига жалб қила олмади. У, юксак бадий-миллий анъаналарига чуқур хурмат билан қарагани ҳолда ҳозирги дунёдаги услубга солинган тасвир воситаларининг чекланганлигини ҳам кўра, аниқроғи, рассом сифатида ҳис қила билди. У аввал бошдан миллийлик муаммосини ўзига хос бадий тушуниш, ҳаётий материалга санъаткорона ёндашувда ўз услубини топишга интилди ва унга эришди. Халқ турмуш моҳиятининг ич-ичига нафосат билан кириб бош, халқ характерининг тарихан юзага келтирган собит хусусиятларини аниқлашга интилиш у тутган йўлнинг асосини ташкил этади.

Раҳим Аҳмедов-ботинан миллий рассом. Унинг асарлари бунинг исботи. Зеро, унинг ҳар бир асарини кескин таасуротлар учқуни ёритиб турибди. Сурхондарёлик самимий, очик кўнгил, фавкулотда кучли характерли, дадил, мағрур ва эркин аёлларнинг Ўзбекистон портрет рангтасвирининг мумтоз асарлари бўлиб қолган расомлари айни шундай асарларидир. Рассомнинг турли йилларда чизган ўз рафикасининг портретлари унинг руҳий ва ҳис-туйғулари теран ақл эгаси образига нисбатан бўлган қизиқишидан далолат беради. Қизлари Эльмира ва Нигоранинг портретлари уларнинг болалиги, ўсмирлиги, яқинлашаётган балоғат ёши ҳақидаги рангтасвир қиссасидир.

Натюрмотлар ҳам Раҳим Аҳмедов ижодида алоҳида ўринга эга. Уларда рассомнинг кутилмаганда қуйилиб келувчи ҳис-туйғулар дунёси сезилиб туради. Бу асарлар бехос эркинликка чиққан ижодий куч-қудрат мужассамдек тасаввур уйғотади. (Натюрморт. Мевалар (1999й), (Булдонеж гули 2000 й)

Рассом мўйқаламига мансуб манзаралар эса бутунлай бошқача тарзда намоён бўлади. (Куз 1995), (манзара 1996 й) Бой тажрибага эга рангтасвирчи бу шаҳарда ўзлигини нафис ва нафосат билан ифодалаш воситасини кўрди.

Ярим аср мобайнида яратилган асарлар рассом кўлга киритилган ютуқлар ва унинг Ўзбекистон санъати равнақига кўшган ҳиссаси унутилмас



эканлигини намоён этади. Унинг асарлари оддий бўлмай, эндиликда мозий каридан ўрин олган асримиз тарихи акс этган.

Бадиий ижодининг илк даврида совуқ манзаралар ва мулоҳазали натюрмортлар муаллифи, 1980 йиллар ўрталарига келиб эса, «Инсон тафаккури», ва «Мен инсонман» сингари оддий, шунингдек, тасвири олийжаноб, юксак, кайфият ва хитоб билан ифода этувчи рассом **Жавлон Умарбековни эсласак**, ушбу ўн йиллик ичида томошабинга қувноқ ва ҳатто нимаси биландир Ғайри табиий асар («Таомил», «Кўча чархчиси», «Лўли»)ларни намойиш этиши унинг ижодига бўлган қизиқишини янада жонлантиради.

Ўзининг колорити билан оҳанграбо қўшиқ сингари жаранглаб турувчи «Хаворанг мусикачилар» картинаси гўё узок вақт кутилган тонгдан дарак бераётгандек тасаввур уйғотади. Бу асар маълум даражада унинг 1990-йиллар бошларида вужудга келган туркум картиналарнинг мантиқан зид томонларини тушунтиришга хизмат қилади.

Миллий хусусиятга эга бўлган палитранинг барча қудрати ва бой томонини кўрсатишга бўлган интилиш Ж. Умарбековни тор доирасидаги миллий услубий «чэгара»дан чиқиб кетишга ундайди (ушбу чэгарада-ёркин безакдор ранглар, маиший атрибутлар, шунингдек, ҳаётга ижобий муносабат бир-бирдан аралашиб фикран боғланади). Рухий кайфиятнинг рангин жилоси ва ўзбекона миллий хусусиятлар шубҳасиз кенг ва бойдир. Ж. Умарбеков буни ҳис қилади, унинг ишларида кайфиятнинг кенг гаммаси, оҳанг, жўшқин қиёфали нозик ранглар, халқнинг ўзига хос миллий фазилатлари иштирок этади. 90-йилларнинг бошларида яратилган янги масрур оҳангдаги асарлар юқоридаги фикрларни тўла тасдиқлайди, яъни ўз-ўзини англаш ва уни ижодда эркин кўрсатиш мантиқан Ўзбекистон давлати мустақиллиги жараёни билан боғланади.

Ўзбекистон бадиий маданиятининг XX аср иккинчи ярмидаги тараққиётида намоён бўлган энг муҳим муаммолар ва майллар **Баҳодир Жалолов** ижодида акс этди ва ғоят хусусий-руҳий равишда ўз ифодасини

топди. Миллий ўзига хослик, миллий санъат мактабининг ижодий асосларини излаш ана шундай муаммолардан эди. Бу азалий муаммо Ўзбекистон рассомларини ҳар доим қизиқтириб келган ва ўтган ўн йилликлар мобайнида кўплаб янгича талқинларга сабаб бўлди. Мустақиллик йилларида ҳам унинг ҳал этилиши мураккаб, кўп қиррали, баъзан зиддиятли, карама-қаршиликли кечди. Бу соҳада Б. Жалолов Республиканинг етакчи рангтасвир устаси ҳисобланиб, истиқлол даврида унинг ижоди самарали бўлди. Шу даврда яратилган асарлари 80-йилларда юзага келган асарларининг тадрижий давоми тарзида шаклланиб, мутлоқ янги шакллий ва ёрқин Гоявий-пластик ечимларни ўзида намоён этди. Бинобарин мусаввирларнинг ўзига хос юксак маҳорат, рангтасвир пластик ечимларининг бетакрор нафосати, коинот ва табиат, инсон ва борлик уйғунлашуви, мавжудлик ва руҳият мусаффолиги каби мавзулар ўз муҳимлигини сақлаб қолади.

Мусаввирнинг чизмакашлик истеъдоди яна такрор ва такрор шаклий рангтасвирга мурожат этишга ундайди. Рассомнинг ижодий заковати республикада кечаётган ижтимоий эврилишларга ҳамоҳангдир. Б. Жалоловнинг янги тарихий воқеаликнинг Гоявий қадриятларини акс эттирувчи «Олтин аср» (1999) асари сиёсий воқеаликка муносабат тарзида вужудга келган бўлиб, унда Хумо қушининг қаноти остида отлик Амир Темур ҳомиладор аёл ҳамроҳлигида тасвирланган. Композиция, расм ва ранглар мажмуаси назокати Сальвадор Далининг ҳаёли асарларини ёдга солади. Миллий тимсолларнинг ўарб эстетикаси билан уйғунлашувида мусаввирга хос Шарқ билан ўарбни узвийликда мушоҳада этиш хусусияти аён бўлади.

Мусаввирнинг ҳаётий шакллар олами чэгараларини бузиб, беинтиҳом фантазияларни гавдалантириш истаги маъжозий-силсилавий талқиндаги кўплаб асарларнинг яратилишига олиб келди. У маҳобатли рангтасвир соҳасида аввалгидек шаклий ифодага мойиллигини сақлаб қолса-да, дастгоҳли рангтасвирда ўз ҳаёлотига чексиз эрк беради. Бироқ, у ранг, шакл,

чизиқларни жилолантирар экан, ҳар сафар рангтавирнинг янги имкониятларини ишга солиб, ўзини ҳеч такрорламайди.

Шундай қилиб, 1990 йиллар бошида бир қатор туркум ишлар пайдо бўлди ва уларда декоративлик бошчилик қилар эди. «Борлиқ сирлари» (1999), «Муҳаббат боғи» (1992), «Коинот устунлари Бухоро» (1991), «Темур минораси» (1996) асарлари бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу асарларда чуқур фалсафий ечим ёрқин декоратив ва аппликация композиция тамойиллари билан уйғунлашган. Б. Жалолов баъзи бир композицияларида юмшоқ чизгиларни афзал кўриб «Меърож» (1996), «Шоир ва илҳом париси» (1996) уларда ислом санъати эстетикасини тарғиб этса, бошқаларида эса ўткир ва аниқ шакл ҳамда чизгиларни тасвирлаш билан мудроқ туйғуларни уйғотишга ҳаракат қилади. «Ой нури» (1995), «Кушонлар хотирасига» (1998).

Мусаввир гўё бўёқлар ёрқинлиги ва ранг барангликдан тин олгандек, сокин кайфиятдаги композициялар яратади ва уларда асосий уруғни палотнонинг фактураси ва дурранг жилоларга беради «Чор-минор» (1996), «Туш пайти Бухоро» (1996).

Хулоса қилиб айтганда ушбу юқорида ижоди ёритиб ўтган мусаввирлар М. Набиев, Ғ. Абдурахмонов, Р. Ахмедов, Ч. Ахмаров, Б. Жалоловларнинг тасвирӣ санъат асарларида илгари тақиб остига олинган иймон, эътиқод, дин муаммоларига эътибор ошиб бормоқда. Нэгаки улар асарларида Аждодлар руҳи, хотираси, қадамжолар зиёрати, қадриятлар ушбу рассомлар ижодида ўз ифодасини топган.

### **Назорат саволлари:**

1. Мустақиллик даври тасвирий санъатининг ривожланиши ҳақида маълумот беринг.
2. Талабаларга тасвирий санъат тарихини ўтишда ўзбек халқ рассомлари ижодини ўқитишнинг амалий аҳамияти.
3. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг тасвирий санъатда эришилган ютуқларни ўрганишнинг илмий-назарий асослари.

### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” қонуни. - Т.: Шарқ, 1997.
2. Абдирасилов С. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. - Т.: Илм-Зиё, 2011.

**5-мавзу. Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишда инновациялар узвийлик ва узлуксизлик.**

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИЯЛАР**

**ТАЪЛИМ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МОДЕЛИ**

<b>Вақти – 2 соат</b>	Талабалар сони 20-25 нафар
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Визуал маъруза
<b>Маъруза машғулоти режаси:</b>	1. Ўқитувчи фаолиятида замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг ўрни. 2. Табақалаштириб ўқитишнинг моҳияти ва унинг турлари, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари. 3. Ўқувчилар билан табақалаштирилган ҳолда дарс ўтиш методикаси.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси машғулотларининг замонавий таълими ҳақида маълумот бериш.	
<b>Педагогик вазифалар:</b> - Ўқитувчи фаолиятида замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг ўрни ҳақида тушунча бериш. - Табақалаштириб ўқитишнинг моҳияти ва унинг турлари, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида маълумот бериш. - Ўқувчилар билан табақалаштирилган ҳолда дарс ўтиш методикаси ҳақида маълумот берилади.	<b>Ўқув фаолиятининг натижалари:</b> <b>Талаба:</b> - Ўқитувчи фаолиятида замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг ўрни ҳақида маълумотга эга бўлади; - Табақалаштириб ўқитишнинг моҳияти ва турлари, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида маълумот олади; - Ўқувчилар билан табақалаштирилган ҳолда дарс ўтиш методикасининг аҳамияти ҳақида маълумот олади;
<b>Ўқитиш услуби ва техникаси</b>	Визуал маъруза, оғзаки баён қилиш, «Қандай» диаграммаси, «Б\Б\Б» жадвали.
<b>Ўқитиш воситалари</b>	Ўқув услубий комплекс, ўқув қўлланма, видеопроектор, кўргазмали плакатлар.
<b>Ўқитиш шакли</b>	Жамоа, гуруҳ ва жуфтликда ишлаш.
<b>Ўқитиш шарт-шароитлари</b>	Компьютер ва мультимедиали воситалар билан жиҳозланган аудитория.

## МАШҒУЛОТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

<b>Босқичлар вақти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Педагог</b>	<b>Талаба</b>
<b>1-босқич Кириш (10 мин.)</b>	<p>1.1. Мавзу, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади (1-илова).</p> <p>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади. (2-илова).</p>	<p>1.1. Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>1.2. Ёзиб олади.</p>
<b>2-босқич. Асосий (60 мин.)</b>	<p><b>2.1.</b> Мавзу режасининг биринчи пункти бўйича маъруза қилади. Ўқитувчи фаолиятида замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг ўрни ҳақида тушунча беради. Маъруза бўйича ”Қандай?” усулидан фойдаланган ҳолда кўйидаги савол билан мурожаат қилади: Ўқитувчи фаолиятида қандай замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин? (3-илова).</p> <p><b>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда режанинг иккинчи пункти бўйича маърузани баён этишни давом этади (4-илова).</b> Табақалаштириб ўқитишнинг моҳияти ва унинг турлари, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида талабаларга тушунча беради; Маъруза бўйича ”Қандай?” усулидан фойдаланган ҳолда кўйидаги савол билан мурожаат қилади: Табақалаштириб ўқитишнинг қандай турлари ва унинг қандай ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд? <b>(5-илова).</b></p> <p><b>2.3.</b> Мавзу режасининг учинчи пункти бўйича маъруза қилади. (6-илова). Ўқувчилар билан табақалаштирилган ҳолда дарс ўтиш методикаси ҳақида маълумот беради. Маъруза бўйича ”Қандай?” усулидан фойдаланган ҳолда кўйидаги савол билан мурожаат қилади: Ўқувчилар билан табақалаштирилган ҳолда дарс ўтишнинг қандай методикаси мавжуд ? (6-илова).</p>	<p>2.1. Ўйлайди, жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади.</p> <p>2.2. Ёзади, саволга жавоб беради.</p> <p>2.3. Ёзади, саволга жавоб беради.</p>

<b>3-босқич Яқуний (10 мин.)</b>	3.1. Мавзуга яқун ясайди ва талабалар эътиборини асосий масалага қаратади. 3.2. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Фаол талабалар баҳоланади (2-илова). 3.3 Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (7-илова).	3.1. Эшитади, ўз фикрларига аниқлик киритади. 3.2. Топшириқни ёзиб олади. 3.3. Жавоб ёзади.
--	--	---

**1-илова.**

**Мавзу: Тасвирий санъатни ўқитиш назарияси ва методикаси  
машғулотларининг замонавий таълими.**

**Режа**

1. Ўқитувчи фаолиятида замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг ўрни, моҳияти ва турлари тўғрисида умумий маълумотлар бериш.

2. Даражали ва ихтисослаштирилган табақалаштириш ва ўқувчилар билан табақалаштирилган ҳолда дарс ўтиш методикасининг кетма-кетлиги.

Ўқув машғулотнинг мақсади: Тасвирий санъатни ўқитиш назарияси ва методикаси машғулотларининг замонавий таълими ҳақида умумий методик тавсиялар ва маълумотлар бериш билан биргаликда талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини ошириш.

**2-илова.**

**Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлар**

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши	Мисоллар билан муаммога ечимини топиш	Гуруҳ аъзоларини фаоллиги	Жами Балл.
Баллар	0-5 балл	0-5 балл	0-5 балл	15 балл

15-13 балл - аъло: 12-10 балл - яхши: 9-6 балл - қониқарли

**3-илова**

**ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР**

Тасвирий санъат ўқитувчиси замонавий педагогик технологиялар ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини тинимсиз ўрганиб боради. Бунда қуйидагилар назарда тутилади: 1. Ташхис таълим асосида иш юритиш. 2. Техника воситаларидан кенг фойдаланиш. 3. Модулли ўқитиш методини билиш. 4. Таълим жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш, болаларни ижодий фикрлашга ўргатиш. 5. Таълимга индивидуал ва табақалаштирилган ҳолда ёндошиш. 6. Дарсларни мунозарали ўйин ва мусобақа тарзида ўтказиш ва бошқ.

**“Қандай”** органайзерини тўлдириш

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва  
“Қандай”  
саволи орқали муаммо ҳал қилинади.

Ўқитувчи фаолиятида  
қандай замонавий ахборот  
ва педагогик  
технологиялардан  
фойдаланиш мумкин?

**Қандай?**

**Қандай? Қандай?**

**Қандай? Қандай?**

**Қандай?**

Илғор тажрибани ўрганиб, ундан ўз фаолиятида айрим жиҳатларидан фойдаланиш мумкин. Чунки, мактабни ҳар бир синфда олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади.

Тасвирий санъат ўқитувчиси замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишда, аввало ўз соҳасини яхши билишига боғлиқ. Бунда куйидагилар назарда тутилади:

-тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларининг тарихи ва назариясини билиш;

-ўзбек санъатининг миллий, бадиий анъаналари юзасидан чуқур билимларга эга бўлиш;

-тасвирий малака ва кўникмаларга эга бўлиш ҳамда уни мунтазам такомиллаштириб бориш;

-тасвирий санъатнинг педагогик-психологик асослари ҳақида маълумотларга эга бўлиш;

-тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир илғор замонавий технологияларни чуқур эгаллаган бўлиш;

-тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларининг бирон бир жанрлари бўйича ижодий ишлар билан шуғулланиш;

-ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятига доир тажриба-синов, илмий-методик ишлар билан шуғулланиш;

-тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир тажрибаларни мунтазам ўрганиб бориш;

-тасвирий санъатни ўқитиш методикаси, санъатшуносликка доир адабиётларни ва тадқиқот натижаларини мунтазам ўрганиб бориш;

-мактабда ўқитиладиган барча фанлардан (айниқса, адабиёт, тарих, биология, чизмачилик, меҳнат ва б.) таълим мазмуни билан таниш бўлиши керак.

Ўрта махсус касб-хунар коллежларда ўқувчиларни санъатга ўргатишда таълимнинг замонавий услубларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Касб-хунар коллежларда амалий санъат таълимининг янги мазмунини шакллантиришнинг илғор педагогик технологиялари, замонавий ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув тарбия жараёнининг дидактик жиҳатларини таъминлаш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Амалий машғулотларни ўтишда ноанъанавий методларни қўллаш, унинг имкониятларидан тўғри фойдаланиш ҳар бир педагог учун масъулиятли вазифадир.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарс жараёни лойиҳалаштириб олиниши керак. Бунда ўқитувчи дарсни технологик харитасини тузади, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Мисол тариқасида лойиҳалаштирилган технологик харитасини тавсия қиламиз.

## ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА

Мавзу	Нақш турлари ва улардан композициялар тузиш, ранглаш ва пардозлаш.
<b>Мақсад ва вазифалар</b>	<p><b>Мақсад:</b> Ўқувчиларга нақш турлари (ислими, гирих, гулли гирих ва ҳ.к) ва уларнинг ўзига хослиги ҳақида маълумот бериш, уларни турли шаклда нақш композициялари тузишга ўргатиш.</p> <p><b>Вазифалари:</b> - Ўқувчиларда мавзуга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда мавзу асосида билим ва кўникмаларини шакллантириш на кенгашириш.</p> <p>- Мавзуга оид тарқатилган материалларни ўқувчилар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш, уларнинг билимини баҳолаш.</p>
<b>Ўқув машғулотининг мазмуни</b>	<p>Нақш композицияси ҳақида тушунча. Усимликсимон нақш композицияларни тузиш қоидалари. Нақш элементлари йиғиндисидан турли шаклда нақш композициялари тузиш, нақш композициясини сифатли ранглаш ва пардозлаш.</p>
<b>Ўқув машғулотининг технологи яси</b>	<p><b>Услуб:</b> оғзаки баён қилиш, «Блиц-сўров» усули, «Зинимазина» ва «Чархпалак» технологиялари.</p> <p><b>Шакл:</b> Сухбат-мунозара, амалий машғулот, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш.</p> <p><b>Усуллар:</b> слайд – тақдироти намойиши усули.</p> <p><b>Воситалар:</b> Тарқатма материаллар, адабиётлар ва альбомлар, ижодий материаллар.</p> <p><b>Назорат қилиш:</b> Оғзаки назорат, савол-жавоблар, кузатиш, ўз-ўзини назорат қилиш.</p>



	<b>Баҳолаш:</b> Рағбатлантириш, 5 балли тизим асосида баҳолаш	
<b>Кутилади ган натижалар</b>	<b>Ўқитувчи учун:</b> Мавзуни қисқа вақт ичида барча ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишига эришади. Талабалар фаоллигини оширади. Талабаларда дарсга нисбатан қизиқиш уйғотади. Бир машғулот жараёнида барча талабаларни баҳолайди. Ўқувчилар томонидан ёзма ахборотни мустақил ўрганиш, уни хотирада сақлаш, бошқаларга етказиш, савол бериш ва саволларга жавоб беришга ўргатади.	<b>Талаба учун:</b> Нақш турлари (ислими, гирих, гулли гирих ва ҳ.к) ва уларнинг ўзига хослиги ҳақида маълумотга эга бўлади, турли шаклда нақш композициялари тузиш, ранглаш ва пардозлашга ўрганади. Янги билимларни эгаллайди. Якка ҳолда ва гуруҳ бўлиб ишлашни ўрганади. Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолашни ўрганади.
<b>Келгуси режалар (таҳлил, ўзгаришлар)</b>	<b>Ўқитувчи:</b> Педагогик технологияларни ўзлаштириш ва дарсда тадбиқ этиш, такомил-лаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни ҳаётий воқеалар билан боғлаш. Педагогик маҳоратни ошириш.	<b>Ўқувчи:</b> Матн билан мустақил ишлашни ўрганади. Фикрини равон баён қила олади. Шу мавзу асосида кўшимча материаллар топади, уларни ўрганади. Ўз фикри ва гуруҳ фикрини таҳлил қилиб, бир ечимга келиш малакасини ҳосил қилади.

Ўқув жараёнида ўқувчилар ўқишга, фанга ва ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтириш натижасига эришиш ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Технологиялар жуда хилма-хилдир. Биз улардан мисол тариқасида баъзиларини ташкил этиш ва уларни ўтказиш тартиби ҳақида тўхталамиз.

«Блиц-сўров» усули ўқувчиларни ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантикий фикрлашга, ўрганаётган фани асосида хилма-хил фикрлар, маълумотлар ичидан кераклигини танлаб олишни, шу билан бир қаторда, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга ўз фикрини ўтказиш олиш ҳамда ўз фаолиятини режалаштира олишни ўргатишга қаратилган.

### «БЛИЦ - СЎРОВ» УСУЛИ

№	Мавзу: Нақшларни ранглаш тартиби	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси


1.	Гул, барг, шобарг, баргли гул ва марғула элементларига ранг			<b>4</b>		
2.	Новда элементларига ранг берилади			<b>3</b>		
3.	Нақш заминига ранг берилади			<b>1</b>		
4.	Нақшдаги турли шаклларга ранг берилади			<b>2</b>		
5.	Бофта ва шкифта элементларига ранг			<b>5</b>		

**Баҳолаш мезони: 3 - тўғри жавоб – «қониқарли»; 4- тўғри жавоб – «яхши»; 5 - тўғри жавоб – «аъло»**

Ўқувчиларни дастурда белгиланган мавзлар бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишда ифодалай олишга ўргатишда «Зинама-зина» технологияси катта натижалар беради. Бу технология ўқувчилар билан якка ҳолда ёки гуруҳчаларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

#### ЗИНАМА-ЗИНА ТЕХНОЛОГИЯСИ

		<p><b>ҲОШИЯ НАҚШИ</b></p> <p>Рута - икки томонга уланувчи нақш тақсими, яъни хошия нақш. Унинг ўлчами кўпинча 14-20 см атрофида бўлади. Хошия нақш турли хил бўлиб, унинг меҳробга, хонага ишланишига қараб лўла хошия, ишқом ва бошқа турлари бўлади.</p>
		<p><b>МУНАББАТ НАҚШИ</b></p> <p>Мунаббат - арабча ўстирмоқ деган маънони англатади. Асоси квадрат ёки тўртбурчакдан ташкил топиб, тўрт томонга такрорланадиган нақш тақсими. Катта юзаларни безашда мунаббатдан фойдаланилади. Унинг ўсимликсимон, геометрик ва бошқа композицион турлари мавжуд.</p>
		<p><b>ТУРУНЖ НАҚШИ</b></p> <p>Турунж - арабча “лимон” деган маънони билдиради. Русча медальон. Нақшларда композициянинг марказига чизиладиган нақш тури. Турунж ҳеч қандай нақшга уланмай муаллақ турадиган композиция бўлиб, унинг шакли асрлар давомида ривожланиб, бойитилган.</p>

		<p style="text-align: center;"><b>НАМОЁН НАҚШИ</b></p> <p>Намоён - форсча кўриниш, манзара демакдир. Намоён ҳеч нимага уланмайдиган мустақил композиция бўлиб, мураккаб нақш турига киради. Унинг ўсимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий ва бошқа турлари мавжуд. Намоёнлар симметрик ва ассиметрик тузилишга эга бўлади.</p>
--	---	---

Ўқувчиларга замон талабларига мос равишда таълим-тарбия бериш, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий услубларни қўллаш, уларни мустақил эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошишга ундайди. Шунингдек, келажакда илмий ва ижодий ишларни ташкил этишда ва тадқиқот ишларини олиб боришда, энг асосийси, таълим олишга, фанга ва ўзи танлаган касбга бўлган қизиқишларини ҳамда устозларга нисбатан ҳурмат ҳиссини оширади.

## ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

Мактабда тасвирий санъат дарслари самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологияларнинг самарали турларидан бири ҳисобланган табақалаштирилган таълим муҳим аҳамият касб этади.



## ТАСВИРИЙ САНЪАТНИ ТАБАҚАЛАШТИРИБ ЎҚИТИШ

Табақалаштирилган таълим ўқувчиларни индивидуал тарзда, шунингдек, гуруҳларга ажратиб ўқитиш, уларнинг мустақил ишларини тўғри ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш орқали барча ўқувчилар билим ва малакаларини динамик ривожланишига хизмат қилади. Бунда ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти, лаёқатини ҳисобга олиб, машғулотларни ташкил этиш орқали дарс самарадорлигини оширишига эришади.

Маълумки, ўқувчиларнинг қобилиятлари, фанга қизиқишлари, психологик ва эстетик хусусиятлари турлича бўлганлиги сабабли берилаётган билимлар ва шу асосда ташкил этилаётган методика ҳамма ўқувчиларга бир хил таъсир кўрсатмайди. Натижада, ўқувчилар ўқув материалларини бир хил ўзлаштирмайдилар. Бундан болаларга қандай педагогик таъсир кўрсатилганда кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги муаммоси пайдо бўлади. Унинг самарали йўлларида бири таълимга табақалаштирилган ёндошувдир.

Айрим педагог олимларнинг асарларида табақалаштирилган таълимнинг моҳияти, унинг илмий асослари чуқур таҳлил қилиб берилган, айрим илғор бошланғич синф ўқитувчилари эса бўш ўзлаштирувчи ёки қолоқ ўқувчилар билан индивидуал ишлаш бўйича тажриба тўплаганлар.

Педагогика назариясида педагог олимлар томонидан табақалаштирилган таълимни икки тури қайд қилинади: 1. Даражали табақалаштириш. 2. Ихтисослаштирилган табақалаштириш.

Даражали табақалаштириш икки турга бўлинади:

1. Индивидуал таълим. Бунда ўқувчиларнинг қобилияти ва имкониятларига қараб ҳар бир ўқувчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб борилади.

2. Гуруҳли таълим. Бунда ўқувчиларни қобилияти ва имкониятларига қараб уларни икки ва ундан ортиқ гуруҳларга ажратиб ўқитилади.

Ихтисослаштирилган табақалаштириш эса у ёки бу фанни чуқур ўргатиш, турли касбларга йўналтириш ёки уларни асосларини ўзлаштиришга қаратилган бўлади. Булар қаторига тасвирий санъатни чуқур ўргатадиган мактаблар (синфлар), факультативлар, тўғарақлар киради.

Таълим назарияси ва амалиётида тасвирий санъатдан табақалаштирилган таълимнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- табақалаштирилган мактаблар таълими;
- табақалаштирилган синфлар таълими;
- табақалаштирилган гуруҳлар таълими;
- индивидуаллаштирилган таълим.

Бу йўналишлар ҳам даражали, ҳам ихтисослаштирилган бўлиши мумкин. Кўп йиллардан буён педагогик амалиётда бошқа фанлар қатори тасвирий санъатдан ихтисослаштирилган мактаблар ва синфлар, факультатив курслар фаолият кўрсатмоқдалар.

Табақалаштирилган таълим ҳақида фикр юритганда аввало уни ҳам ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишлик ниҳоятда муҳим. Даражали табақалаштириб ўқитишнинг ижобий жиҳатлари ҳақида тўхталганда қуйидагиларни қайд қилиш лозим. Бунда:

1. Синфдаги барча ўқувчилар дастур материалларини ўзлаштиришга эришадилар.

2. Синфдаги барча ўқувчиларнинг билим ва малакаларида, ижодий ишларида ўсиш кузатилади ва у ўқувчиларни фанга бўлган қизиқишларини оширади.

3. Синфдаги барча ўқувчиларнинг фаоллиги ошади. Чунки, паст ўзлаштирувчилар гуруҳидаги ҳар бир бола юқори ўзлаштирувчилар гуруҳига ўтишга ҳаракат қилади. Юқори ўзлаштирувчилар гуруҳидаги болалар эса паст ўзлаштирувчилар гуруҳига тушиб қолмаслик учун ҳаракат қиладилар.

4. Ўқувчиларни қобилияти ва имкониятларига қараб билимлар берилаётганлиги сабабли, улар томонидан ўқув юкламаларини ўзлаштиришга зўриқиш ҳоллари рўй бермайди.

5. Синфдаги иқтидорли ўқувчиларнинг чуқур ва атрофлича билимлар олишга бўлган эҳтиёжлари ҳам қондирилади.

6. Табақалаштирилган таълим уни демократиялаштириш ва инсонпарварлаштиришга ёрдам беради.

Кўпчилик мутахассислар ўқувчиларни (паст, ўрта, юқори) ўзлаштирувчи болалар гуруҳларига ажратиб ўқитишнинг маъқуллаган ҳолда, уни юқори, шунингдек, паст ўзлаштирувчи болалар фаолиятларида салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам қайд қилишади. Хусусан, улар юқори ўзлаштирувчи болаларда манманлик, бошқалардан ўзларини устун кўйиш ёки уларни менсимаслик, ўзига ортиқча баҳо бериш, бошқалар билан кўпол муомалада бўлиш каби хислатларда кузатилишини қайд қилишади. Шу билан бирга бу тоифадаги болаларда кўрқув қисси ҳам пайдо бўлади. Чунки, улар топшириқларни юқори даражада бажармаганликлари оқибатида юқори гуруҳдан қуйи гуруҳга тушиб қолишлари ҳам мумкин.

Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар эса табақалашган гуруҳларда ўзларини камситилган, ўқуви йўқ деб ҳисоблайдилар. Кўпинча тенгдошлари, ака-ука, ота-оналари орасида ўзларини ақли калта болалардек ҳис этадилар. Натижада улар тушкунликка тушиб, ўқишга ҳаваслари қайтади. Синфдошларига кўшилмай, улар болаларга аралашмайдиган одамови бўлиб қоладилар. Бора-бора бу тоифадаги ўқувчиларга ўқитувчи, ота-оналар, синфдошлари томонидан билдириладиган турли танбеҳ ва дашномлари уларнинг руҳиятига ёмон таъсир кўрсатиши мумкин. Натижада, бу ҳол уларни ҳамма нарсага, ҳар қандай гапларга бефарқ бўлиб қолишлари ва ривожланишдан тўхтаб қолишларига олиб келади. Ўқитувчи табақалаштирилган таълимни амалга оширишга киришар экан, унинг юқорида қайд қилинган ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларига тўғри ёндошиб иш олиб бориши керак бўлади.

Масаланинг ана шу нозик жиҳатларини ҳисобга олиб, болаларни гуруҳга ажратганда синфдаги қобилиятли, қобилиятсиз, ўзлаштирувчи,

Ўзлаштирмовчи, юкори, қуйи сўзларнинг ўрнига оддийгина қилиб биринчи, иккинчи, учинчи гуруҳлар деб қўллаш мақсадга мувофиқдир.

**5-илова.**

**“Қандай”** органиайзерини тўлдириг

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва  
“Қандай”  
саволи орқали муаммо ҳал қилинади.

Табақалаштириб  
ўқитишнинг қандай  
турлари ва унинг қандай  
ижобий ва салбий  
жиҳатлари мавжуд?

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**6-илова**

Табақалаштириб ўқитишнинг самараси катта эканлиги билан бир қаторда унинг мураккаб жиҳатлари ҳам мавжудлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Унинг мураккаблиги ўқитувчининг уч хил даражадаги дастурлар асосида машғулот олиб бориши билан боғлиқ. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ учун тасвирий санъатдан алоҳида дарсликлар, методика, дидактик ва тарқатма материаллар, техника воситалари керак бўладиким, уларсиз машғулотларни талаблар даражасида ташкил этиб бўлмайди. Бу эса қуйидаги йўналишларда ифодаланади:

1. Табақалаштирилган тасвирий санъат таълимини илмий асосларини пухта эгаллаган бўлишлик.

2. Машғулотлар учун зарур бўлган ўқув-методик мажмуалар билан қуролланган бўлишлик.

3. Машғулотлар учун зарур бўлган махсус хона ва моддий-техникавий базага эга бўлишлик.

4. Ўқитувчи ўз фанидан ўқувчиларни билим ва малакалари савияси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлиги в.б.

Муаммонинг қийин ва мураккаб жиҳатларидан бири бу ўқитувчининг ўқувчилар ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлигидир. Маълумки, ҳар бир шахс, ўзича бир дунё, шу қатори тасвирий санъатдан билим малакалари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бунинг устига болалардаги ўзига хослик шунчалик турли-туманки, уларни аниқлаш ниҳоятда мушкул.

Болаларни ҳар жиҳатдан билиш учун ўқитувчи томонидан болалар орасида педагогик ва психологик ташҳис ўтказиши зарур бўлади. Бу иш бевосита куйидагилар билан боғлиқ: ўқувчининг умумий қобилияти, унинг характери, қайси фанга қизиқиши ва уларни қайси даражада билиши, ўқишга бўлган қизиқиши, тасаввур, тафаккур ва ижодий фикрлаш даражаси, фаоллиги ва фантазияси, хотира ва кузатувчанлиги, диққати, ташаббускорлиги, мустақиллиги, уйда машғулотлар учун бўлган шарт-шароитлари в.б. Ташҳисда ўқувчиларни соғлиги ва физиологик ўсишини билиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Юқорида қайд қилинган сифатлар билан бир каторда ўқитувчи ўз фанидан ўқувчининг тасвирий санъатга доир хусусиятларини ҳам билиши керак бўлади. Бу борада ўқитувчи дарс жараёнида ҳар бир боланинг билим ва малакаларидаги ўсишни ҳам билиб туриши зарур.

Ўқувчини билим ва малакасидаги ривожланиш даражасига қараб билим бериш яна шунинг учун ҳам муҳимки, бунда зарурият туғилганда ўқувчиларни у гуруҳдан бу гуруҳга ўтказиш имконини беради.

Даражали табақалаштириб ўқитишнинг яна бир кўриниши мавжуд бўлиб, унда болаларни фанлар бўйича билим ва малакаларининг даражасига қараб эмас, балки умумий тарзда табақалаштирилишидир. Бунда болаларни темпераменти асосий роль ўйнайди. Бундай сифатлар бўйича табақалаштирилганда болалар холериклар, сангвинлар, флегматиклар ва мелонхоликлар гуруҳларидан ташкил топади.

Чунки, ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларга топшириқлар берганда, бирон нарсани талаб қилганда, уларнинг психологик хусусиятларига таяниш самарали кечади. Ишнинг савияси кўп жиҳатдан болаларни ана шу сифатларини билиб, тўғри муносабатда бўлишликка боғлиқдир.

Ўқитувчи болаларнинг диққати, идроки, хотираси, тафаккури, нутқи, ҳис-туйғулари, характери ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиши талаб этилади.

Ўқувчиларнинг билим ва малакалари, ижодий қобилиятлари, қизиқишлари, идрокларини ҳисобга олиб ўтказиладиган педагогик **ташҳис ишлари** куйидаги ташкилий ишлар билан боғлиқ:

-ўқувчилар билимларини аниқлаш учун тест материалларини тайёрлаш;

-ўқувчиларнинг билим ва малакаларини аниқлаш учун анкета ва саволномалар тайёрлаш;

-ўқувчиларни билим ва малакаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

-ўқувчиларни билим ва малакаларини аниқлашга доир дидактик материаллар тайёрлаш;

Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини **ташҳис этиш** билан масаланинг ечими тугамайди. Янги материални баён этиш ва уни ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши учун тегишли методика зарур бўлади. Бу босқичнинг муҳим жиҳатларидан бири ташҳисдан ўтган гуруҳларда ўқувчиларнинг тасвирий санъатдан билимлар ҳажми ва даражасини аниқлашдир. Гап шундаки, янги мавзунини идрок этишга гуруҳдаги барча ўқувчилар тайёрми ёки йўқми, ахир гуруҳдаги барча болаларнинг билим ва малакалари бир хил



эмаску?! Бир гуруҳдаги бир ўқувчи иккинчисига қараганда озми, кўпми кенгроқ ва чуқурроқ билимга эга. Шундай экан, гуруҳдаги барча болаларни ўқитувчи янги материални идрок этиши ва ўзлаштириши учун тайёрлаши лозим бўлади.

Табақалаштириш фақат гуруҳлар бўйича эмас, ҳар бир ўқувчи билан ҳам яккама-якка иш олиб боришни ҳам назарда тутати. У дарс жараёнида, уйга топшириқлар берганда амалга оширилади. Шунингдек, индивидуал таълим фақат бўш ўзлаштирувчи болалар билан ишлашни эмас, бир йўла иқтидорли, қобилиятли болалар билан ишлашни ҳам назарда тутати.

Мактабда тасвирий санъатдан даражали табақалаштиришнинг икки йўналиши тавсия этилади:

1. Ўқувчиларнинг идроки ва қобилиятини ҳисобга олиб табақалаштириш. Бу йўналишга болаларни ўқитувчи тавсия этади.

2. Ўқувчиларни қизиқишига қараб табақалаштириш. Бунда гуруҳларни болаларнинг ўзлари танлайдилар.

Мактабда болаларнинг тасвирий санъатга қизиқиши, идроки, қобилиятларини ҳисобга олиб, уларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Идроки паст, билим ва тушунчаларни секин ва қийин ўзлаштирувчи болалар, уларни ўқишга ҳаваси йўқ ва қобилияти қониқарли эмас, ижодкорлик ҳислатлари сезилмайди.

2. Ўқишга ҳаваси ва қобилияти ўртача, назарий билимларни ўзлаштириши ва ижодкорлиги ўртача.

3. Ўқишга ҳаваси, ижодий қобилияти ва фантазияси кучли, берилаётган билимларни тез ва пухта идрок эта оладилар.

Мана шу хусусиятлар асосида тасвирий санъатдан таълим мазмуни табақалаштирилади. Табақалаштирилган таълим мазмунини, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, у уч тоифага бўлинади:

1. Дастурнинг минимум даражаси. У тасвирий санъат ўқув предметидан таълимнинг давлат стандартларида белгиланган билимларни назарда тутати. Таълим мазмунининг бу тоифасида болаларнинг билим ва малакалари, ижодий қобилиятларини ўстириш минимум даражада бўлади.

2. Дастурнинг ўртача даражаси. Тасвирий санъатдан бериладиган билимлар ва малакалар таълимнинг давлат стандартларида кўрсатилган минимум даражадан юқорироқ бўлади. Ўқувчиларда ижодий фикрлаш ва фантазияни талаб этадиган топшириқлар минимум даражада қолади.

3. Дастурнинг юқори даражаси. Тасвирий санъатдан ўқувчиларнинг идроки, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уларга кенг билим ва чуқур малакалар берадиган, уларнинг ижодкорлигини, истеъдодини рўёбга чиқарадиган машғулотлардан ташкил топади.

Маълумки, даражали табақалаштиришнинг икки йўли мавжуд:

1. Бир синф ўқувчиларидан икки ва ундан ортиқ гуруҳ ташкил этиб ўқитиш.

2. Мактабдаги бир неча параллел синф ўқувчиларидан қуйи, ўрта ва юқори ўзлаштирувчи ўқувчилар синфларини ташкил этиб ўқитиш.

Таълимнинг иккинчи йўли ўқитувчига унчалик катта қийинчилик туғдирмасда, биринчи йўли катта масъулият талаб этади. У анча мураккаб жараён бўлиб, бунда бир вақтнинг ўзида ўқитувчи уч гуруҳ билан иш олиб бориши керак бўлади. Бунда ўқитувчи уч хил таълим мазмуни, дастур ва дарсликлар, турли-туман дидактик материаллар ва турли методикалардан фойдаланади.

Ўқувчиларни табақалаштириб ўқитишнинг муваффақияти кўп жihatдан ўқувчиларни мустақил ишларини тўғри амалга оширишга боғлиқ. Болалар топшириқларни мустақил бажариш кўникмаларига эга бўлганларидагина бу борадаги ишлар самарали кечади. Табақалаштириб ўқитишни муваффақиятли амалга ошириш учун тасвирий санъатдан мустақил ишларни қуйидаги шакллари қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Тарқатма материаллар билан ишлаш.
2. Дарслик билан ишлаш.
3. Компьютер билан ишлаш.
4. Ижодий ишларни бажариш.
5. Китоб ўқиш.
6. Машғулотлар мавзусига доир саёҳат қилиш.
7. Ота-она, мутахассис, дўст-дугоналар билан суҳбат ва мунозаралар қилиш.
8. Топишмоқ ва кроссвордлар ечиш в.б.

Шуни ҳам қайд қилиш лозимки, табақалаштирилган синф ва гуруҳларда ҳар бир гуруҳ учун тузилган таълим мазмунига мос методика қўлланилади. Таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда барча гуруҳ болалари билан машғулотлар фронтал, шунингдек, гуруҳли ёки индивидуал ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Табақалаштирилган гуруҳларга топшириқлар турли шакл ва турли мазмунда ҳам тавсия этилади. Уларнинг асосий шакллари:

1. Ҳар бир гуруҳга тасвирий санъатдан алоҳида мазмун ёки мавзуларда топшириқлар тавсия этиш.

2. Бир неча гуруҳга бир хил мазмун ёки мавзуда, бироқ турли мураккабликда топшириқлар тавсия этиш. Ягона мавзуда топшириқ берилганда уни уч тоифадаги ўқувчилар гуруҳига уч хил мураккабликда тавсия этилади.

3. Гуруҳларнинг айримларида тасвирий санъатдан назарий, бошқасида амалий характердаги машғулотлар олиб бориш.

4. Айрим гуруҳларга ўқувчиларнинг тўла мустақил ишлари учун топшириқлар берилса, бошқаларига ўқитувчининг иштирокида бажариладиган вазифалар тавсия этилади.

5. Табақалаштирилган гуруҳларнинг баъзиларида рангтасвир, бошқаларига ҳайкалтарошлик ёки санъатшунослик асослари бўйича машғулотлар ўтказса бўлади.

6. Айрим гуруҳларда янги материал баён этилса бошқасида ўтилганларини қайтариш ҳам мумкин.

7. Ўқитувчи топшириқларни бир неча вариантларда тавсия этади, ўқувчилар улардан ўзларига маъқули ва кучлари етадиганини танлаб оладилар.

8. Айрим гуруҳлар билан машғулотларни синфда бошқалар билан синфдан ташқарида амалга ошириш.

9. Зарурият туғилганда болалар эркин мавзуларда иш бажаришлари ҳам мумкин.

Табақалаштирилган таълимни амалга оширишда биринчидан, болаларга тасвирий санъатдан бериладиган билим ва малакаларнинг дозаси, топшириқни бажаришга кетадиган вақт, ўқувчининг бу топшириқни бажаришга бўлган лаёқатини ўқитувчи томонидан аниқ тасаввур этилиши лозим. Иккинчидан, таълим мазмунини болалар онгига сингдириш учун методикани тўғри танлаш ҳамда бу методикани амалга оширишга хизмат қиладиган моддий-техникавий асоснинг яратиш муҳимдир.

Бунинг учун ўқитувчи аввалдан дарсга пухта тайёргарлик кўрган, уни сценарийсини атрофлича ва чуқур ишлаб чиққан бўлиши керак. Шу билан бирга ҳар бир дарсда болаларнинг билим ва малакаларидаги ўзгаришларни билиб туриш ҳам аҳамиятлидир. Табақалаштирилган таълимда янги билимларни болалар томонидан ўзлаштирилишига эришиш учун аввалдан уларни тайёрлаш лозим ва бунга ўқувчи тўла ишонч ҳосил қилгандан сўнг янги мавзунини баёнига ўтиши лозим.

**6.1.-илова.**

**“Қандай”** органиайзерини тўлдириш

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва  
“Қандай”  
саволи орқали муаммо ҳал қилинади.

**Ўқувчилар билан  
табақалаштирилган ҳолда  
дарс ўтишининг қандай  
методикаси мавжуд ?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

**Қандай?**

<b>Б\ Б\ Б ЖАДВАЛИ</b>
------------------------

Табақалаштириб ўқитишнинг моҳияти ва турлари, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида нималарни биласиз?

Даражали ва ихтисослаштирилган табақалаштириш таълими ҳақида нималарни билишни хоҳлайсиз?

<b>БИЛАМАН</b>	<b>БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН</b>	<b>БИЛДИМ</b>

### Назорат саволлари:

1. Узлуксиз таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлик.
2. Узлуксиз таълим тизимида тасвирий санъат фанларини ўқитишдаги инновациялар.
3. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда узвийлик ва узлуксизликнинг аҳамияти.
4. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда предметлараро алоқадорлик.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” қонуни. - Т.: Шарқ, 1997.
2. Абдирасилов С. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. - Т.: Илм-Зиё, 2011.
3. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш. Т.: ТДПУ, 2005, - 44 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). Т.: Истеъдод, 2008, - 180 б.

## **6- мавзу. Тасвирий санъат фанларига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялари.**

### **Режа:**

1. Тасвирий санъат ўқитувчисининг маънавий ва касбий сифатларига бўлган замонавий талаблар.
2. Тасвирий санъат фанларига оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялари.

**Таянч иборалар:** Тасвирий санъат, композиция, конструкция, тон, чизиқли қуриш, ранг муносабатлари, портрет, жанр, услуб, классика, ренессанс, антик давр, ҳайкалтарошлик, картина қаламтасвир, формат, олий таълим, рассомлик санъати.

Ўқитувчи касби барча касблар орасида енг фахрлиси ва моҳияти жиҳатидан ниҳоятда жамият учун зарури ҳисобланади. Бу касб жамият ҳаёти, унинг барча жумбокдари ҳақида ёшларга, уларни бутун ҳаёти давомида керак бўладиган билимларни беради. Ёш авлодни юксак ва олийжаноб фазилатлар билан қуроллантиради, кишилардаги нодонлик ва ёмон иллатлар билан қурашишга ўргатади. Кишиларнинг ўтмишдаги тарихий тажрибаларини ёшларга ўтказди. Бу борада жамиятимиз учун воситачилик қилади. Натижада жамиятимиз тараққиёти учун замин яратилади.

Ўқитувчилик касби ҳамма замонларда ҳам маъсулиятли ва шарафли касб эканлиги еътироф этиб келинган. Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёт босқичида бу касб янада катта аҳамият касб етаяпти. Чунки, ўзбек халқи чет ел босқинчи-ларининг кўп йиллик зулми остида ўзининг маънавияти ва маданияти, анъанаси ва урф одатларини унуттаётган еди. Ўзбек халқи олдида турган муҳим вазифаларидан бири ўз-ўзини англаш, миллий истиқлол мафқураси асосида ўз Ватани ва халқига содиқ бўлган, янги баркамол авлодни шакллантиришдан иборат. Бу борада ўқитувчи бениҳоят катта рол ўйнайди.

Барча мутахассислардан фарқли ўлароқ ўқитувчи шундай шахски, у моддий бойликлар ишлаб чиқариши билан эмас, ёш авлодни ички дунёсини,

маънавиятини шакллантириш билан шуғулланади. Бундан бу касбни қийин, бироқ масъулиятли эканлигини билиб олиш мумкин. Бошқа касб мутахассислари ўз фаолиятларида хато қилишлари мумкин бўлсада, муаллим хато қилиши мумкин эмас.

Ўқитувчининг бировларни ўқишга мажбур этиб ўргатиши ҳам, ўзини-ўзи мажбур етиши ҳам оддий иш эмас. Ҳамма гап шундаки, ҳамма ёшлар бир хил эмас. Бировлари ўқишга ўзлари ҳаракат қилсалар, бошқаларни мажбурлаш керак бўлади. Кўпчилик ҳолларда бир эмас, бутун бир жамоани мажбурлаш керак бўлади. Бундай ҳолларда ёшларни ишга жалб етиш, интизомли бўлишга эришиш айниқса оғир кечади. Мақсадга еришиш учун энг аввало шу жамоа орасида обрў қозонмоқ зарур. Ўқитувчилик касбининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у ўз тенгқурлари билан эмас, бо-шқа ёшдагилар билан ишлайди. Ўқитувчи билан болаларнинг ҳаётий тажрибалари, билимлари, дунёқарашларида анча фарқ бор. Бу эса уларни бир-бирларини тез тушуниб етишларига имкон бермайди. Шундай экан, ўқитувчи болаларни ёшлик хусусиятлари, дунёқарашлари, қизиқшялари, билим даражаларини яхиш билиши керак бўлади. Шундагина унинг иши самарали кечиши мумкин.

Ўқитувчи касбининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу касб кишига мамнунлик ва хурсандчилик келтиради. Бу мамнунлик, унга ўз фаолияти натижаларини кўрганида, ўз шогирдларини турмушда, илму-фан ва юксак мансабларни эгаллаганларида, ҳаётда ўз ўринларини топганликларида кўзга яққол ташланади. Шунда, ўқитувчилар ўз меҳнатларини зое кетмаганлитини ҳис этадилар.

Ўқитувчилик касбида истеъдод катта рол ўйнайди. Яъни ўқитувчиликда ўз касбига меҳр, қизиқиш, уни эгаллашга интилиш бўлиши лозим. Бу сифатлар кўпчилик ҳолларда болаларни севганда, болаларнинг шовқин-суронидан, жовдираган кўзларидан завқдантандагина намоён бўлади.

Муаллимлик истеъдоди уни туғма бўлишлигини билдирмайди. Шунга карамасдан, у кишиларда ёшлигидан, очик ёки берк ҳолда пайдо бўлади. Муаллимлик истеъдоди кишиларда болалар билан боғлиқ ҳаётий воқеалар замирида, кишиларнинг ёшлик чоғларида бўлиши ҳам мумкин. Кишиларда бўладиган руҳий бу сифатлар уларни ўқитувчилик касбига қизиқтиради.

Истеъдод кишилар бахти учун курашиш истаги, Ўзбекистоннинг келажаги, буюк давлат куриш учун кураши билан боғланади. Маҳорат ўзбек ўқитувчиси ҳаёт ва жамиятга илтор назар билан қаровчи, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилувчи шахсдир.

Ўқитувчининг яна бир муҳим сифати бу ёшларга намуна, ибрат бўлиш шогирдларига каттиққўл ва ўз ўрнида меҳрибон бўлишда ифодаланади. Масалан, соқоли ўсиб кетган, кийимлари тозаланмай, ёқасининг ятири чиқиб кетган ўқитувчи сўзсиз болаларга ибрат бўла олмайди. Ўқитувчи болаларга фақат тозалик борасида эмас, ҳамма соҳада ибрат бўладиган бўлиши лозим. Хусусан, у одоби, бир сўзлиги, ҳалоллиги, соф виждонлилиги, адолатпарварлиги, меҳрибонлиги билан ажралиб туради.

Болалар ўз хислатларига кўра кузатувчан, кизиқувчан, таҳлидчан бўлиб, ўқитувчиларни доимо кузатиб юрадилар, уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Буни ўқитувчи ҳеч вақт унутмаслиги лозим. Болалардаги бу сифатлар ўқитувчини ўзига нисбатан талабчан бўлишликни тақозо этади. Бу еса, уни доимо ўзи устида мустақил ишлаши, илмий методик адабиётларни, газета ва журналларни мунтазам ўқиб боришга йўллайди. Шу билан бирга, ўқитувчи Республикамизнинг маданий ҳаёти билан бир сафда бориши, концертлар, спектакллар, тасвирий санъат кўрганмаларига доимий равишда бориб туриши зарур бўлади. Бадиий адабиёт ўқиш ҳам ўқитувчига ниҳоятда зарур. Чунки, ўқитувчи ўзининг бадиий маданияти билан ҳам болаларга намуна бўлиши даркор. Ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар орасида энг муҳимларидан бири бу ўқитиладиган барча фанлардан таълим мазмунини ва

уни ўқитиш методикасини яхши билиши ҳисобланади. Чунки, таълим мазмуни ҳам, ўқитиш методлари ҳам борган сари такомиллашиб туради.

Илмий тадқиқотлар ва илғор тажрибалар юзасидан муаллимнинг энг муҳим вазифаларидан бири тадқиқот натижаларини ва илғор тажрибаларни ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, балки бу тажрибада уншгг ўзининг ҳам илгирок етиши ҳисобланади. Бунинг учун у ўз фаолиятида тўхтовсиз тажриба-синов ишларини ўтказиб туриши, бошқаларнинг илғор тажрибаларини ўрганиб бориши керак бўлади.

Юқорида қайд қилинганидек, тасвирий санъат ўқитувчиси болаларнинг психологик хусусиятларини яхши билгандагина у кутилган натижаларга ериша олади. Бу нарса кўпроқ ўқитувчининг кузатувчанлигига боғлиқ. У фақат теварак-атрофдаги воқеа ва ходисаларнигина эмас, болаларда ва уларнинг ҳаракатларида содир бўлаётган жараёнларни кузатиб бориши, улардан тегишли хулосалар чиқариб олишлари, шунга яраша тегишли чоралар кўриши керак бўлади. Кузатувчан ўқитувчи бир вақтнинг ўзида жуда кўп жараёнларни ҳаёлидан ўтказди. Хусусан, дарс бераётганда, қайси бола нима ҳақида ўйлапти, нэга шундай ҳаракатлар қилапти, рост гапираяптими ёки ёлғонми, қайси болаларга ёрдам бериш керагу, қайсинисига шарт эмас, қайси болалар машғулотга қизиқаяптилар, қайсилари йўқ в.б. Ўқитувчининг хотираси яхши бўлмаса, у ўқитувчилик қилиши мумкин эмас. Акс ҳолда, болалар ўртасида зиддиятларни келиб чиқиши табиийдир. Ўқитувчи машғулот жараёнида кўп қиррали фикр юритади. Биринчидан, болаларга бериш керак бўлган билимларни хотирлайди, иккинчидан бериладиган билимларни эгаллаш, тез етказиш йўллари ҳақида ўйлайди, учинчидан болаларга берилаётган билимларни ўзлаштираяптиларми ёки йўқми? Ўқитувчининг бундай ақлшй фаолияти тафаккур деб юритилади. Бу нарса ўқитувчини тафаккури ҳар жиҳатдан ривожланган бўлишини кўрсатади. Агарда бола ўқув материални яхши ўзлаштира олмаса, унинг сабабларини излаши, шу мақсадда, у билан суҳбатлашиши, уни кузатиши, ота-оналари



билан мулоқотда бўлиши керак бўлади. Бу еса ўқитувчининг тўхтовсиз ўйлаши, таълим жараёнларини такомиллаштириб боришини талаб этади.

Ўқитувчининг психик жараёнларидан ҳисобланган тасаввур. унинг фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Агарда унинг бу хусусияти яхши ривожланган бўлса, у магггулотларда нарсалар ва ходисалар-нинг ўлчови, шакли, ранги, тузилиши, ҳолати, ҳаракати каби-ларни тезда ва жонли тасаввур етиб, уларни болалар онгига осонгина етказа олади. Натижада, унинг болаларга берадиган маълумот ва тушунчалари ишонарли чиқади. Тасаввури яхши ривожланган ўқитувчилар ўзларининг гаплари болаларга қандай таъсир кўрса-тиши, қандай фикр туғилишини оддандан била оладилар ва шун-га яраша ўзларини тайёрлайдилар.

Ўқитувчи фаолиятида нутқ бениҳоят катта рол ўйнайди. Нутқи йўқ ўқитувчининг болаларга таълимий ҳам, тарбиявий таъсири ҳам юқори бўлмайди. Нутқ орқали у санъат асарлари юзасидан суҳбат, мунозара қилиши мумкин. Ўз нутқида ўқитувчи фақат лексика, фонетика, талаффуз, гап тузиш, урғуларни жой-жойига қўйиши билан чэгараланиб қолмасдан балки, унинг таъсирчанлиги ва ифодали бўлишига эътибор бермоғи лозим. Шунингдек, бу нутқ тушунарли ва болаларнинг ҳиссиётига таъсир кўрсата оладиган, марокди, жонли, аниқ, равшан, сермазмун бўлгандагина яхши самара беради. Лекин, бу нутқни ашулага айлантириб юбориш керак эмас. Нутқ зерикарли, узундан-узун, ҳаддан зиёд баланд ёки паст, бир хил оҳангда бўлмаслиги лозим. Бундай нутқдар болаларни эътиборини сусайтириши ёки асабийлаштириши мумкин. Нутқ керак жойида баландроқ ёки пастроқ оҳангда бўлгани маъқул.

Ўқитувчи «актёр» бўлиши лозим дейишади. Чунки, синфдатурли хил вазиятлар пайдо бўлади. Болалар ўртасида ёки ўқитувчи ва болаларнинг ўрталарида шундай оғир вазиятлар бўлиб қолганда, унинг актёрларга хос хислатлари ёрдам беради. Ўқитувчи бирор бўлган ёки бўлмаган воқеани сўзлаганда, уни фақат нутқ билан эмас, ҳатги-ҳаракатлари билан шундай

тушунтириши лозимки, болалар унинг бу гапларига ҳеч иккиланмасдан ишонсинлар.

Одатда ўқитувчи болалар каби ҳиссиётга бой бўлса яхши ўқитувчи бўлади. Яхши ўқитувчи болаларнинг қилаётган ибратли ишлари, яхши жавобларидан мамнун бўлибгина қўлмай, балки, улардан қувонади, завқланади, уларга бўлган муҳаббати янада ошади. Муаллимлар болаларни севиб, уларни камчиликларига бефарқ бўлиб қолишлари, уларни хаддан ташқари еркалаб, талтайтириб юборишлари тўғри эмас. Акс ҳолда болаларда манмансираш, бошқаларни менсимаслик каби аломатлар пайдо бўлади. Муҳими шундаки, ўқитувчи, ўз ўқувчисининг муваффақиятидан қанчалик мам-нун бўлмасин, қанчалик ҳиссиётлари жўш урмасин, у ўзининг ташқи ҳаракатлари, овозининг оҳанги билан ҳам хурсандлигини сездирмаслиги лозим. Акс ҳолда, болалар устозларнинг бу руҳий кечинмаларини суистемол қиладилар, манманлик, мақтанчоғлик каби салбий сифатларни ўзларша еп кўрадиган бўлиб қоладилар.

Ўқитувчида ирода бўлмаса, у узоқ вақт ишлай олмайди. Ирода, ҳам тоқат, ҳам чидам, ҳам интизомли бўлиш каби сифатларни ўз ичига олади. Муаллимлик шундай бир мураккаб касбки, унда ироданиш бўлмаслиги, ўқитувчини ниҳоятда нохуш аҳволга тушириб қўйиши мумкин. Айрим ҳолларда у ўқитувчини ўз касбларини тарк етиш даражасигача олиб боради. Ўқитувчиларга хос хусусиятлардан яна бири, бу унинг эстетик дидли, озода ва батартибли бўлишлигидир. Бу сифатнинг ўқитувчида бўлишлиги ниҳоятда аҳамиятлидир. Шунини алоҳида қайд етиш лозимки, болалар ўқитувчига нисбатан ниҳоятда таҳлидчан бўлиб, кўнгинча унга ўхшашга ҳаракат қиладилар. Ўқитувчи эстетик дидли ва озода бўлса, болалар ҳам шундай бўлади. Ўқитувчи ҳақиқий гўзал нарсаларни сунъий гўзалликдан фарқлай билиши, гўзаллик ҳар қандай нарсада ва ҳаракатда бўлишлигини, унинг моҳиятини тушуниб етиши зарур.

Ўқитувчи маҳорати. Маҳоратли ўқитувчида ўз соҳасига доир билим ва малакаларни, педагогик ва психологик зарур билимларни бўлишлиги етарли

эмас. У бошқа оддий ўқитувчилардан бир поғона юқорида туради. У илтор педагогик технологияларни эгаллаш билан бир қаторда ўзи ҳам бу технологияларни яраққда иштирок етади. У пухта билимлар бериш билан бирга ҳар қандай педагогик оғир шароитлардан осонгина чиқиб кетади. У доимо изланиш, болалар устида тажриба-синов ишларини ўтказиб туради.

Маҳоратли ўқитувчи хоҳдарсда, хоҳдарсдан ташқари вақтларда бўлмасин ўз ўқувчиларини бир дақиқа эътибордан қочирмаслиги, уларни ҳар бирини кўриб, кузатиб туриши, улар шу вақтда нималар ҳақида ўйлаётганликлари, уларнинг қандай орзу-умид ва ташвишлар билан яшаётганликларини билиши, улар билан шунга яраша иш олиб бориши керак бўлади.

Мохир ўқитувчининг болаларни севиши, уларга инсон сифагада муносабатда бўлиши етарли эмас. Унинг маҳоратга еришуви икки компонентдан ташкид топади: 1.Тафаккур, ақл-идрок. 2.Тажриба. Ўқитувчи маҳоратининг асосини эса авволо касбий билимлар эгаллайди. Бундай билимларга эга бўлган ўқитувчи дарс вақтида болаларга кўпроқ билим ва малакалар беришда кдйналмайди. Дарсда еса у кўпроқ билимларни қандай йўллар билан етказиш ҳақида ўйлайди. Педагогик маҳоратга эга бўлган ўқитувчи ўз фаолиятида қуйидагиларга алоҳида эътибор беради:

- синфда одоб ва интизомга қатъий риоя қилиш;

- ўқувчиларни ўқишга қизиқтира олиш;

- болалар психологиясини яхши билиш;

- ўқувчи билим ва малакалари даражасини билиш ва шунга яраша улар билан муносабатда бўлиш, таълимий ишларни олиб бориш;

- машғулотларда болаларга индивидуал ва табақадаштирилган ҳодда муносабатда бўлиш;

- доим тетик, синфда пайдо бўлган турли муаммо ёки зиддиятларни тўғри баҳолай олиш, соғлом фикр юритиш;

Ўқитувчи болаларни мажбурлаб, зўрлаб, зулм ўтказиш йўли билан эмас, тушунтириш, ишонтириш, педагогик тактни саклаган ҳолда хушмуомалалик билан иш олиб боргандагина, яхши натижага ериша олади.

Маҳоратга эга бўлишнинг бир қатор йўллари бор:

- ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил этиш;
- ўз дарсида илғор педагогик технологиялар юзасидан тажриба-синов ишларини олиб бориш;
- ўзининг шахсий методикасига эга бўлиш, унга интилиш;
- болаларни тўхтовсиз кузатиб юриш, эътибордан қочирмаслик;
- таълимни ташхис орқали амалга ошириш;
- ҳар бир бола билан олиб борилаётган индивидуал ишни чала ёки ярим йўлда ташлаб кетмаслик, уни охирига етказиш;
- ўз ишига сидқидилдан ёндошиш, завқ-шавқ билан меҳнат қилиш, тушкунликка тушмаслик;

Ўқитувчилик маҳорати ҳар бир боланинг кўнглига, дилига йўл топа билишлик, у билан тил топа билишлик, бир-бирларини тўлик билишликлариди ҳам ифодаланади. Шунинг учун ўқитувчи буни доимо ўз эътиборида сақлаши лозим.

Маҳоратли ўқитувчи бўлиш учун, уни шунчаки одобли бўлиши етарли эмас. У одобнинг юксак намунасига эга бўлиши лозим. Бу сифат ўқитувчидан инсонпарварликни, ҳар қандай оғир шароитларда ҳам ўзини тута бшшшликни, сабр-тоқатли, тавозе ва одобли, саҳоватли, ҳимматли, мурувватли бўлишликни, хайрихоҳликни талаб этади. Бу сифатлар ўқитувчида ўз-ўзидан эмас, тўхтовсиз меҳнат қилиш, ўрганиш, ижод қилиш, болалар таълими юзасидан тажриба-синов ишларини ўтказиш, иш натижалари юзасидан ўртоқлашиш, муҳокама ўтказиш жараёнида ҳосил бўлади.

Ўқитувчининг маҳоратли бўлиши кўп жиҳатдан унинг маданиятли бўлишига ҳам боғлиқ. Бунда кўпроқ ахлоқий ва естетик маданият назарда туғилади. Маҳоратли ўқитувчи ўз ишига ўта масъулиятли ва талабчан бўлади, у доимо ўзини муаллимлик маҳоратини қанчалик уддасидан чиққанлигини текшириб бориши, бола онги ва қалбига йўл тоғашига ҳаракат қилиши керак бўлади. Маҳоратли ўқитувчи уни 30-40 синчков

қоракўз кузатиб турганлигини, уни маънавий маданияти, адолатпарварлиги, ташқи қиёфаси, меҳрибонлигидан болалар намуна олишларини доимо ёдда тутиши лозим.

Моҳир ўқитувчи замонавий педагогиктехнологиялар ва илғор ўқитувчиларнинг тажрибаларини тинимсиз ўрганиб боради. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

- 1.Ташҳис таълим асосида иш юритиш.
  - 2.Техника воситаларидан кенг фойдаланиш.
  - 3.Модулли ўқитиш методини билиш.
  - 4.Таълим жараёнида муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш, бо-лаларни ижодий фикрлашга ўргатиш.
  - 5.Таълимга индивидуал ва табақалаштирилган ҳодда ёндошиш.
- б.Дарсларни мунозарали ўин ва мусобақа тарзида ўтказиш в.б.

Илғор тажрибани ўрганиш, ундан кўр-кўрона ўз фаолиятида фойдаланиш деган маънони билдирмайди. Унинг айрим жиҳатла-ридангина фойдаланиш мумкин. Чунки, ҳар бир мактабни, ҳар бир синфни, ҳар бир ўқувчини, у ерда олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос хусусиятлари бўлади.

Ҳар бир ўқитувчи маҳорати, аввало ўз соҳасини яхши билишига боғлиқ. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

- тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларини тарихи ва назариясини билиш;
- ўзбек санъатининг миллий, бадиий анъаналари юзасидан туқур билимларга эга бўлиш;
- тасвирий малака ва кўникмаларга эга бўлиш ҳамда уни мунтазам такомиллаштириб бориш;
- тасвирий санъатнинг педагогик-психологик асослари ҳақида маълумотларга эга бўлиш;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир илғор замонавий технологияларни чуқур эгаллаган бўлиш;

- тасвирий, амалий ва меъморчилик санъатларининг у ёки бу тури ёки жанрлари бўйича ижодий ишлар билан шуғулланиш;
- ўқувчиларнинг тасвирий фаолиятга доир тўхтовсиз тажриба-синов, илмий-методик ишлар билан шуғулланиш;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир илғор тажрибаларни мунтазам ўрганиб бориш;
- тасвирий санъатни ўқитиш методикаси, санъашуносликка доир адабиётларни ва тадқиқот натижаларини мунтазам ўрганиб бориш;
- мактабда ўқитиладиган барча фанлардан (айниқса, адабиёт, тарих, математика, биология, чизмачилик, меҳнат в.б.) таълим мазмуни билан танишган бўлишлик.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бир ўқитувчи бошқа бир ўқитувчи методикасини ўрганиб, шу асосда тўлиқ иш олиб бориши мумкин эмас. Ҳар бир ўқитувчи ўзининг шахсий ўқитиш методикасига эга бўлиши лозим. Чунки, ўқитиш ишларида ягона рецептдан фойдаланиб бўлмайди. Ҳар бир таълим-тарбия рецепти ҳар бир туман, мактаб, ўқитувчининг иш шароити ва ўзига хос хусусиятлари, асосида белгиланади.

Алишер Навоий ўқитувчилик касбининг ниҳоятда шарафли эканлигини ўзининг «Маҳбуб ул-кулуб» асарида қайд қилади.

Ҳақ йўлида сента ҳарф ўргатмиш ранж ила, айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Юқорида қайд қилинган фикрлардан ўқитувчилик касбини мураккаб, оғир, мушкул касб экан, деган хулоса чиқармаслик ва тушкунликка тушмаслик лозим. Ўз ишига масъулият билан караган ҳар бир ўқитувчи моҳир муаллим бўлиб етишиш муқаррардир. Шунингдек, ўқитувчилик касби қанчагшк машаққатли бўлмасин, унинг ша-рафли касб эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Ҳозирда илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда рўй берган каш-фиётлар ҳамда улар юзасидан тўпланган ахборотлар, умумий ўрта таълим мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Бу еса ўз ўрнида таълим мазмуши кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади. Бу муаммо ҳар

бир ўқитувчидан янги кашфиёглар, янгиликлар, ўқитишдаги замонавий технологиялар билан мунтазам танишиб туриш кераклигани талаб этади. Акс холда, ўқитувчи замон билан ҳамнафас равишда ўз ишини (ашкил ета олмайди. Ўқитувчи замон талаблари даражасида дарс ўтиши учун мунтазам равишда ўз малакаси ва билимларини ошириб юбориши керак бўлади. Униш икки йўли мавжуд:

1.Махсус малакани ошириш курсларидан ўтиш.

2.Ўз билим ва малакаларини мустакил равишда ошириб бориш.

Малака ошириш курсларида билим олиш беш йидца бир марта амалга оширилиши сабабли у ўқитувчига давр билан ҳамнафас бўли-шига етарлича имкон бермайди. Беш йил давомида илм-фан, маданшгг ва бошқа сохалар ўзгаради, янгиликлар билан тўлиб боради. Демак, муаллим кундалик жараён билан танишиб бориши, ўқиб, ўрганиб, ўзлаштириб бориши фойдадан холи бўлмайди. Мактаб тасвирий санъат ўқитувчисишгг фаолият катор йўналишларда амалга оширилади.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўқитувчилик касбига қўйиладиган замонавий талаблар.
2. Бўлажак тасврий санъат ўқитувчисининг касбий фаолият ҳақида маълумот беринг.
3. Тасвирий санъат асосларини ўргатиш тизими қандай босқичлардан иборат?
4. Тасвирий санъатни ўқитиш методикасига доир замонавий технологияларни қўллаш ҳақида маълумот беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида" қонуни. - Т.: Шарқ, 1997.
2. Абдирасилов С. Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси. - Т.: Илм-Зиё, 2011.
3. Ишмухамедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш. Т.: ТДПУ, 2005, - 44 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). Т.: Истеъдод, 2008, - 180 б.

## **7 мавзу. Илмий ва фундаментал фан соҳасида илмий изланишлар олиб бориш.**

### **Режа**

1. Илмий тадқиқот методологияси.
2. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш.

**Таянч иборалар:** Абстрактлаштириш, долзарблик, тадқиқот долзарблигини асослаш, таҳлил, аналогия, аннотация, суҳбат, илмий мавзулар турлари, фараз (гипотеза), дедукция, диссертация, сарлавҳа, идеаллаштириш, индукция, таснифлаш, аниқлаштириш, магистратура, тадқиқот услубиёти (технологияси), методология, моделлаштириш, мониторинг, кузатиш, илмий муаммо, янгилик, умумлаштириш.

### **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ**

1. Илмий тадқиқот дебочаси.
2. Магистрлик диссертацияси мавзуини танлаш ва ифодалаш.
3. Тадқиқотнинг долзарблиги, янгилиги ва амалий аҳамиятини белгилаш ва асослаш.
4. Муаммонинг изланиши ва ифодаланиши.
5. Фараз (гипотеза)ларнинг илгари сурилиши ва ифодаланиши.
6. Тадқиқот мақсадининг белгиланиши ва вазифаларнинг қўйилиши. Тадқиқот услубларининг танланиши.
7. Илмий-тадқиқотчилик ишининг режалаштирилиши.

### **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ДЕБОЧАСИ**

Илмий тадқиқот: асосий категориялар ва тушунчалар Илмий тадқиқотнинг муваффақиятли яқунланиши шартлари

Тадқиқотчилик фаолиятининг процессуал тузилмаси Магистрлик диссертацияси ишининг процессуал тузилмаси

Магистрлик диссертацияси: умумий тушунча Магистрлик диссертацияси ишининг процессуал тузилмаси

Магистр илмий ишининг натижалари, кўрсаткичлари ва уни баҳолаш мезонлари

### **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТГА КИРИШИШ**

Магистрантларнинг илмий-тадқиқотчилик фаолияти ХХІ аср фани муваффақиятининг гаровидир. Қадимги даврлардан то бугунги кунгача фан умуман жамиятга ва алоҳида ҳар бир кишига хизмат қилади. Бугунги кунда бизни ўраб турган жамики нарсалар - бу инсон илмий фаолиятининг амалий шакллари бўлиб ҳисобланадиган технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёни орқали моддий бойликларда мужассам бўлган ақлий иш маҳсулидир.

Илмий фаолият методологиясини англаб олиш учун аввал-бошда кириш тартибида айрим назарий жиҳатлар, асосий категориялар ва



тушунчалар устида мушоҳада юритиш керак бўлади - ушбу боб шу мавзуга багишланади.

## **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ: АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР**

**Илмий иш** бошқа ҳар қандай ишдан ўзининг **мақсади** - янги илмий билимни олиши билан фарқ қилади. Айни шу иш жараёнида воқелик ҳақидаги объектив билимлар ишлаб чиқилади ва бир тизимга солинади.

Бироқ фанда қандайдир бир янги илмий фактни аниқлаш камлик қилади, унга фан позициясидан туриб изоҳ бериш, унинг умумий билишга оид, назарий ёки амалий аҳамиятини кўрсатиш, шунингдек илгари маълум бўлмаган янги жараёнлар ва ҳодисаларни олдиндан кўра билиш талаб этилади.

Илмий иш бу аввало қатъий режали фаолиятдир. Гарчи фанда тасодифий кашфиётлар қилиниб турсада, лекин фақат режали, замонавий воситалар билан пухта қуролланган илмий тадқиқот табиат ва жамиятдаги объектив қонуниятларни очиш ва теран билишга имкон беради. Шундан кейин аввал-бошдаги фикрнинг аниқ мақсадни кўзлаб ишланишини давом эттириш, олдиндан мўлжалланган тадқиқот схемасини аниқлаштириш, ўзгартириш, унга кўшимчалар қилиш жараёни кечади.

**Илмий тадқиқот.** Унинг умумий мақсади қуйидаги эҳтиёжларга жавоб берадиган назарияни қуришдан иборат:

1. фактларни таҳлил этиш, таснифлаш ва бир тизимга солиш (синтез қилиш);
2. реал оламнинг аниқ фактларини талқин қилиш ва англаб олиш;
3. янги натижаларни олдиндан айтиб бериш ва ҳодисалар ривожини башорат қилиш.

### **Назария ва амалиёт.**

Назария билан амалиёт ўртасида методология ва услубиёт орқали амал қиладиган мураккаб муносабатлар қарор топган бўлиб, уларни қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин:

**Амалиёт** ўз фаолиятининг истиқболларини тўғри белгилаш учун **назарияга муҳтождир.**

### **Назария**

#### **Методология**

#### **Услубиёт**

#### **Амалиёт**

**Назария** ўз башорат-ларини реал қуриш учун **амалиётга муҳтождир.**

**Методология** - бу илмий-тадқиқотчилик фаолиятининг илмий тамойиллари ва усуллари тизими ҳақидаги таълимот.

Билиш жараёнида методология тадқиқот объектига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади ва билиш натижаларини олдиндан белгилаб беради.

**Тадқиқот услубиёти (технологияси)** - тадқиқот усулларининг бир тизимли мажмуи, тадқиқот услублари, усуллари, техникаларини қўлланиш ва улар ёрдамида олинган натижаларни талқин қилиш қоидалари тизими.

Услубиёт ўрганиладиган объект характериға, тадқиқот методологияси, мақсадларига, ишлаб чиқилган услублар, тадқиқотчи малакасининг умумий даражасига боғлиқ бўлади.

**Илмий тадқиқот услуби** бу муайян билиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда муайян билиш вазифаларини ҳал этишга қаратилган ақлий ва (ёки)

### **ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ**

**Йўналиш олиш** - тадқиқотни амалга оширишнинг предметли соҳасини ажратиш. **Муаммоларни белгилаш** - бўлмаган аниқ масалани аниқлаш муаммони - ҳозирги вақтда жавоби ва идрок этиш; тадқиқот мақсадини қўйиш.

**Услубларни белгилаш**- тадқиқот услублари, услубиётларини танлаш ва асослаш.

**Тадқиқот чэгараларини** танлаш тамойилини белгилаш **аниқлаш ва** тадқиқот материалларини.

**Режалаштириш** тадқиқотни ўтказиш учун амаллар тадқиқотнинг изчил вазифаларини ифодалаш; изчиллигини тақсимлаш.

**ўтказиш** - эмпирик материални ва ўтказиш; олинган маълумотларни умумлаштирилиши, қиёсланиши, таҳлил **эксперимент**.

**Материал йиғиш** экспериментни қўйиш дастлабки тизимга келтириш.

**Таҳлил** - маълумотларнинг этилиши, талқин қилиниши.

**Рефлексия** - ўзининг хулосаларини олинган хулосаларга, тадқиқотни ўтказиш жараёни, илгари мавжуд бўлган билимлар ва маълумотларга таққослаш.

### **МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ: УМУМИЙ ТУШУНЧА**

**Диссертация (лотинчадан таржимаси - тадқиқот, мулоҳаза)** - муайян илмий (академик) малакани (даражани) олиш мақсадида махсус тайёрланган, оммавий муҳокамага ва ҳимояга қўйиладиган асар.

**Магистрлик диссертацияси** - магистрни тайёрлаш бўйича асосий касбий таълим дастурига ўқитишнинг якунловчи босқичида талаба-магистрант томонидан илмий раҳбар раҳбарлигида мустақил бажариладиган илмий йўналишдаги якуний малака иши.

Магистрлик диссертацияси номзодлик ва докторлик ишидан жиддий фарқ қилади. У кўпроқўқув-тадқиқотчилик иши бўлади. Иш ҳимоя қилинганидан сўнг магистр деган академик (илмий эмас) даражаси берилади.

**Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар**

Магистрлик диссертацияси қуйидагича бўлиши керак:

- муаллиф томонидан ҳимояга олиб чиқиладиган натижалар ва илмий қоидалар мажмуини ўз ичига олиши, ички бирликка эга бўлиши лозим;

- муаллифнинг назарий билимлар ва амалий кўникмаларни қўллаб мустақил тарзда илмий изланиш олиб бориш, касбий муаммоларни кўра олиш, тадқиқот вазифаларини ва уларни ҳал этиш услубларини ифодалаш қобилияти ҳақида далолат бериши керак.

- Назарий тадқиқотлар натижалари, илмий муаммоларни ҳал этишга нисбатан янгича методологик ёндашувларни, шунингдек амалий тусдаги вазифалар ечимини ифодалаш лозим.

## **МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ УСТИДАГИ ИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ**

Тадқиқотни ўтказишга тайёргарлик: йўналиш олиш 1 – босқич муаммоларни белгилаш

### **Магистрант амалларининг изчиллиги**

Объект соҳасини, объектни, тадқиқот предметини белгилайди.

Мавзуни, муаммони танлайди ва ифодалайди, уларнинг долзарблигини асослайди.

Илмий адабиётларни ўрганadi ва мавзуни аниқлаштиради. Фараз (гипотезани) ифодалайди.

Тадқиқот мақсадлари ва вазифаларини ифодалайди.

## **2 -босқич Тадқиқот услубларининг белгиланиши. Режалаштириш**

### **Магистрант амалларининг изчиллиги**

Тадқиқот услублари, услубиётини танлайди ва асослайди. Тадқиқот мавзуининг чегараларини белгилайди. Тадқиқотнинг ўтказилишини режалаштиради.

### **3 босқич Тадқиқотнинг ўтказилиши**

Магистрант амалларининг изчиллиги. Тадқиқот материалларини йиғadi, экспериментни қўяди ва ўтказadi. Материалларни бир тизимга солади ва ишлайди. Маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қилади, талқин этади, хулосалар чиқаради. Тадқиқот жараёнида олган ўз хулосаларини илгари мавжуд бўлган билимлар ва маълумотларга солиштиради

### **4 - босқич**

### **Тадқиқот натижаларини расмийлаштириш**

Магистрант амалларининг изчиллиги

Магистрлик диссертацияси тузилмаси ва расмийлаштирилишига қўйилган талабларга мувофиқ равишда шундай диссертацияни ёзади

## **5 -босқич Тадқиқот натижаларининг тақдими ва химояси**

Магистрант амалларининг изчиллиги Формал талабларга мувофиқ равишда ўз ишини тақдим этади.

## **Магистрант Илмий Ишининг Натижалари, Кўрсаткичларива Унибаҳолашмезонлари**

### **I Магистрант илмий ишининг натижалари**

Жамиятга номаълум бўлган феномен баёни (ва изоҳи). Келгусидаги вазиятларни башорат қилишга имкон берадиган. Қонуниятларнинг аниқланиши

Келгусидаги вазиятнинг *башорати*

*Ўрганилган феномен дефиницияси*, яъни янги феноменнинг таърифини ва номини ифодалаш (тушунча таърифи).

Феноменларнинг ўхшаш белгиларини абстрактлаштириш асосида уларни *таснифлаш* (ёки бир тизимга солиш).

Шунга ўхшаш феноменларни тадқиқ этишга имкон берадиган *услубнинг ишлаб чиқилиши (баёни)*.

Сохта ғоянинг *инкор қилиниши* ёки ҳақиқийлиги шубҳа остида бўлган ғоянинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш.

Объект ҳақидаги билимни предметли нуқтаи назар остида жамлайдиган *назариянинг қурилиши*.

### **МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ МАВЗУИНИНГ ТАНЛАНИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ**

Илмий тадқиқот мавзуини танлаш учун асослар. Мавзунинг танланишини белгиловчи омиллар:

- Мавзуни танлаш усуллари ва воситалари
- Мавзунинг ифодаланишини белгиловчи тамойиллар ва талаблар
- Магистрлик диссертацияси номини ифодалашнинг процессуал тузилиши

### **МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ НОМИНИ ТАНЛАШ ВА ИФОДАЛАШ**

Сиз бу бобда «илмий мавзу», «илмий йўналиш» «илмий муаммо» тушунчалари, илмий тадқиқотлар турлари, магистрлик диссертацияси мавзуини танлаш усуллари ва шартлари, уни ифодалаш алгоритми, тадқиқот «объекти» ва «предмети» тушунчалари, илмий тадқиқот мавзуини ифодалашни белгиловчи тамойиллар билан танишасиз.

### **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАВЗУИНИ ТАНЛАШ УЧУН АСОСЛАР**

**Илмий мавзу** бу ечимини талаб қиладиган мураккаб вазифадир. Илмий-тадқиқотчилик иши мавзуи мауъян илмий йўналишга ёки илмий муаммога тегишли бўлиши мумкин.

**Илмий йўналиш деганда** тадқиқот ўтказиш соҳасидаги фан, фанлар ёки илмий муаммолар мажмуи тушунилади.

**Илмий муаммо** бу илмий-тадқиқотчилик иши мавзуини белгилайдиган мураккаб назарий ва (ёки) амалий вазифалар мажмуидир.

Муаммо тармоқ, тармоқлараро, глобал бўлиши мумкин.

## Мавзулар турлари Назарий мавзулар

асосан адабиётлар манбаларидан фойдаланиб ишлаб чиқилади. **Амалий мавзулар** хўжалик амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилади.

**Аралаш мавзулар** тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўз ичига олади

Тадқиқот мавзуи бутун иш муваффақиятидир. Диссертация билимларга ҳисса қўшиши ва, одатда, уларни кенгайтириши КЕРАК.

### Мавзуни танлашга талаблар

Тадқиқот мавзуи қуйидагича бўлиши керак:

- Фан ёки амалиётнинг шу йўналишига ЯНГИЛИК олиб кириши керак

Шу соҳа МУАММОСИНИ қўйиши керак;

- Тадқиқотнинг қайси аниқ ташкилот мисолида ўтказилганлигини имкони борича кўрсатиши керак.

Мавзуни танлаш -диссертация тадқиқоти устидаги ишнинг биринчи босқичи.

Аниқ мавзуни танлашда **олдинига қуйидаги умумий масалаларни ҳал қилиш керак:**

- Тадқиқот қандай *тусга* эга бўлади?
- Магистрант ўз тадқиқоти *натижаларини* қай ҳолатда кўради?
- Магистрант учун *диссертациянинг қандай тип*и маъқул келади?
- *Диссертация мақсадларини қай тарзда қўйиш энг мақбул ҳисобланади?*

Сизга қайси вариант кўпроқ маъқул бўлишига қараб ишни қуриш методологиясини тузиш, мавзуни ва унинг **ифодасини** -диссертациянинг номини танлаш керак бўлади.

### МАВЗУНИНГ ТАЊЛАНИШИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Магистрлик диссертациялари мавзуини **кафедралар белгилайди**

Мавзу бу тадқиқотнинг **функционал йўналиши аксидир**

Мавзу магистрантнинг қобилияти, билимлари, қизиқишларининг **очирилишига имкон бериши керак**

### Тадқиқот характери:

1. **Назарий тадқиқот** бу соф илмий, лекин кўп йиллар учун илмий изланишларнинг истиқболли ва самарали назарий-стратегик йўналишидир;

2. **Амалий тадқиқот** касбий фаолиятнинг муайян соҳасида кейинчалик муваффақиятли ишлаш учун унинг қандайдир йирик муаммосини чуқурроқ ўрганишга имкон беради.

**Диссертация иши натижаларининг характери:**

1. Билимнинг тегишли тармоғи учун муҳим аҳамиятга эга вазифанинг янгича ечими берилган;

2. Муаллиф бажарган илмий асосланган, муҳим амалий вазифалар ечимини таъминлайдиган иқтисодий ишланмалар баён қилинган

### **Диссертация иши мақсадларига қараб тадқиқотлар типлари**

1. **Умумлаштирувчи** - иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш соҳасида тўпланган тажрибани ўрганиш ва илғор амалиётни умумлаштириш, ўрганилаётган ҳодисаларнинг ривожланиш анъаналарини аниқлаш ва турли иқтисодий жараёнларнинг илмий башоратларини илгари суриш.

*Ўзига хос хусусиятлари:* тадқиқотнинг кўп тарқалган ва мураккаб бўлмаган тури, тадқиқотнинг турли объектларидан фойдаланиб, бир мавзу доирасида кўплаб вариантлар тузиш мумкин.

2. **Оммалаштирувчи характеридаги** - айрим ташкилотлар (кичик тармоқлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётлар ва ҳоказо) тажрибасини бошқа ташкилотларда (кичик тармоқлар, тармоқлар, миллий иқтисодиётлар ва ҳоказо) фойдаланиш имкониятларини ва мақсадга мувофиқлигини кўрсатиш.

*Ўзига хос хусусиятлари:* сифатли бажариш шарти - амалиётни яхши билиш.

3. **Новаторлик** - амалиётга тегишли тавсияларни бериш мақсадида янги ёки нисбатан янги иқтисодий муаммоларнинг илмий ишлаб чиқилиши.

*Ўзига хос хусусиятлари:* қўйилган саволларга жавоблар адабиётларда йўқ, амалиёт эса зарур тажрибани энди орттираяпти, бу тадқиқотчидан юксак назарий тайёргарлик, амалиётни яхши билиш, янги ғояларни илгари суришда жасорат талаб қилади.

4. **Чуқурлаштирувчи характеридаги** - аниқ ижтимоий-иқтисодий ва ҳўжалик категориялари ва жараёнлари ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштириш.

*Ўзига хос хусусиятлари:* иқтисодий категориялар ва жараёнларнинг адабиётларда етарлича тўла ёритилмаган ва амалиётда лозим даражада ривожлантирилмаган айрим жиҳатларини ишлаб чиқиш. Кўриб чиқиляётган муаммо характери ишнинг мураккаблик даражани белгилайди.

5. **Назарий-методологик тусдаги-умумий** назарий концепциялар, методологик муаммоларнинг ишлаб чиқилиши. *Ўзига хос хусусиятлари:* магистрлик тадқиқоти даражасида кам оммалашган, чунки тадқиқотчи ривожланган назарий тафаккурга эга бўлиши керак.

6. **Эмпирик тусдаги** - муайян корхоналар, фирмалар, ташкилотларнинг муайян тажрибасининг тадқиқи, таҳлили.

*Ўзига хос хусусиятлари:* ташкилотнинг илғор тажрибаси, амалиёти марказий ўринни эгаллайди, унга бу тажрибадан миллий иқтисодиётда фойдаланиш бўйича назарий далиллар ва мулоҳазалар қўшимча қилинади.

## **МАВЗУНИ ТАНЛАШ УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ**

### Мавзуни танлаш усуллари

У ёки бошқа илмий соҳадаги ютуқлар шарҳини синчиклаб кўриб чиқиш тадқиқот мавзуини танлаш ва ифодалаш йўлидаги дастлабки қадамлардан бири бўлади.

Такрорлаш тамойилига (объект ҳақидаги мавжуд билимларни аниқлаштириш ва кенгайтириш, билимларни текшириш) амал қилиш илмий иш мавзуини танлаш усулининг варианти бўлиши мумкин.

**Изланувчанлик усули** тадқиқотчининг дастлабки манбалар билан танишувини, мавжуд муаммолар таҳлили асосида мавзунинг ифодаланишини назарда тутди.

Мавжуд тадқиқотларнинг *назарий умумлаштирилиши* мавзуни танлашнинг бирмунча юқори босқичидир.

**Фанда илгари сурилган фаразлар** мавзуни танлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мавзуни «табиий» шароитларда, *ижодий мулоқот жараёнида* ҳам топиш мумкин.

### **Мавзуни танлашдаги амаллар**

**Мавзуни танлашда** ёрдам бериши лозим бўлган илмий раҳбар билан **маслаҳатлашиш**.

**Химоя қилинган диссертацияларнинг** илмий кутубхонадаги ёки маълумотлар базасидаги каталогини қайта кўриб чиқиш (диссертация ишлари кутубхонаси).

**Фан ва техниканинг ўхшаш, қўшни соҳаларидаги тадқиқотларнинг энг янги натижалари билан танишиш:** баъзан иккита илмий фан туташган жойда мавзу чиқиб қолиши мумкин.

**Муаммони кўриб чиқишнинг методологик ракурсини алмашлаш.** Баъзан янгича нуқтаи назар бу биринчи илмий ишланма мавзuidир.

**Ўз илмий ихтисослиги бўйича адабиётларни ўрганиш:** илмий матбуотни, махсус нашрларни, Интернет сайтларини кўриб чиқиш, фан классиклари асарлари устида мушоҳада юритиш («шўнғиб кетиш» услуги).

**Амалиётчи-мутахассислар билан суҳбатлар ва маслаҳатлашиш.**

### **ИЛМИЙ ИШ МАВЗУИНИ ИФОДАЛАШНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАМОЙИЛЛАР ВА ТАЛАБЛАР**

**Долзарблик** Янгилик, жамият ҳаёти билан боғлиқлик, этилган зиддият.

**Аниқлик 1** Типик камчиликлари: мавзунинг асоссиз кенглиги, глобал тусдаги мавзу ифодаланишида мавҳумлик. Масалан, агар «Давлат бошқаруви» мавзуи танланадиган бўлса, унда бундай мавзу илмий иш учун ярамайди, ҳаддан ортиқ мавҳум бўлади. Бирмунча торроқ мавзуни танлаган маъқулроқ.

## **Тадқиқот мавзуини ифодалашга талаблар**

**Мавзу номида одатда қуйидагилар бўлади:**

- «тадқиқот бурчаги» - ишнинг йўналиши; тадқиқот объекти;
- тадқиқот предмети (тадқиқот объекти ҳақидаги янги билим ва магистрантнинг ана шу билимни аниқлашга қаратилган иши бўлиб, у янги амал усулини, ҳисоб-китоб модели, тадқиқот услуги, ўрганиш ёки қуриш методологияси, концепциясини ишлаб чиқишдан иборат бўлади);
- диссертация ишининг диссертация натижалари тусини белгилайдиган малакавий белгиси жиҳати.

### ***МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ МАВЗУИНИ ИФОДАЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ***

#### **1. Тадқиқот объектини белгилаш**

**Тадқиқотнинг объектли соҳаси** - бу фан ва амалиётнинг тадқиқот объекти жойлашган соҳаси бўлиб, амалиётда у, масалан, математика, биология, иқтисодиётнинг у ёки бошқа илмий ихтисослигига мувофиқ бўлиши мумкин.

**Тадқиқот объекти** - бу муаммоли вазиятни юзага келтирадиган муайян жараён ёки ҳодиса, бу муаммонинг ўзига хос ташувчиси, тадқиқотчилик фаолияти йўналтирилган нарса.

Реал оламнинг олим тадқиқот учун танлаган соҳаси тадқиқот объекти деб аталади.

#### **2. Тадқиқот предметини белгилаш**


**Тадқиқот предмети** объектнинг аниқ бир қисми бўлиб, унинг ичида изланиш олиб борилади. Ҳодисалар, уларнинг айрим томонлари тадқиқот предмети бўлиши мумкин.

**Тадқиқот предметини** тадқиқотчи илмий изланишлар натижасида тадқиқот объекти ҳақида оладиган янги илмий билим сифатида белгилаш мумкин.

Агар тадқиқот объекти ҳақидаги янги илмий билимни олиш воситаси ҳам янгиликнинг муҳим белгиларига эга бўлса, унда ана шу восита ҳам тадқиқот предмети таркибига кириши мумкин.

**Тадқиқот предмети бу магистрант тадқиқот объектига қараш учун асос қилиб оладиган нуқтаи назардир.**

#### **3. Ишнинг йўналишини белгилаш**





### **Иш йўналишининг ифодасидаги иборалар ва сўз бирикмалари:**

- «вазифа ечими,...»
- «ишланма,...»
- «асослаш,...»
- «самарадорликнинг ошиши,...»
- «такомиллаштириш,...»
- «оптималлаштириш,...»
- «харажатларнинг камайиши ва ҳ....»

### **4. Иш номининг ифодаланиши**

Диссертация ишининг номи тадқиқотнинг объект соҳаси, объекти, предмети ва йўналиши асосида **лўнда ва аниқ** ифодаланади. Барча экспертлар ва оппонентларнинг диссертация натижаларининг туси қандайлигини иш номига қараб билиб олишига имконият яратиш керак. Диссертация номини шунга қараб ифодалаш лозим.

Мавзу номида қуйидаги сўзларни ишлатмаган маъкул: «масалалари», «муаммолари», «тадқиқ қилиниши», «ўрганилиши» ва ҳ., чунки улар пировард натижани аниқ ифодамайди. Муаммонинг қай даражада ҳал қилинганлиги ёки ўрганиш, тадқиқотнинг нима билан тугаганлиги номаълум.

### **ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, ЯНГИЛИГИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ**

**Тадқиқот долзарблигини белгилаш ва асослаш. Тадқиқот янгилигини белгилаш ва асослаш Тадқиқотнинг амалий аҳамиятини белгилаш ва асослаш**

### **ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, ЯНГИЛИГИ ВА АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ**

Сиз бу бобда «тадқиқотнинг долзарблиги» тушунчаси, уни асослаш тартиб-қоидалари, илмий натижаларнинг янгилик мезонлари ва диссертация натижаларининг амалий аҳамияти намоён бўладиган ҳоллар билан танишасиз.

### **ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ**

Мавзунинг таърифи фанда ҳозирда маълум бўлган ва ҳали тадқиқ қилинмаган ҳолларнинг биргаликда амал қилишини, **яъни илмий билишнинг ривожланиш жараёнини акс эттиради**. Шу сабабга кўра мавзунинг долзарблигини асослаш тадқиқотни тайёрлашдаги жуда масъулиятли босқич ҳисобланади.

**Диссертациянинг долзарблиги асосланиши ва исботланиши керак**

**Диссертация мавзуининг долзарблиги** - бу унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги бўлиб, фанда кўпинча олдинги назарий тасаввурлар доирасига яққол жойлашмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

**Мавзуининг долзарблиги** диссертация тадқиқоти сифатидаги илмий тадқиқотга нисбатан асосий талабдир.

### **Тадқиқот долзарблигининг функционал тавсифномалари**

- иқтисодий фандаги қандайдир бўш ўринларнинг тўлдирилиши
- муаммонинг замонавий шарт-шароитларга нисбат бериб янада ривожлантирилиши
- фикрлар бирлиги бўлмаган масаладаги фикр тўпланган тажрибанинг умумлаштирилиши
- йирик масалага оид билимнинг жамланиши ва айна бир вақтда олға сурилиши

Олимлар ва амалиётчилар эътиборини жалб этиш мақсадида янги муаммоларнинг қўйилиши.

**Долзарбликни асослаш** - илмий билишнинг умумий жараёни соҳасида мазкур мавзуни ўрганиш заруратини изоҳлашни билдиради.

**Мавзуининг долзарблаштирилиши -тадқиқотчилик ишидаги муҳим жиҳат**

### **Мавзуининг долзарблигини асослаш**

Диссертациянинг кириш матни икки нуқтаи назардан баён қилинади:

Ушбу мавзуга жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши эҳтиёжлари юзасидан мурожаат қилишнинг долзарблиги - айна шу вақтда айнан шу мавзуга мурожаат этишнинг сабабларини қисқача ёритиш, жамиятнинг бугунги кундаги ҳолатининг мазкур мавзуни тадқиқ қилишни фоят зарур қилиб қўйган ўзига хос хусусиятларини тавсифлаб бериш.

1. Ушбу мавзуга фаннинг ички эҳтиёжлари юзасидан мурожаат қилишнинг долзарблиги - нима учун бу мавзуининг айна шу вақтда бунчалик долзарб бўлиб қолганлиги, унинг шу тарзда очиб берилишига илгари нима ҳалақит қилганлигини изоҳлаш, унга мурожаат қилишнинг фан ривожининг динамикаси, бу муаммо бўйича янги ахборотларнинг тўпланиб қолганлиги, мавжуд тадқиқотларда унинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, муаммони янгича талқинда, тадқиқотнинг янги услублари ва услубиётларидан фойдаланиб ўрганиш зарурлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатиш.

Илмий тадқиқотнинг долзарблигини белгилашда шундай типик хатога эътибор бериш керак: магистрлик диссертацияларида кўпинча магистрантнинг аниқ танлаган мавзуининг эмас, балки бутун бир соҳанинг тадқиқ қилиниши йўналишининг долзарблиги асосланади.

## **ТАДҚИҚОТНИНГ ЯНГИЛИГИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ**

Магистрантларнинг типик хатоси янгилик деб масаланинг қўйилишининг янгилигини кўрсатишдир, лекин бу ҳали етарли эмас.

### **ИЛМИЙ НАТИЖАЛАР ЯНГИЛИГИ МЕЗОНЛАРИ**

➤ **Масаланинг қўйилишининг янгилиги** - бу янгиликнинг энг паст даражаси бўлиб, бунинг учун ҳозирда мавжуд бўлган, муайян нуқтаи назар остида ўтказилган тадқиқотлар ҳақидаги ахборотларга ва шу предметга бошқача нуқтаи назардан қарашга имкон берадиган муайян тасаввурга эга бўлишнинг ўзи кифоя.

➤ ► **Услугиётнинг янгилиги** - гап қўлланиладиган янгича ёндашувлар, услублар, тадқиқот тамойиллари ҳақида бормокда. Бу янгиликнинг бирмунча юқори даражаси бўлиб, у анча янги натижаларга эришишга йўл очади, лекин методология ҳали янгилик учун қафолат бера олмайди. Айти бир пайтда маълум услугиётларнинг янги шароитда қўлланилиши ҳам унумли натижалар бериши мумкин.

➤ ► **Олинган ижобий ёки салбий натижанинг янгилиги** (мазмунан янгилиги). Энг асосийси - тадқиқот жараёнида асосий хулоса сифатида олинган, тўғри қўйилган масаладан ва тадқиқ этилган зарурий ва етарли ҳолатлардан мантиқан келиб чиқадиган фикрни қисқача баён қилиш. Бу аниқланган янги *факт, қўйилган масаланинг асосли ечими, илмий муомалага янги маълумотларнинг олиб кирилиши, маълум фактнинг янги шароит учун тасдиқланиши ҳам бўлиши мумкин*. Янгиликни олинган натижани маълум фактлар билан солиштириш орқали кўргазмали тарзда кўрсатиш мумкин.

➤ Мазмунни ифодалаш **шаклининг янгилиги** (формал янгилик) - янги атамаларнинг жорий этилиши. Бироқ қанчалик кўпроқ янги «бурама» атамалар жорий қилинган бўлса, янгилик ҳам шунчалик яққол кўринади, деб ўйламаслик керак. Атамаларнинг янгилиги ишда ана шу ҳеч нарсани англамайдиган атамалардан бошқа ҳеч қандай янгилик йўқлигини яшира олмайди. Янги атама етарлича исботланган ва ишончли асосланган янги билимнинг тўпланган ҳажмини ифодалаш учун жорий этилиши мумкин ва шунда у янгиликни ифодалашнинг муҳим воситаси бўлади.

➤ Олинган натижанинг **талқин этилишининг янгилиги** (изоҳлаш ва талқин қилиш янгилиги). Бу ерда яхши маълум бўлган қонунлар ва ғояларнинг янгича кўрилишини намоён қилиш учун реал имконият мавжуддир.

➤ Олинган натижани **амалда қўллашнинг янгилиги** (амалий янгилиги). Одатда бу назарий илмий тадқиқот доирасидан четда бўлади ва амалий илмий-тадқиқотчилик ишлар тоифасига киради, лекин тадқиқот муаллифи олинган натижаларни қўлланиш учун янги соҳаларни таклиф этиши керак.

### **ТАДҚИҚОТНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИНИ БЕЛГИЛАШ ВА АСОСЛАШ**

Диссертациянинг амалий аҳамияти кўп жиҳатдан магистрант бажарадиган тадқиқот характери билан белгиланади: назарий ва методологик тусдаги диссертациялар услубий ёки амалий тусдаги диссертацияларга нисбатан кўпроқ бевосита амалий аҳамиятга эга бўлади.

Магистрлик диссертациясига муаллифлик аннотациясини танланг, у билан диққат билан танишинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Мавзунинг ифодаланиши қўйилган талабларга мос келадими? Бу нимада намоён бўлади?

Мавзу номи қандай ахборотни ўз ичига олади?

Ушбу мавзу магистрлик диссертацияси учун яроқлими? Нима учун?

2. Тадқиқотнинг объекти соҳаси қандай? Муаллиф тадқиқот объекти сифатида нимани танлаган?

1. Тадқиқот предмети тўғри белгиланганми?

2. Тадқиқотнинг долзарблиги асосланган ва далилланганми?

3. Тадқиқотнинг янгилиги аниқ ифодаланганми? Бу нимада намоён бўлади?

4. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тақдим этилганми? У қандай шаклларда намоён бўлади?

### **МУАММОНИНГ ИЗЛАНИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ**

**«Илмий тадқиқот муаммоси» тушунчаси мазмуни** Илмий адабиётлар таҳлили-муаммонинг қўйилишини асослаш Тадқиқот муаммосини ифодалашнинг процессуал тузилмаси

### **МУАММОНИНГ ИЗЛАНИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ**

Сиз бу бобда «тадқиқот муаммоси» тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий тадқиқот муаммосини ажратиш ва ифодалаш босқичлари, унинг тавсифномалари билан танишасиз.

### **«ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТМУАММОСИ» ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ**

Магистрант танлаган тадқиқот соҳасида муаммонинг мавжудлиги тадқиқот долзарблигининг зарурий кўрсаткичи ҳисобланади.

**Муаммо** бу билиш билан билмаслик ўртасидаги ўзига хос чегарадир. У олдинги билим етарли бўлмаган, янги билим эса ҳозирча ривожланган шаклга эга бўлмаган ҳолатда пайдо бўлади.

**Муаммо** ҳар доим одамларнинг қандайдир самарали амалий ёки назарий ҳаракатларга эҳтиёжлари ҳақидаги билимлари билан уларни амалга ошириш йўллари ва воситаларини билмаслиги ўртасидаги зиддиятдир.

**Илмий маънодаги муаммо** бу билишни ривожлантириш жараёнида объектив тарзда вужудга келадиган масала ёки ечими амалий ёки назарий манфаат касб этадиган масалалар мажмуидир.

У айти шу пайтгача эришилган билимлар даражасининг етарли эмаслигини идрок этиш, қайд қилиш бўлиб, бу янги фактлар, алоқалар, конунларнинг, мавжуд назариялардаги мантиқий хатоларни аниқлаш оқибати

ёки амалиётнинг олинган билимлар доирасидан четга чиқишни талаб этадиган янги эҳтиёжларининг пайдо бўлиши оқибати ҳисобланади.

**Муаммони ҳал этиш** янги билимни олиш ёки у ёки бошқа ҳодисани изоҳловчи, ҳодисанинг хоҳлаган йўналишда ривожланишига таъсир кўрсатиш имконини берадиган омилларни аниқлаш демакдир.

**Илмий тадқиқот муаммосини ифодалаш** бу, ўз моҳиятига кўра, илмий тадқиқот мазмунининг кристаллаштирилишидир. Шунинг учун муаммонинг тўғри қўйилиши бутун иш муваффақиятининг гаровидир.

Муаммони тўғри қўйиш учун, танланган мавзудаги қуйидаги жиҳатларни билиш зарур:

- *ниманинг ишлаб чиқилганлигини,*
- *ниманинг заиф ишлаб чиқилганлигини,*
- қайси нарса устида *ҳеч ким* ишламаганлигини, буни фақат мавжуд адабиётларни ўрганиш асосида бажариш мумкин.

### **ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ -МУАММОНИ ҚЎЙИШ УЧУН АСОС**

#### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВАЗИФАЛАРИ**

тадқиқот мавзуи билан умумий ва батафсил танишиш:

тадқиқот мавзуининг янгилиги белгиларини аниқлаш тадқиқот муаммосини аниқлаш ва ифодалаш:

мавжуд позицияларни таснифлаш ва тадқиқот муаммоси бўйича нуқтаи назарларни қиёсий таҳлил этиш:

магистрлик диссертацияси мақсадлари ва вазифаларини белгилаш:

мавзуининг айрим жиҳатларини ишлаб чиқиш ёки ишлаб чиқмаслик бўйича:

қўшимча далилларни топиш (диссертация ишларида обрўли муаллифларга таяниш сезиларли рол ўйнайди).

Манбалар таҳлили кейинчалик диссертациянинг кириш қисмининг «Муаммонинг ўрганилиши даражаси» бўлимига киради. Муайян ахборот захирасига эга бўлгач, ҳақиқий муаммони сохта муаммолардан-ноаниқ аҳамиятга эга масалалардан бемалол ажратиш мумкин.

Адабиётлардан олинган ахборот илмий тадқиқот муаммосини қўйишни асослаш учун хизмат қилади.

**Мавзуининг** лўнда баёнда **долзарблантирилишида** қуйидагилар кўрсатилади:

- танланган мавзу жиҳатидан олганда илмий фан назарияси ва амалиёти олдида аниқ шароитларда *қандай вазифалар* турибди;
- олдинги тадқиқотчилар томонидан *нималар бажарилган* (умуман, конспектив баёнда);
- ушбу диссертация тадқиқотида *нималарни бажариш керак бўлади.*

Шу асосда ягона объект ва унинг ҳолатлари ичида ўзаро бир-бирини истисно этадиган ва ўзаро бир-бирига сингиб кетадиган зиддиятларнинг ўзаро ҳаракати сифатидаги **зиддият ифодаланади**.

Зиддият қуйидагиларда ифодаланиши мумкин:

- бир объектга нисбатан икки тушунчанинг бир-бирига мос келмаслигида ёки

ўзаро бир-бирини истисно қилишида;

- жараённинг кечишини турлича тушунишда ва изоҳлашда;
- қандайдир катталикларнинг муайян омилларга боғлиқлиги ёки боғлиқ эмаслиги ҳақидаги нуқтаи назарларда;
- қандайдир зиддиятлар ўртасидаги албатта бир тадқиқот объекти юзасидан келишмовчилик, мувофиқ бўлмаслик сифатида.

Шу пайтгача ҳеч ким томонидан ечими аниқланмаган амалий вазифаларга нисбатан ўзгариб турувчи шароитларда **илмий ёндашувнинг зарурлиги асосланади**.

Аниқланган зиддият ва уни ҳал этиш учун илмий ёндашувнинг зарурлигини асослаш асосида диссертация тадқиқоти **муаммоси ифодаланади**.

Муаммонинг ифодаланиши - муҳим босқич, чунки агар савол нотўғри берилган бўлса, унда янги натижани кутиш беҳуда.

Бунда нафақат янги ифодани излаш, балки **масалани муаммоли тарзда қўйиш керакки**, бунинг учун иш номида иккита марказий категориялар берилиши ва улар ўртасида муаммоли нисбат бўлиши керак.

**Муаммоли** турли усуллар, шу жумладан қуйидагича боғловчилар билан **берилади**:

«**ва**» («... иқтисодиёт ва маданият...»),

«**сифатида**» («солиқ сиёсати кичик бизнесни рағбатлантириш воситаси сифатида») ва ҳоказо.

Магистрлик диссертациясининг танланган муаллифлик аннотацияси билан ишлашни давом эттиринг. Саволларга жавоб беринг:

1. Тадқиқот муаммоси аниқ ифодаланганми? Уни ифодаланг.
2. Муаммо қандай зиддиятнинг оқибати ҳисобланади? Бундай зиддиятни кўрсатинг.
3. Бу муаммо илгари ўрганилганми? Ким томонидан? Диссертация муаммоси бўйича мавжуд муаллифлик позициялари қандай? Қандай вазифалар ҳал этилмаган ва илмий ёндашувни талаб қилади?

## **ФАРАЗНИНГ ИЛГАРИ СУРИЛИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ**

«Фараз» тушунчаси мазмуни

- Фаразлар турлари
- Фаразларни илгари суриш қоидалари

## ◆◆◆ Фаразни куришнинг процессуал тузилмаси

### **ФАРАЗНИНГ ИЛГАРИ СУРИЛИШИ ВА ИФОДАЛАНИШИ**

Сиз бу бобда «фараз» тушунчасининг нима эканлиги, фаразларнинг қандай турлари мавжудлиги, уларнинг аҳамияти ва роли нимадан иборатлигини билиб оласиз, фаразларни илгари суриш, текшириш ва ифодалаш қоидалари билан танишасиз.

#### ***«ФАРАЗ» ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ***

Биз муаммога дуч келишимиз ҳамон миямиз уни ҳал қилиш усулларини куришга - ФАРАЗЛАРНИ КАШФ ҚИЛИШГА киришади.


**Фараз (гипотеза)** (қадимги грек тилидан - асос, тахмин) — олдиндан ўрганилган фактлар, ҳодисалар, жараёнларнинг муайян мажмуига асосланган, уларни изоҳлаш учун илгари суриладиган ва тасдиқланиши ёки инкор этилиши лозим бўладиган назарий тахмин.

**Тадқиқот фарази** - бу бевосита кузатилаётган ҳодиса, ўрганилаётган ҳодисанинг тузилиши ёки унинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқалар хусусияти ҳақидаги илмий асосланган тахминдир. Фаразлар мавжуд фактлар асосида ишлаб чиқилади.

**Хулоса сифатидаги фараз** объектив воқелиқда ўз илдизларига эга бўлади, фикрнинг бевосита кузатилаётган ҳодисалардан уларнинг сабабли изоҳланишигача бўлган ҳаракати ҳисобланади.

Фаразнинг табақалаштирувчи белгилари фаразнинг уни яратиш учун асос бўлган ва асосланиши учун яратилган фактларга мувофиқлиги текширилувчанлиги имкони борича кенгроқ ҳодисалар доирасига нисбатан нисбат берилиши мумкинлиги нисбатан соддалиги мазмунида муаммони ҳал этиш усуллари ва натижалари ҳақидаги тахминнинг мавжудлиги мантиқан зид келмаслиги натижага йўналтирилганлиги

## ФАРАЗЛАР ТУРЛАРИ



### Фаразлар тушунчаларнинг назарий талқин этилишини такрорловчи иерархик тизимларни ҳосил қилади

Фаразнинг ифодаланиши-тадқиқотнинг назарий тайёрланишининг яқунловчи қисми.

Диссертациянинг назарий бўлимини муайян базавий фараз негизида қурилиши мумкин бўлиб, у мантиқий далиллаш, обрўли муаллифларга таяниш, амалиётга ва масала тарихига мурожаат этиш йўли билан асосланади.

Агар тадқиқотчи **фаразларни ифодалаган бўлса**, унда эмпирик маълумотлар уларни текшириш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун хизмат қилади.

Агар аввал бошидан фаразлар илгари сурилмаган бўлса, унда тадқиқотнинг илмий даражаси кескин пасаяди, унинг натижалари ва умумлашмалари эса у ёки бошқа индикаторларнинг фоизли ифодалари баёнлари ва анча жўн тавсиялардан иборат бўлиб қолади.

### ФАРАЗЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШ ҚОИДАЛАРИ

Фараз ўзи тегишли бўлган барча фактлар билан келишган бўлиши ёки, ҳеч бўлмаганда, уларга мувофиқ бўлиши керак.

Фактлар туркумини изоҳлаш учун илгари сурилган кўплаб бир-бирига зид бўлган фаразлар ичида шу фактларнинг энг кўпини бир хилда изоҳлайдигани мақбулроқдир.



Фактларнинг боғланган туркумини изоҳлаш учун имкони борича камроқ фаразларни илгари суриш керак ва улар имкони борича маҳкамроқ боғланган бўлиши керак.

Фаразларни илгари суришда унинг хулосаларининг эҳтимолли тусини идрок этиш зарур.

Бир-бирига зид келадиган фаразларга асосланиб иш қилиш мумкин эмас.

### **ФАРАЗЛАРНИ ҚУРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ**

Ушбу фактлар доирасини изоҳловчи сабаб ҳақидаги тахмин тузилади  
Йўл қўйилган сабабдан оқибатлар ажратилади ва тажрибадаги маълумотлар билан қиёсланади

Унинг фаразнинг тасдиқланиши ёки инкор этилишига олиб борадиган барча қоидалари астойдил текширилади:

- *тасдиқлаш* учун унинг эмпирик маълумотларнинг имкони борича кўпроғи билан келишуви талаб қилинади;
- *инкор қилиш* учун тажрибага мос тушмаган бир фактнинг ўзи етарли.

**Фаразнинг ифодаланишидаги «клишелаштирилган» иборалар ва сўз бирикмалари:**

- «агар..., унда...»
- «чунки ...»
- «бўлгани ҳолда...»

Улар тадқиқотчининг эътиборини ҳодисанинг моҳиятини очиш, сабабли-оқибатли алоқаларни белгилашга қаратади.

### **ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ. ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИНИНГ ТАНЛАНИШИ**

- «Тадқиқот мақсади» тушунчасининг мазмуни;
- «Тадқиқот вазифалари» тушунчасининг мазмуни;
- Диссертация тадқиқоти вазифалари қўйилишининг процессуал тузилмаси;
- Тадқиқот мақсадлари ва типи, янгилик элементлари асосидаги вазифалар доираси;
- Муаммони ҳал этиш вазифаларининг қўйилиши;
- Илмий тадқиқот услублари;

### **ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИНИНГ ҚЎЙИЛИШИ. ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИНИНГ ТАНЛАНИШИ**

Сиз бу бобда тадқиқот «мақсадлари» ва «вазифалари» тушунчалари, тадқиқот вазифаларини қўйилиш алгоритми, илмий тадқиқот услублари билан танишасиз.

## **«ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ» ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ**

Магистрлик диссертацияси мавзуи тадқиқот ўзагини ташкил қилувчи ва янгилик, оригиналликнинг муҳим белгиларига эга масалалар доирасига чиқиб олишни таъминлайди.

**Тадқиқот мақсади** бу тадқиқотчи ўз ишини яқунлашда эришишни хоҳлаган пировард натижадир.

**Муаммо ечими магистрант ишининг мақсади сифатида кўриб чиқилади.**

Мақсад тадқиқотнинг характери, бориши ва вазифаларини белгиловчи ўзига хос охири сабабдир.

Шу асосда иш тузилишининг аниқ мақсадга бўйсундирилиши керак бўлган мантиқийлиги келиб чиқади.

**Тадқиқот мақсадини ифодалашдаги «клишелаштирилган» иборалар ва сўз бирикмалари:**

- «аниқлаш...»
- «белгилаш...»
- «асослаш...»
- «аниқлаштириш...»
- «ишлаб чиқиш...»

## **«ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИ» ТУШУНЧАСИ МАЗМУНИ**

**Тадқиқот вазифалари** бу илгари сурилган фаразга мувофиқ мақсадга эришиш учун йўллар ва воситаларнинг танланишидир.

Вазифаларни мақсадга эришиш учун қилиниши зарур бўлган нарсанинг тасдиқланиши шаклида ифодалаш энг маъқул вариантдир.

**Вазифаларнинг қўйилиши** тадқиқот мақсадининг кичик мақсадларга бўлинишига асосланади. **Вазифаларнинг санаб ўтилиши** унчалик мураккаб бўлмаган вазифалардан энг мураккаб, кўпроқ меҳнат талаб қиладиган вазифаларга томон юриш тамойили бўйича курилади, уларнинг сони эса тадқиқотнинг теранлиги билан белгиланади.

Вазифаларни жуда синчиклаб ифодалаш зарур, чунки кейинчалик улар ечимларининг баёни боблар мазмунини ташкил этади. Боблар сарлавҳалари айни шу вазифалар ифодаларидан ҳосил бўлади.

### **Илмий тадқиқотнинг типик вазифалари**

- ► тадқиқ қилинаётган ҳодисани баён қилиш
- ► сабаблар ва шартларни аниқлаш
- ► сабабларни изоҳлаш
- ► тадқиқ қилинаётган ҳодисаларнинг таснифини куриш қонуниятни аниқлаш ва асослаш мазмунни тушуниш ва изоҳлаш аниқланган, баён қилинган ва изоҳланган ҳодиса учун ном бериш (яъни янги атамани илмий муомалага киритиш).

## **ДИССЕРТАЦИЯ ТАДҚИҚОТИ ВАЗИФАЛАРИ ҚЎЙИЛИШИНING ПРОЦЕССУАЛ ТУЗИЛМАСИ**

**Аниқ илмий ёки техник вазифани ҳал этишга эҳтиёжнинг аниқланиши.** Мавжуд вазиятдаги ҳолатни қандай ўзгартиришни билмаган, бунга ҳеч ким ёрдам бера олмайдиган ҳолда уни ўзгартириш юзасидан кучли хоҳиш-истак пайдо бўлишида ифодаланади (маълум технологиялар хоҳлаган самарага эришишга имкон бермайдиган ҳолда техник ёки маъмурий зиддият даражасида-эмпирик факт ёки таъсир кўрсатиш натижасини башорат қилишни изоҳлаш зарур бўлганида **эҳтиёж пайдо бўлади**).

**Илмий тадқиқотни ўтказишга эҳтиёжнинг белгиланиши.**

Агар илмий тадқиқот маълум ва ҳамма томонидан қилиниши мумкин бўлса, унда бундай тадқиқотни ўтказиш талаб этилмайди.

Марказий илмий, кўпинча илмий-оммавий нашрлар бўйича батафсил таҳлил ўтказилганидан кейин ва шунга ўхшаш ечимлар топилмаганида олим оригинал ечимни топиш учун тўлиқ илмий тадқиқотни ўтказиш бўйича режа тузиши керак бўлади.

**Илмий тадқиқот мақсадларининг белгиланиши ва жой-жойига қўйилиши.**

Мақсад - эҳтиёж маҳсули. Аниқ ифодаланган эҳтиёж кўпинча мақсадни белгилайди. Илмий тадқиқотни ўтказишда асосий мақсад шу асосий мақсаддан келиб чиқадиган, жами бўлиб илмий-техник ишга сингиб кетадиган кичик мақсадларга бўлиниб кетади. Уларни ўз ўринларига тўғри жойлаштириш зарур, шунда мақсадларнинг жой-жойига тушиши ва илмий изланишдаги муайян изчиллик ҳосил бўлади.

**Диссертациянинг предметли соҳасининг бир тизимга солиниши.**

Бир тизимлилик - илмийликнинг муҳим белгиларидан бири. Билимнинг илмий тизимга солиниши тўлиқликка интилиш, бир тизимга солишликнинг асослари ва уларнинг зиддиятли эмаслиги ҳақидаги аниқ тасаввур билан тавсифланади. Бир тизимлилик тадқиқот предмети ва объектини таснифлаш маҳорати орқали амалга оширилади. Таснифлаш тадқиқотни нафақат бир тизимли қилади, шу билан бирга диссертант ишлаб чиқаётган илмий нуктани аниқ белгилайди.

Таснифлашга талаблар- предметли соҳани 3 - 6 та муҳим белгиларга қараб бўлиш, равшанлик ва кўргазмалилик, бир тизимга солинаётган предметли соҳанинг имкони борича тўлароқ қамраб олинишидир.

**Шартлар ва чеклашларнинг белгиланиши** илмий вазифани ҳал этиш имкониятлари ва реаллигини баҳолашга имкон беради. Одатда айни шу чеклашлар, шартлар, бошланғич маълумотлар ҳатто фантастик лойиҳани ҳам илмий вазифага айлантиради.

*Чеклашлар қуйидагиларда бўлади:*

- замонда,
- моддий,
- ахборотчилик,

- энергетик.

Бир даража пастроқ, сизнинг илмий изланишингизнинг энг чуқур мазмунигача етиб бориб, айнан сизнинг нуқтаи назарингиз, услубиётингиз, тузилма, технология, конструкциянгизни бошқаларидан фарқлайдиган ўзига хос хусусиятларни аниқлаш мумкин бўлади.

**Илмий тадқиқот вазифаларининг белгиланиши.** Бу босқичда илмий тадқиқот вазифаларининг ифодаси берилади, **улар макон ва замондаги, моддий воситалар, энергия ва ахборотлардаги айрим бошланғич маълумотлар, чеклашлар ва шартлардаги тадқиқот мақсадларидан иборат бўлади.** Бўлғуси диссертация пойдевори материал йиғиладиган муаммоларга мувофиқ равишда қисмларга ажралади: таҳлил, назария, синов, амалиёт.

**Тадқиқот мақсадлари ва типи, янгилик элементлари асосидаги вазифалар доираси**

- Маълум ғояларнинг чуқурлаштирилиши, уларнинг фойдасига мантикий ва амалий тусдаги қўшимча далилларнинг келтирилиши, янги ҳаётий фактлар ёки рақибларнинг далиллари муносабати билан уларнинг ҳимоя қилиниши;
- масаланинг ривожланган назариясининг яратилиши, унга маълум ғоялар асосида амалий тусдаги фактларнинг қўшилиши;
- янги ғояларнинг илгари сурилиши, янги таклифларнинг ишлаб чиқилиши, янги хулосаларнинг олиниши, янги шакллар ва қонуниятларнинг очилиши, эски хулосалар ва қоидаларнинг қайта кўриб чиқилиши, шакллар, категориялар, қонунларнинг янгича талқин қилиниши;
- янги назариялар, концепцияларнинг ифодаланиши.

Адабиётларга мурожаат этиш, уларнинг танланиши, улар устидаги ишнинг мантикийлиги ва изчиллиги муаммонинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади, сизнинг саъй-ҳаракатларингизнинг аниқлиги ва самарадорлиги эса муаммонинг қўйилишининг аниқлиги ва мантиқан тўғрилигига боғлиқ бўлади.

**Муаммони ҳал этиш жараёнидаги вазифалар:**

**Назарий тушунчаларнинг** ушбу тадқиқотда қўлланиладиган жиҳатларини аниқлаш. **Амалий муаммоларнинг назарий билим даражасидаги**

**таҳлилини** ўтказиш ва бу билан унинг натижалари, хулосалари ва тавсияларининг **илмий асосланишини** таъминлаш. **Ўрганилаётган ходисаларнинг** миқдорий, статистик кўрсаткичлар ёрдамидаги **ўлчаниши ва рўйхатдан ўтказилишини** таъминлаш.

**Қўйилган муаммо** диссертациянинг кириш қисмида **тадқиқот мақсадининг ифодасида акс эттирилиши керак.** Ўз навбатида, мақсад тадқиқот тактикасини - аниқ қадамларнинг изчиллигини - муаммони ҳал этишга асос бўладиган **тадқиқотчилик вазифаларини** белгилайди.

Диссертация мазмунини ташкил этувчи муаммо ечимининг варианты аввал-бошда тадқиқотнинг асосий фарази сифатида кристаллаштирилади. Бу диссертация матнида текширилиши ва далиллар билан асосланиши керак бўладиган синовли ечимдир. Пировард натижада адабиётлар билан ишлаш ана шу вазифага хизмат қилади.

### **ТАДҚИҚОТ МУАММОСИНИ ТАНЛАШ**

Бу билан диссертациянинг схемаси қурилади. Ҳар бир банд янгилик, фойдалилик, ишончлилик тавсифномаси билан тўлдирилади.

### **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ**

**Илмий тадқиқот услуби** бу муайян билиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда маълум билиш вазифаларини ҳал этишга қаратилган ақлий ва (ёки) амалий операциялар (тартиб-қоидалар) тизимидир.

**Абстрактлаштириш** - барча параметрларни ҳисобга олмаган ҳолдаги битта ажратилган параметрни алоҳида ҳолида кўриб чиқишдан иборат.

**Таҳлил** - тадқиқ қилинаётган жараён ёки ҳодисанинг махсус ва теран мустақил ўрганилиши учун бундай жараён ёки ҳодиса уларнинг таркибий қисмларига бўлиб ташланадиган фикрий операцияни назарда тутди.

**Аналогия** - ўхшашлиги, прототипи танланадиган фикрий операция.

**Дедукция** - фикрлашнинг умумий қонуниятлардан хусусий фактларга томон ривожланишини назарда тутадиган фикрий операция.

**Индукция** - хусусий фактларни умумлаштириш мантиқига асосланган фикрий операция.

**Таснифлаш** - ўрганиладиган объектлар, фактларни ўрганишнинг назарий услуби; Т.У., ҳодисаларни бир-бирига нисбатан тартибга солишга асосланади.

➤ **Аниқлаштириш** - абстрактлаштиришга тесқари жараён, яхлит, ўзаро боғлиқ, кўп томонлама объектнинг топилишини назарда тутди.

➤ **Моделлаштириш** - моделнинг қурилишини назарда тутди.

➤ **Умумлаштириш** - муҳим фикрий операциялардан бири бўлиб, унинг натижасида объектлар ва улар муносабатларининг нисбатан барқарор хусусиятлари ажратилади ва қайд қилинади.

➤ **Синтез** - фикрий операция, унинг жараёнида аниқланган элементлар ва фактлардан яхлит манзара қайта тикланади.

➤ **Қиёслаш** - объектларнинг ўхшашлиги ва фарқларини, умумийлиги ва алоҳидалигини аниқлаш мақсадида объектларнинг қиёсланишини назарда тутди.

➤ **Сухбат** - жавоб берувчи билан шахсий алоқани назарда тутди.

➤ **Кузатув** - энг кўп ахборотли идрок этиш мумкин бўлган ўрганилаётган жараёнлар ва ҳодисаларни четдан туриб кўришга имкон беради.

➤ **Текшириш** - бу тадқиқ қилинаётган объектнинг у ёки бошқадаражадаги теранлик ва деталлаштириш билан ўрганилиши бўлиб, бу тадқиқот мақсадлари ва вазифалари билан белгиланади.

➤ **Тажриба иши** - жараёнга янада юксак натижаларни олиш мақсадида олдиндан ўзгартиришлар, инновацияларни киритиш услуби.

➤ **Синов** - умумий эмпирик у бошқариладиган шароитда ўрганилаётган объектлар устидан қатъий назорат юритилишига асосланади.

Магистрлик диссертациясининг танланган муаллифлик аннотацияси билан ишлашни давом эттиринг. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

Муаллиф ифодалаган тадқиқот мақсади тадқиқотнинг хусусияти, бориши ва вазифаларини белгилайдими?

1. Муаллиф қўйган вазифалар тадқиқотнинг умумий муаммосини, мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини танлашни акс эттирадими?

2. Сизнингча, тадқиқотнинг қандай услублари фаразни текшириш ва муаллиф қўйган муаммони ҳал этишга имкон беради?

### ***МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ РЕЖАСИНИНГ ТУЗИЛМАСИ ВА МАЗМУНИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ***

Мавзу ва унинг аҳамиятининг асосланиши, нима учун айни шу мавзунинг танлангани, унга қизиқиш нима билан боғлиқлиги сабаблари изоҳини ўз ичига олади. Сўнгра танланган мавзу бўйича адабиётлар шарҳи берилади.

Киришда муаллиф ўз олдига қўйган мақсад ва бу мақсадни амалга оширишга хизмат қиладиган вазифалар аниқ ифодаланади, муаммони ҳал этиш методологияси кўрсатилади.

Уч бўлимдан иборат бўлади:

а) муаммонинг назарий фикрдан ўтказилиши;

б) асосий қисмнинг биринчи бўлимида баён қилинган назарияни далиллар асосида тасдиқлайдиган эмпирик, фактик материалнинг баён қилиниши; иқтисодий амалиётни таҳлил этиш ва муаммоларни илгари суриш;

в) муаллифнинг тадқиқот муаммосини ҳал этиш бўйича тавсиялари.

Муаммо устидаги мушоҳада натижалари, иш муаллифи чиқарган хулосалар, шунингдек бундай хулосаларнинг амалиёт учун ёки муаммонинг кейинги ўрганилиши учун аҳамиятининг баҳоланишини ўз ичига олади.

#### **РЕЖАГА ТАЛАБЛАР:**

а) масалалар танланган мавзуга мувофиқ бўлиши ва унинг доирасидан четга чиқмаслиги керак;

б) мавзу масалалари мантиқий изчилликда жойлашиши керак;

в) режага тадқиқотнинг асосий жиҳатларини акс эттирадиган мавзу масалалари киритилиши керак;

г) мавзу ҳар томонлама тадқиқ қилиниши лозим.

#### **РЕЖАЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ**

○ **Ишчи режаси** - тадқиқотнинг қоралама нусхаси, у кейинчалик аниқ белгиларга эга бўлади.

➤ Изчил бўлимлар ўртасидаги мантикий боғланиш ишчи режасининг яроқлилигининг зарурий шартидир.

○ **Режа-проспект** - мантикий тартибда жойлашган масалаларнинг рефератив баёни, кейинчалик улар бўйича бутун тўпланган фактик материал бир тизимга солинади.

○ **Тақвимий режа** - илмий-тадқиқотчилик ишидаги асосий босқичларнинг тадқиқот режаси (дастури)га, ишларни бажаришнинг тақвимий муддатлар, моддий харажатларига (режа-график) мувофиқ бир тартибда баён қилиниши.

### **ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ (МАГИСТРЛИК ИШИ) НИНГ НАМУНАВИЙ ТАҚВИМИЙ РЕЖАСИ**

<b>№ т/р</b>	<b>Иш босқичининг асосий мазмуни</b>	<b>Натижалар</b>	<b>Бажарилиши муддати</b>
1	Тадқиқот предметининг белгиланиши	Мавзунинг танланиши	25 сентябрь
2	Кутубхона фондлари ва электрон ресурслар билан танишиш	Библиографик рўйхат тузилган	сентябрь
3	Илмий иш мавзуининг раҳбар томонидан тасдиқланиши	Мавзу тасдиқланган, илмий раҳбар тайинланган	октябрь
4	Манбалар ва ҳужжатларнинг йиғилиши ва ўрганилиши	Ҳужжатлар ва манбалар топилган ва ўқиб чиқилган, библиографик рўйхат тўлдирилган, кўчирмалар, конспектлар, рефератлар бажарилган	сентябрь — январь
5	Иш тузилмасининг белгиланиши	Илмий иш режаси тузилган	15 октябргача
6	Айрим қисмларнинг ёзилиши	Манбалар ва адабиётлар шарҳи ёзилган, ишнинг айрим бўлимларининг қоралама нусхалари бажарилган	таҳлил - 1 дек.; 1- боб - 1 янв.; 2- боб - 1 февр.; 3- боб - 1 март
7	Ишнинг умумий хулосаларининг ифодаланиши	Ишнинг ҳар бир қисмининг хулосалари ифодаланган, хулоса ёзилган	15 март
8	Маъруза тезислари	Тезислар тайёрланган ва	15 март

	матнининг ёзилиши	раҳбарга топширилган	
9	Иш номи, мақсадлари, асосий вазифаларининг аниқлаштирилиши ва уларнинг хулосаларга мувофиқлиги	Кириш ёзилган, иш номига, иш мақсадлари ва вазифалари ифодаларига ўзгартиришлар киритилган	30 март
10	Иш матни қоралама нусхасининг тайёрланиши ва раҳбарга тақдим этилиши	Қоралама матннинг ёзма расмийлаштирилиши	1 апрель
11	Тузатишлар киритилиши	Илмий раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинган	10 апрель
12	Ишнинг расмийлаштирилиши	Охирги вариант қоғозга туширилган	20 апрель
13	Конференцияда маъруза қилиш	Маъруза қилинди	24-25 апрель
14	Ишнинг топширилиши	Иш топширилди	30 апрель

Магистрант ишларни бажаришнинг мантиқий кетма-кетлигини шундай қура билиши керакки, бундай навбатлилик белгиланган муддатларда қўйилган мақсадга эришишга ва илмий вазифанинг ҳал этилишига олиб келиши керак. Ишда шу вақтда диққат-эътибор тўпланиши керак бўлган асосий нарса ажратиб кўрсатилиши керак, лекин шу билан бирга деталлар эътибор доирасидан четда қолиб кетмаслиги лозим.

### **III ҚИСМ. МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

1. Диссертациянинг тузилиши ва асосий мазмуни
2. Расмийлаштиришга нисбатан асосий талаблар
3. Диссертацияни ҳимоя қилиш

#### **ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АСОСИЙ МАЗМУНИ**

- Диссертация ишининг тузилиши
- Титул варағи ва мундарижа
- Кириш
- Асосий қисм
- Хулоса
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
- Иловалар

#### **ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА АСОСИЙ МАЗМУНИ**



Сиз бу бобда магистрлик диссертациясининг тузилиши ва мазмуний кўрсаткичлари билан танишасиз.

## **ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ**

Диссертация ишининг муайян композицион тузилиши анъанавий тарзда қарор топган, унинг асосий элементлари қуйидаги тартибда жойлашган бўлади:

1. Титул варағи
2. Мундарижа
3. Кириш
4. Асосий қисм (3 боб)
5. Хулоса
6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
7. Иловалар.

(Қаранг: Магистрлик диссертация ишининг тузилмавий-мантиқий схэмаси)

## **ТИТУЛ ВАРАҒИ ВА МУНДАРИЖА**

**Титул варағи** диссертация ишининг биринчи саҳифаси ҳисобланади ва катъий белгиланган қоидалар бўйича тўлдирилади.

Титул варағидан кейин **мундарижа** жойлаштирилади. Боблар ва параграфларнинг шу ерда кўрсатилган номлари, шунингдек, уларнинг изчиллиги диссертация матни ва диссертациянинг мантиқий схэмасига мутлақо мос бўлиши керак.

### **Назарий муаммолар ва уларни ҳал этиш йўналишлари (I боб)**

Биринчи даражали

Иккинчи даражали

Учинчи даражали


### **Иқтисодий фаолиятнинг мавжуд амалиёти (II боб)**

**Фаолиятнинг биринчи йўналиши ва мавжуд муаммолар**

**Фаолиятнинг биринчи йўналиши ва мавжуд муаммолар**

**Фаолиятнинг биринчи йўналиши ва мавжуд муаммолар**

### **Иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш йўллари (III боб)**



**Биринчи аниқланган муаммони ҳал этиш йўллари**

**Учинчи аниқланган муаммони ҳал этиш йўллари**

### **Хулоса**

Қўйилган вазифалар ечими

Биринчиси

Иккинчиси

Учинчиси

Тўртинчиси

Ишда қўйилган мақсадга эришилганлиги.

Киришда диссертация тадқиқотининг методологик аппарати ўз аксини топади. У ҳимояга тайёрланган диссертация ишининг кенг аннотацияси шаклида расмийлаштирилади.

Кириш одатда диссертация умумий ҳажмининг 10-15% ни ташкил этади.

Киришда қуйидагилар акс эттирилади: **Тадқиқот мавзунинг долзарблиги.**

Диссертациянинг композицион тузилиши нуқтаи назаридан олганда мавзу долзарблигининг асосланиши кириш қисмининг тахминан бир саҳифасини эгаллаши ва ушбу мавзуга нима учун айна ҳозир мурожаат қилишнинг мақсадга мувофиқлиги, илмий ва амалий зарурат нимадан иборатлиги, тадқиқот предмети ҳақидаги ҳозирги илмий тасаввурларнинг қандай ҳолатда эканлиги изоҳлаб берилиши керак. **Тадқиқот мақсадлари ва вазифалари.**

Бу диссертация тадқиқотининг стратегияси ва тактикасидир. Диссертация тадқиқотининг мақсадини ифодалашда шуни назарда тутиш керакки, диссертация учинчи бобининг номи ва мазмуни мақсадни очиб бериши лозим. Вазифаларнинг санаб ўтилиши имплицит равишда бутун иш матнининг режаси ва ички мантиқини беради. **Муаммонинг ишлаб чиқилганлик даражаси.**

Бу ерда ушбу муаммонинг турли жиҳатлари билан шуғулланган мамлакатдаги ва чет эллардаги олимларни санаб ўтиш, етарли даражада ёритилмаган масалаларни қайд қилиш керак. Муаллиф мавзунинг яхши ўзлаштирилганлиги, илмий матнлар ва библиографик материал билан ишлаш услубини эгаллаганлигини намойиш этиши, бундан олдинги тадқиқотчилар ва замондошларнинг бу муаммо ечимига қўшган ҳиссасини тўғри баҳолай олишини тасдиқлаши лозим.

Мабодо бу муаммо етарли даражада яхши ўрганилган бўлса, унда мазкур муаммога мавжуд нуқтаи назарларнинг таснифини таклиф қилиш янада яхши бўлади. Агар муаммо яхши ўрганилмаган, олимларнинг диққатини ўзига жалб этмаган бўлса, унда буни қайд қилиб ўтиш керак бўлади, чунки бунда ижод қилиш имконияти янада кенгайди.

Пировард натижада адабиётлар таҳлили айна шу мавзунинг ҳали очиб берилмаганлиги (ёки фақат қисман очиб берилганлиги ёки бошқа жиҳатдан очиб берилганлиги) ва шунинг учун бундан кейин ишлаб чиқилиши зарурлиги тўғрисидаги хулосага олиб келиши керак.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

Бу ерда тадқиқот жараёнида асосий хулоса сифатида олинган, тўғри қўйилган масаладан ва бу масалага жавоб берадиган тадқиқ этилган зарурий ва етарли ҳолатлардан мантиқан келиб чиқадиган фикрлар қисқача баён қилинади. Бу аниқланган янги факт, қўйилган вазифанинг асосли ечими, янги маълумотларнинг илмий муомалага олиб кирилиши, маълум фактнинг янги шароитлар учун тасдиқлаши бўлиши мумкин.

Янгиликни олинган натижани маълум бўлган натижалар билан солиштириш орқали кўргазмали тарзда кўрсатиш ҳам мумкин.

### **Тадқиқот объекти ва предмети.**

Тадқиқот объекти ва предмети ўзаро бир-бири билан умумий ва хусусий сифатида ўзаро нисбатда бўлади. Объектда унинг тадқиқот предмети бўлиб хизмат қиладиган қисми ажратиб кўрсатилади. Диссертантнинг асосий эътибори айти шу нарсага қаратилади, айнан тадқиқот предмети диссертация ишининг титул варағида сарлавҳа сифатида ифодаланган мавзуини белгилайди.

### **Амалий аҳамияти.**

Диссертацияда тадқиқотнинг амалий аҳамияти куйидаги шаклларда ифодаланиши мумкин:

1) Назарий ва методологик тусга эга тадқиқотларда ишнинг амалий аҳамияти - тадқиқот асосий натижаларининг илмий мақолаларда, монографиялар, дарсликларда эълон қилинишида; тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ қилинганлиги ҳақидаги муаллифлик гувоҳномалари, ҳужжатларнинг мавжудлигида; тадқиқот натижаларининг илмий-амалий конференциялар ва симпозиумларда синовдан ўтказилишида; илмий ишланмаларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги ўқув жараёнида қўлланилишида; халқ хўжалигининг у ёки бошқа тармоғини ривожлантиришга доир давлат ва минтақавий дастурларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этишда; тадқиқот натижаларининг янги меъёрий ва услубий ҳужжатларнинг тайёрланишида қўлланилишида.

2) Услубий ёки амалий тусга эга тадқиқотларда - бу ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, юридик тартибга солиш ва шу каби тизимларини такомиллаштиришга доир таклифлар; иқтисодий механизмни, ижтимоий жараёнларни бошқаришни ва шу кабиларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар; вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, бирлашмалар ёки бошқа манфаатдор ташкилотларнинг фойдаланиши учун тасдиқланган ёки тавсия этилган меъёрий ва услубий ҳужжатлар.

### **• Ишнинг тузилиши.**

Диссертация ишининг кириш, .... (сони) боб, ... (сони) параграфлар, шунингдек, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ... (сони) манбалар, ... (сони) иловалардан иборат эканлиги кўрсатилади.

### ***АСОСИЙ ҚИСМ***

Диссертация асосий қисмининг бобларида ўрганиладиган ҳодисалар ва фактлар батафсил кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади. Асосий қисм боблари ва параграфлари матнида сарлавҳалар имкони борича асосий сўзлардан (яъни асосий маъно юкини ташувчи) иборат бўлиши керак. Бундай сўзлар сўз юритилаётган предметни акс эттиради ёки бу предметнинг умумий тавсифномасини беради. Ушбу сарлавҳалар аниқ, лўнда бўлиши ва параграф мазмунини аниқ акс эттириши керак.

## 1 боб.

Мавзунинг умумий назарий муаммолари, шунга ўхшаш вазифаларни ҳал этиш назарияси ва амалиёти ҳолатининг таҳлилини, маъқул бўладиган ечимларнинг кўниктирилиши эҳтимоли учун хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш натижаларини ўз ичига олади. Бу бобда диссертант дедукциядан фойдаланиб, умумийдан хусусийга қараб илмий тадқиқот ўтказди, бунда хусусий ҳолларнинг бутун бир туркумидан бундай ҳолларнинг бутун жами учун умумлаштирилган хулоса чиқарилади.

## 2 боб.

Диссертант бу ерда магистрлик диссертациясини ишлаб чиқиш учун асос қилиб олинган корхона, ташкилот ва бирлашманинг қисқача тавсифномасини беради, нима юз берганлиги, нима учун бошқача эмас, айнан шундай бўлганлиги, қайси омиллар қандай таъсир қилганлигини англаб олишга ҳаракат қилади. Умумлашмалар, хулосаларни таҳлил, далилларни ишлаб чиқиш жараёнидан ажратиш амалда мумкин бўлмайди. Шунга қарамасдан, таҳлил билан умумлашма ажралиб туради.

Тегишли параграфларда қуйидагилар мантиқий изчилликда жойлаштирилади: тадқиқот объектининг функциялари, вазифалари ва йўналиши, ташкилий тузилмаси, бошқариш тизими, унинг ташқи ва ички омилларининг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқот объектининг техник-иктисодий кўрсаткичлари. Ўтказилган таҳлил асосида тадқиқот объектидаги мавжуд камчиликлар ва муаммолар аниқланади.

Шундай қилиб, ўрганиладиган ҳодисалар ва фактлар батафсил кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади, тадқиқотнинг услубиёти ва техникаси баён қилинади. Бу ерда фактларни ишлаш ва бир тизимга солишга алоҳида эътибор қаратилади. Факт муайян «фактик билим» сифатида кўриб чиқиладики, унинг функцияларини бутун илмий билишда илмий тадқиқот мантиқи аниқлаши керак бўлади. Фактлар қўйилган вазифани ҳал этиш учун йиғилади. Шунинг учун йиғилган фактлар сони муайян маънода оптимал бўлиши керак. Фактларни таҳлил этиш жараёни - бу хусусий хулосаларнинг узлуксиз тизими бўлиб, улар бирлашиб, муайян манзарани ҳосил қилади. Бутунни қисмларга ажратиш, элементларни ўрганиш билан диссертант узлуксиз равишда умумлаштиради. У предмет, вазиятни кўриб чиққанида умумлашма чиқаради, бунинг орқасида нима туришини қайд қилади. Бобнинг ҳар бир параграфи баён қилинган материал юзасидан умумлашмалар билан яқунланиши лозим.

**3 БОБ.** Ўрганилган тизим ва ўтказилган таҳлил асосида қўйилган тадқиқот мақсадига мувофиқ, тегишлича схема бўйича ифодалаш билан тадқиқот объектини ривожлантиришнинг энг оқилона, самарали йўллари таклиф

этиш ва иқтисодий жиҳатдан асослаб бериш, иқтисодий самарани белгилаш керак бўлади.

Ушбу бобда ўтказилган таҳлил асосида таклифларни иқтисодий жиҳатдан асослаш лозим.

Асосий қисм қўйилган вазифаларга мувофиқ бўлиши керак. Ҳатто асосий қисмни қўйилган вазифалар сонига тенг параграфлар (кичик бўлимлар) сонига бўлиш ҳам мумкин.

Хулосалар қўйилган вазифаларга бевосита мос келиши керак. Агар бундай мувофиқлик бўлмаса, унда ана шундай мувофиқликка эришиш учун киришга яна қайтиш ва вазифаларни қайтадан ифодалаш лозим.

Баъзан иш номини ўзгартиришга ҳам тўғри келади, лекин бундай ҳолда уни (янги номни) раҳбар билан келишиб олиш зарур.

### ***ХУЛОСА***

Диссертация иши ўтказилган тадқиқот натижаси акс эттириладиган хулоса билан яқунланади. Магистрлик диссертациясининг бу бўлими одатда умумий иш ҳажмининг 10-15% ни ташкил этади.

Диссертация ишида унинг айрим боблари ҳам хулосалар ва таклифлар билан яқунланиши мумкин, лекин уларнинг энг муҳимлари бутун ишнинг охирида, «Хулоса» бўлимида акс эттирилиши керак. Олинган натижа бу хулосалар сифатида ифодаланадиган вазифалар ечимидир.

Хулоса ўтказилган тадқиқот мантиқи билан боғлиқ бўлган хотима ролини бажариб, у асосий қисмда тўпланган илмий ахборотлар синтези шаклида бўлади. Бундай синтез олинган яқунларнинг изчил, мантиқий текис баёни ва уларнинг киришда қўйилган ва ифодаланган умумий мақсад ва аниқ вазифалар билан ўзаро нисбатидир.

Шундай қилиб, диссертациянинг яқунловчи қисми ўтказилган тадқиқотдан олинган натижаларнинг оддий бир рўйхати эмас, балки уларнинг яқуний синтезидир, яъни иш муаллифининг муаммони ўрганиш ва ҳал этишга киритган янгиликнинг ифодасидир.

### ***ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ***

Ушбу рўйхат диссертациянинг амалдаги қисмларидан бирини ташкил этади ва диссертантнинг мустақил ижодий ишини акс эттиради.

Бундай рўйхатга киритилган ҳар бир адабий манба диссертация кўлёмасида акс эттирилиши керак. Агар иш муаллифи ўзлаштирилган қандайдир фактларни қайд қилса ёки бошқа муаллифлар асарларидан парча келтирса, унда у албатта келтирилган материалларнинг қаердан олинганлигини сатр остида кўрсатиб ўтиши керак.

Диссертация матнида қайд қилинмаган ва амалда ишлатилмаган ишларни библиографик рўйхатга киритмаслик керак. Бундай рўйхатга энциклопедиялар, билдиргичлар, илмий-оммавий китоблар ва газеталарни киритиш ҳам тавсия қилинмайди. Бундай нашрлардан фойдаланишга зарурат

бўлса, унда уларни диссертация ишининг матнида сатрлар остидаги кўчирмаларда кўрсатиш керак.

### ***ИЛОВАЛАР***

Диссертация асосий қисми матнини шишириб юборадиган ёрдамчи ёки кўшимча материалларни ўз ичига олади.

### **ИШНИ РАСМИЙЛАШТИРИШГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

- Диссертацияни ёзиш ва расмийлаштиришнинг асосий қоидалари
- Боблар ва сарлавҳалар номларини расмийлаштириш
- Титул варағини расмийлаштириш
- Матндаги қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштирилган парчаларни расмийлаштириш
- Иловаларни расмийлаштириш
- Фойдаланилган манбаларни баён қилиш қоидалари

### **РАСМИЙЛАШТИРИШГА АСОСИЙ ТАЛАБЛАР**

Сиз бу бобда магистрлик диссертациясини расмийлаштириш ва уни ёзиш қоидалари, фойдаланилган манбаларни баён қилиш қоидалари, расмларга нисбатан асосий талаблар, матндаги қайдлар ва кўчирмаларни расмийлаштириш қоидалари билан танишасиз.

### ***ДИССЕРТАЦИЯНИ ЁЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ***

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблардан бири-бу унинг тўғри расмийлаштирилиши бўлиб, бу нафақат иш сифатини яхшилайтиди, шу билан бирга унинг муваффақиятини ҳам таъминлайди.

Магистрлик диссертацияси ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланиши мумкин.

Магистрлик диссертацияси илмий иш ҳисобланади, шунинг учун унинг ёзилиши ва расмийлаштирилишига асосий талаблар номзодлик диссертациясига талабларга яқинлаштирилиши керак.

- ». Материалнинг аниқ ва изчил баён қилиниши диссертацияни ёзишнинг асосий тамойилидир.
- Янги фикрни бошлайдиган иборалар хат бошидан бошлаб ёзилади.
- Матннинг тугалланмаган қисмларини бошқа саҳифаларга ўтказишга йўл қўйилмайди.
- Агар матнда бошқа манбалардан олинган материаллар ишлатилса, унда кўчирмачиликда айбланмаслик учун улар манбаини албатта матнда қайд қилиш керак.
- Кўчирмалар саҳифа тагида хат боши билан ёки қизил сатр билан терилади. Агар бир неча манба қайд қилинса, унда улар изчил тартибда рақамланади.

Магистрлик диссертациясининг умумий ҳажми компьютерда 1,5 интервал билан терилган, оқ қоғозга (A4, 210-297 мм) туширилган 60 дан 80 саҳифагача (камида 10000 сўз) бўлиши керак.

Диссертация тадқиқоти **матни хошиялари ўлчамлари:** юқориси - 20 мм, асткиси - 20 мм, ўнг - 10 мм, чап - 25 мм. Саҳифанинг тартибрақами юқоридаги ўнг бурчакда қўйилади. Магистрлик диссертацияси стандартларга мувофиқ келадиган босмаҳона усулида муковаланган бўлиши керак.

### **БОБЛАР ВА САРЛАВҲАЛАР НОМЛАРИНИНГ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ**

Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боби янги саҳифадан бошлаб ёзилади.

Бобнинг номидан кейин параграфнинг сарлавҳаси қўйилади.

Боб ёки сарлавҳаларнинг номи асосий матндан қўшимча интервал билан ажратиб ёзилади.

Боблар ва параграфлар номлари хатбошисидан ёзилади, нуқта қўйилмайди, тагига чизиб, таъкидланмайди ва бошқа бетга қўчирилмайди. Агар бундай номлар икки ёки ундан кўпроқ гаплардан иборат бўлса, унда уларнинг ўртасига нуқта қўйилади.

Боб номи билан матн ўртасидаги интервал 15 мм бўлиши керак, боб билан параграф номлари ўртасидаги интервал - 8 мм бўлади.

Параграфлар арабча рақамлар билан рақамланади. Параграф рақами олдидан боб рақами ёзилади, сўнгра параграф рақами ва номи қўйилади. Рақамлар охирида нуқта қўйилмайди (1.1).

### **ТИТУЛ ВАРАҒИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Диссертация титул варағини расмийлаштириш қуйидаги талабларга мувофиқ бўлиши керак:

- диссертация номи - шрифт 16; муаллифнинг фамилияси, исми - шрифт 14;
  - малака - шрифт 14. Диссертация иши мавзуининг номи, магистрантнинг фамилияси, исми, отасининг исми, «магистрлик диссертацияси» ибораси ва йил катта ҳарфлар билан ёзилади.

Шрифтни танлашда фақат Типез №лу Когпап ёки Апа1 шрифтларидан фойдаланиш мақбулдир.

### **Матндаги қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштирилган парчаларни расмийлаштириш**

Ишнинг баёни жараёнида магистрант мазмун шартларига мувофиқ жойлаштирилган жадваллар, расмлар, мисоллар, схемалар, формулалар ва бошқа элементларни қайд қилиб ўтиши мумкин, бундай қисмлар ўзлари тегишли бўлган матн билан ёнма-ён қўйилмаслиги ҳам мумкин.

Бошқа манбалардан ўзлаштирилган маълумотлар саҳифа остида изоҳ тарзида кўрсатиб ўтилади. Изоҳ асосий матндан узун чизик билан ажратилади ва арабча <sup>1,2,3</sup> рақамлари билан рақамланади ёки \*\*\* каби юлдузчалар билан қайд қилинади.

Диссертация матнида кўпинча бошқа муаллифлар аниқлаган фактларни қайд қилиш ёки ўзлаштирилган материални матнга киритишга тўғри келади. Ўзлаштирилган парчаларни баён ичида расмийлаштириш шакллари хилма-хил, лекин нутқдаги академик этикет бир қатор барқарор нутқ штампларини ишлаб чиққанки, улар ўзлаштирилган материал манбаини аниқроқ ва қисқароқ тарзда кўрсатишга ёрдам беради.

Бошқа манбалардан олинган барча материалларни изоҳда кўрсатиш керак. Масалан: (5. 42-бет).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов «Ўзбекистон, бизнинг халқимиз, иқтисодий мустақилликка эришиш учун донга бўлган эҳтиёжларни ўз кучимиз билан қондиришнинг аҳамияти ҳақида гапириб ўтириш ортиқчадир», деб қайд қилган эди.

<sup>2</sup> И. Каримов. Бизнинг мақсадимиз - озод ва фаровон Ватандир. Т.: Ўзбекистон, 1996, 304-бет.

Баённинг давомида тижоратчилик музокараларини юритиш техникаси АҚШнинг Гарвард университети психологлари ишлаб чиққан услуб бўйича ифодаланади... <sup>3</sup>.

### **Статистик материаллар, таҳлилий ва ишчи жадвалларини расмийлаштириш**

Магистрлик диссертациясида статистик материаллар, таҳлилий ва ишчи жадваллари берилади.

Статистик материаллар матнда баён қилинган ахборотни қайд қилиш учун ишлатилади.

Таҳлилий жадваллар умумлаштирувчи хулосалар ва изоҳларни талаб қилади. Маълумотлари илгари матбуотда эълон қилинган жадваллардан фойдаланишда ушбу ўзлаштирилган материалнинг айна қайси манбаида келтирилганлигини изоҳда албатта кўрсатиш керак. Агар матнда хорижий тиллардаги таклифлар, қўшимчалар ёки сўзлар мавжуд бўлса, унда улар тўлиқ ёзилиши керак.

Ишлатилган графиклар, схемалар, диаграммалар, расмлар расм остидаги ёзув билан тўлдирилиши лозим

Агар жадвал жуда катта бўлса, унда у навбатдаги саҳифага кўчирилади, бунда жадвал сарлавҳаси такрор ёзилмайди, ўнгдаги юқори бурчагида «Жадвалнинг давоми» деган ёзув ёзилади. Жадваллар номи фақат биринчи қисмида ёзилади. Жадвал сарлавҳаси навбатдаги саҳифада ҳам такрорланади ва рақамланади.

Агар жадвалда келтирилган сонлар бир хилдаги кўрсаткичга эга бўлса, унда бундай кўрсаткич жадвалнинг ўнгдаги юқори бурчагида қўйилади, масалан, %. Агар бундай сонлар турлича кўрсаткичларга эга бўлса, унда жадвалнинг ҳар бир устунда кўрсатилади.

Жадвалдан кейин албатта таҳлил берилади.

Ишда келтирилган формулалар алоҳида сатрдан ёзилади ва ўнг томонидан кавс ичида арабча рақамлар билан рақамланади. Формуланинг



пастиди "бунда" деган сўз билан бошланадиган белгилар ифодаси ёзилади. Схемалар ва графиклар арабча рақамлар билан ифодаланади.

Қўшимча тусдаги расмлар, схемалар ва графиклар иловада келтирилади. Ҳар бир илова янги саҳифадан бошланади ва 1-илова, 2-илова ва шу каби тарзда ифодаланади. Сўнгра илова номи ёзилади. Иловаларни А, Б, В,... ҳарфлари билан ҳам ифодалаш мумкин.

### **ИЛОВАЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Иловалар диссертациянинг охирида библиографик изохдан кейин акс эттирилади, ахборот манбалари албатта жадваллар ва суратлар тагида кўрсатилади, варақларда саҳифалар рақамлари қўйилмайди.

### **ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАРНИ БАЁН ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

Ишда фойдаланилган адабиётларнинг библиографик рўйхати ишнинг охирида жойлаштирилади. Адабиётлар библиографик баёнда қуйидаги изчилликда жойлаштирилади:

- қонунлар, меъёрий-услубий ҳужжатлар ва материаллар;
- мамлакатимизда ва чет элларда босилган илмий адабиётлар (дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар, илмий брошюралар ва ҳоказо);
- статистик, йўриқномавий материаллар ва ташкилотлар ва корхоналар ҳисоботлари;
- интернет - ресурслар.

Ҳар бир бошланғич манбалар бўйича қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллиф фамилияси, сўнгра унинг исми-шарифи; китоб номи; шаҳар номи; нашриёт номи; босилган йили.

Агар китоб муаллифлари уч ва ундан ортиқ кишилардан иборат бўлса, унда биринчи муаллифнинг фамилияси, исми-шарифини кўрсатиб, сўнгра ва бошқалар деб қўйиш ҳам мумкин.

Шаҳарлар номлари қисқартирмасдан бош келишида ёзилади. Москва, Ленинград, Санкт-Петербург ва Тошкент каби шаҳарлар номларини қисқартириб ёзиш мумкин: Москва - М., Ленинград - Л., Санкт-Петербург - СП., Тошкент - Т. Агар китоб икки шаҳарда босилган бўлса, унда иккаласи ҳам ёзилади, масалан, М., Л.

Агар китобни икки нашриёт чиқарган бўлса, унда ҳар иккала нашриёт номи ҳам ёзилади, масалан: Т.: «Фан», «Экономика».

Даврий матбуот ҳақидаги маълумотларда қуйидагилар кўрсатилади:

- муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи;
- мақола номи;
- журнал ёки газета номи;
- серия номи;
- журнал ёки газетанинг босилган йили;
- журнал ёки газета жилди ва рақами;
- саҳифа рақами.

Илмий изланиш ҳисоботларини баён қилишда қуйидагилар кўрсатилади: ҳисобот номи (сўнгра, қавс ичида «ҳисобот» сўзи ёзилади); ҳисоботни чиқарган ташкилотнинг шифри, инвентар рақами, номи, илмий раҳбарнинг фамилияси, исми-шарифи, ҳисоботнинг чиқарилган жойи, йили ва саҳифалари сони.

Мировая экономика: Учебник / Под ред. А.С. Булатова. - М.: Юрист, 2006.

### **Мустақил иш учун топшириқлар:**

1. Битта илмий ишни - магистрлик диссертациясини танланг, унинг тузилишини ўрганинг.
1. Диссертациянинг мазмуни ва тузилиши бўйича таҳлил тайёрланг.
2. Диссертациянинг расмийлаштирилишини таҳлил қилинг. Таҳлилда расмийлаштириш бўйича қуйидаги қоидаларнинг бажарилишини ақс эттиринг:
  - диссертациянинг титул варағи;
  - фойдаланилган манбалар баёни;
  - матндаги қайдлар, кўчирмалар ва ўзлаштиришлар;
  - статистик материал;иловалар.

### **Назорат саволлари**

1. Илмий тадқиқот методологияси.
2. Магистрлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш
3. Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар
4. Магистрлик диссертацияси устидаги ишнинг процессуал тузилмаси
5. Магистрант амалларининг изчиллиги
6. Илмий натижалар янгилиги мезонлари
7. Фаразларни илгари суриш қоидалари
8. Фаразларни қуришнинг процессуал тузилмаси

### **Фойдаланилган адабиётлар**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

1. Бойметов Б.Б., Қаламтасвир. – Т.: “Муסיқа”, 2006. – 214 б.
2. С. Абдирасилов, Н. Толипов. Дастгоҳли рангтасвир. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2007. – 114 б.
3. Абдирасилов С., Бойметов Б., Толипов Н. Тасвирий санъат. – Т.: “Чўлпон” номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 173 б.
4. Бойметов Б., Нуртоев Ў., Тасвирий санъат технологияси ва нусха кўчириш. – Т.: “Иқтисод-молия”. 2007. 96 б.
5. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи “Санъат”, 2001. – 231 б.
6. Абдурахмонов Ғ.М. Композиция асослари – Т.: “ТДПУ”, 2008. – 96 б.
7. Байметов Б. Ҳайкалтарошлик ва пластик анатомия. – Т.: “Иқтисод-молия” 2007. – 140 б.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
4. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
5. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
6. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
7. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>
8. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz).

## ГЛОССАРИЙ

**Абстрактлаштириш** - бошқа барча параметрларни ҳисобга олмасдан битта ажратилган параметрни алоҳида ҳолида кўриб чиқадиган тадқиқотчилик услуби.

**Долзарблик** - ушбу муаммонинг ҳозирги фан ва амалиёт учун ўрганилишининг муҳимлиги; долзарблик даражаси глобал тусда (фан, жамият эҳтиёжлари, умуман амалиётни қамраб олиши) ёки локал тусда (фаннинг алоҳида тармоғи, алоҳида минтақа, муайян тусдаги ижтимоий институтларни ва шу кабиларни қамраб олиши) бўлиши мумкин.

**Диссертация мавзуининг долзарблиги** - бу унинг ижтимоий назария ва амалиёт учун керакли эканлиги бўлиб, фанда кўпинча олдинги назарий тасавурлар доирасига яққол жойлашмайдиган янги фактларнинг кашф қилиниши натижасида вужудга келадиган вазиятнинг мавжудлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот долзарблигини асослаш** - илмий билишнинг умумий жараёни соҳасида мазкур мавзуни ўрганиш заруратини изоҳлашни билдиради.

**Таҳлил** - бу тадқиқотнинг назарий услуби бўлиб, тадқиқ қилинаётган жараён ёки ҳодисани махсус ва теран мустақил ўрганиш учун уни таркибий қисмларга ажратишни назарда тутадиган фикрий операциядир.

**Аналогия** - ўхшашлиги, прототипи танланадиган фикрий операция.

**Аннотация** - титул варағининг орқасида жойлашган, қандайдир нашр ҳақидаги қисқача ахборот; ҳужжат, унинг бир қисми ёки ҳужжатлар гуруҳининг вазифаси, мазмуни, шакли ва бошқа хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифномаси.

**Сухбат** - эмпирик услуб бўлиб, жавоб берувчи билан шахсий алоқани назарда тутди.

**Илмий мавзулар турлари:** амалий, аралаш, назарий.

- Амалий мавзулар хўжалик амалиётини ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқилади.
- Аралаш мавзулар тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.
- Назарий мавзулар асосан адабий манбалардан фойдаланиб ишлаб чиқилади.